

**Н. Л. ГРИШУТИНА, Е. А. ЕРМОХИНА**

**ХОДИМЛАРНИНГ  
МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**ОБЯЗАТЕЛЬНЫЙ  
ЭКЗЕМПЛЯР**

**ТОШКЕНТ — «NORMA» — 2014**

УЎК: 349.2(575.1)

КБК 67.405

Г-86

Мехнат худуди бу ишчалико  
иш тавассиидот худуди

Гришутина Н. Л.

Г-86      Ходимларнинг моддий жавобгарлиги/ Н. Л. Гришутина,  
Е. А. Ермохина – Тошкент: «NORMA», 2014. – 120 б.

ISBN 978-9943-21-026-4

Рисолада моддий жавобгарликка тортиш шартлари ва  
унинг турлари кўриб чиқилган. Инвентаризациядан ўтказиш  
коидалари ва камомадни аниқлаш тартиблари баён этилган,  
моддий зарарни аниқлаш, коплаш ва уни бухгалтерия хисобида  
кандай акс эттириш кераклиги тушунтирилган. Моддий жа-  
вобгарлик билан боғлик бўлган амалий хўжалик вазиятлари,  
шунингдек локал хўжатлардан намуналар келтирилган.

Ташкилотларнинг бухгалтерлари, иктисадчилари, ҳуқуқшунос-  
лари ва раҳбарлари учун мўлжалланган.

УЎК: 349.2(575.1)

КБК 67.405

ISBN 978-9943-21-026-4

© «NORMA» нашриёти, 2014

|           |  |
|-----------|--|
| 2014/14   | Alisher Navoiy<br>nomidagi<br>O'zbekiston MK |
| A<br>1432 | N1   |

31843  
291

## МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ДЕГАНИ НИМА ЎЗИ

Моддий жавобгарлик – бу меҳнат ҳуқуки меъёрларига асосланган ходимнинг ташкилотга етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар ва тартибда қоплаш мажбурияти.

Моддий жавобгарлик тўғрисидаги ҳуқукий меъёрлар, бир томондан, иш берувчига етказилган мулкий зарарни қоплашни таъминлаш, яъни иш берувчининг мулкий ҳуқуқларини тиклаш, бошқа жиҳатдан – ҳар қандай ҳолатда ҳам ходимнинг ҳаёт учун зарур бўлган тўловларига иш ҳақининг муайян қисмини колдириш учун ходимнинг иш ҳақини сақлаб қолиш кафолатини кучайтиришга қаратилган.

*Мисол. Ходимнинг айби билан ошхонада овқат пиширадиган шкаф бузилди. Ташкилот ходимдан фақат шкафни тиклаш учун сарфланган суммани ундириб олиши мумкин. Шкаф бузилмаган ва унда маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда ошхона қўлга киритиши мумкин бўлган даромадлар ундирилмай қолади.*

Моддий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустакил тури ҳисобланади. У, етказилган зарар учун ходим бирор-бир жавобгарликнинг бошқа турига тортилиш-тортилмаслигидан қатъи назар, юзага келади ва жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликлар билан бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши мумкинлиги билан улардан фаркланиб туради.

Ташкилотта етказилган зарар учун унинг барча ходимлари, яъни мазкур ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимлар моддий жавобгар бўладилар. Бу яна шуни англатадики, у факат меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгилана-диган махсус чора бўлганилиги сабабли фақат ташкилот ходимларигина ташкилот олдида моддий жавобгар бўла оладилар. Агар ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлмаган шахс томонидан зарар етказилган бўлса, у фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Меҳнат муносабатлари амал қилиб турган вақтда ташкилотта зарар етказган, кейин бундай муносабатларни тўхтатган шахсларга нисбатан ҳам меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрла-

ри бўйича жавобгарлик юклатилади, сабаби *Меҳнат кодексининг* (*кейинги ўринларда – МК*) 185-моддаси З-қисмига биноан зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

**Мисол.** *Бош бухгалтер билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин корхонада аудиторлик текшируви ўтказилиб, унда собық ходимнинг айби билан юзага келган камомад аниқланган. Иш берувчи унга тегишли талаб билан мурожсаат қилишига ҳақли ва шахс етказилган зарарни ихтиёрий қоплашдан воз кечгудек бўлса, иш берувчи судга мурожсаат қилиши керак.*

Моддий жавобгарликни меҳнат ҳукуки ёрдамида белгилашдан мақсад – зарар юзага келишининг олдини олиш ва айни вактда ходимнинг иш ҳақини асосланмаган ушланмалардан мухофаза қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ходимнинг етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигини белгилар экан, қонун хужжатлари куйидагиларни ҳам белгилайди:

қандай зарар қопланиши керак;

моддий жавобгарлик юзага келишининг шартлари, унинг турлари ва чегаралари;

зарар микдорини аниглаш ва уни қоплаш тартиби;

ходимлар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузиш тартиби ва бошқалар.

Моддий жавобгарлик билан боғлиқ масалаларни бевосита тартибга соладиган меъёрий хужжатлар тизимида *Меҳнат кодекси* асосий қонун хужжати ҳисобланади.

Амалдаги қонун хужжатлари жавобгарликнинг у ёки бу турини қўллаш ҳолларини, уларнинг чегараларини ҳамда у зиммасига юклатилаётган аник ходимни ёки ходимларни етарлича аник белгилаш имконини беради.

Ташкилот ходимига моддий жавобгарликни юклаш тўғрисидаги масала кўриб чикилаётганда нафақат ташкилотта етказилган зарарни қоплашни таъминлаш, балки ходимни асосланмаган моддий жавобгарликка тортмаслик учун зарар етказилишининг барча вазиятларини аниқлаш ва тўғри баҳолаш керак бўлади. Мана шу ўринда биринчи навбатда меҳнат тўғрисидаги қонун

хужжатлари меъёрларига мувофик юзага келадиган моддий жавобгарлик билан фуқаролик-хукукий жавобгарлик ўртасидаги мухим фарқланишларни кўрсатишга тұғри келади.

**Фуқаролик-хукукий (фуқаролик) жавобгарлик** – юридик жавобгарликтинг турларидан бири бўлиб, фуқаролик хукуки меъёрлари билан белгиланган фуқаролик хукукида назарда тутилган мажбуриятларнинг шахс томонидан бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигининг юридик оқибатларини ўз ичига олади.

Масалан, *Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда – ФК) 14-моддасига* мувофик агар конун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тूлаш назарда тутилмаган бўлса, хукуки бузилган шахс ўзига етказилган зарарниг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Бу ўринда зарар деганда, хукуки бузилган шахснинг бузилган хукукини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз хукуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Моддий жавобгарлик, коида тариқасида, ишчи ёки хизматчи иш ҳақининг муайян кисми билан чекланади.

*МКнинг 198, 201-моддалари* билан ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни тूлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўртача ойлик иш ҳақидан юкори моддий жавобгарликка факат меҳнат тўғрисидаги конун хужжатларида кўрсатилган ҳолларда йўл қўйилади.

**Мисол.** Мебель цехининг ходими битта диван ишилаб чиқариш учун 2 млн сўмлик материал олди. Ходим берилган материални ўзлаштирди деб фараз қиласилик. Ташкилотга бевосита етказилган зарар 2 млн сўмни ташкил этади.

Агар ходим ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлмай, пудрат шартномаси бўйича ишилган бўлганда, мебель цехи диваннинг сотилишидан олинмай қолган даромад миқдорида қўлдан бой берилган фойдага ҳам даъвогарлик қилиши мумкин бўлар эди.

Қонун хужжатлари ходимларнинг моддий жавобгарлиги юзага келишини ташкилот маъмурияти томонидан ишчилар ва хизматчиларга нормал ишлаши ва уларга ишониб топширилган мол-мулкнинг тўлик сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган шароитларни яратиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлади. Агар товар-моддий бойликлар билан ишлаш учун ташкилотда тегишли шароитлар яратилмаган бўлса, жавобгарлик ташкилотнинг зиммасида бўлади.

Юкорида келтирилган қонун хужжатларининг меъёрлари ташкилот ходимига моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин бўлган шартларни ажратиб кўрсатишга имкон беради:

*1) ташкилотга бевосита етказилган ҳақиқий зарар*, бунинг натижасида иш берувчининг мавжуд мол-мулки амалда камаяди ёки ёмон ҳолатга келади. Шунингдек бевосита етказилган ҳақиқий зарар деб, агар иш берувчи учинчи шахслар мол-мулкининг сақланиши учун жавобгар бўлса, шунингдек иш берувчи учун ушбу мол-мулкни сотиб олишга, қайта тиклашга ёки иш берувчи томонидан учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплашга харажатлар ёхуд ортиқча тўловларни амалга оширишга тўғри келса, иш берувчидаги турган учинчи шахслар мол-мулкининг камайиши ҳам тушунилади. Бу ҳолда ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга етказилган зарарни қоплаши натижасида келиб чиккан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Мавжуд мол-мулкнинг ҳақиқатда камайиши қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

- мол-мулк тўлик йўқ килиниши натижасида, бунда у ўзининг фойдали хусусиятларини бутунлай йўқотади ва унинг таъмирлаши ёки қайта тикланиши мумкин бўлмай колади;
- мол-мулк ҳолатининг қисман ёмонлашуви натижасида, бунда унинг фойдали хусусиятлари таъмирлаш ўтказилгандан кейин тикланиши мумкин;
- мол-мулк йўқотилиши сабабли, бу унинг фойдаланувчисининг (мулкдорининг) иродаси ва хоҳишига қарши ҳолда унинг эзалигидан чиқиб кетишига олиб келади. Мол-мулк йўқотилиши қасдан (ўғирлик, фирибгарлик) ҳам, ходимнинг масъулиятсизлиги ва эътиборсизлиги (йўқотиш, бузиш) оқибатида ҳам юз бериши мумкин. Қоида тарикасида, бундай ҳолатлар мол-мулкни

сақлаш бўйича комплекс чоралар кўрилмаган ташкилотларда мавжуд бўлади;

2) *ходимнинг гайрихукукий хулқ-атвори*. Ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, шунингдек унинг қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, ички меҳнат тартиби коидалари, бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда келтирилган аниқ кўрсатмаларни бузиши шундай хулқ-атвор деб зътироф этилади. Бунга ходимнинг асбоб-ускунага хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш, моддий қимматликларни саклаш ва бериш коидалари, технологик талаблар ва бошқа техник меъёрларни бузиши, шунингдек ички йўрикномалар ва иш берувчининг буйрукларига мувофик келмайдиган харакатлар қилиши оқибатида мол-мулкнинг бузилиши мисол бўлиши мумкин;

3) ходимнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) билан ташкилотга етказилган зарар ўртасидаги бевосита сабабий боғланиши. Агар ходим зиммасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юклangan бўлса, унинг ҳаракатсизлиги гайрихукукий деб зътироф этилиши мумкин. Агар ходимнинг меҳнат мажбуриятлари тегишли ҳужжатларда аниқлаштирилмаган бўлса, ходимнинг ташкилот манфаатларига очик-ойдин қарши чиқувчи хулқ-атвори гайрихукукий деб ҳисобланади.

Одатда, ходимнинг ҳаракатлари билан етказилган зарар ўртасидаги сўзсиз боғланишни исботлаш мушкул. Бунинг учун экспертизани ўtkазиш ва малакали мутахассисларни жалб этишга маълум бир ҳаражатлар қилишга тұғри келади. Бевосита сабабий боғланишнинг исботланиши мавжуд бўлмаган тақдирда иш берувчи ходимдан зарарни ундира олмайди.

**Мисол.** Ташкилот ноёб маҳсулотни ишлаб чиқариш учун янги асбоб-ускуна олди. Ходим ундан фойдаланиши мобайнида бузилиб қолди. Асбоб-ускунанинг бузилишида ходимнинг айби исботланмагунга қадар иш берувчи ундан зарар қийматини ундиришига ҳақли эмас.

4) *ходим айбининг мавжудлиги*. Агар асбоб унинг тайёрловчиси йўл қўйган брак оқибатида бузилганлиги аниқланган бўлса, ходим унинг бузилиши учун жавобгарликка тортилмайди. Хо-

димнинг айби зарар унинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги билан етказилганлигига намоён бўлиши мумкин, масалан, у зарарни бартараф этиш имкониятига эга бўла туриб, буни амалга оширимаганлиги унинг ҳаракатсизлиги ҳисобланади.

Ходим гайрихуқукий ҳатти-ҳаракатни ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик оқибатида содир этиши мумкин. Ҳатти-ҳаракатни қасдан амалга ошираётганда ходим ўз ҳаракатлари гайрихуқукий эканлигини билади, шунингдек пировардида салбий оқибатлар юзага келишини тахмин қиласди, бироқ онгли равишда уларнинг содир бўлишига йўл қўяди. Ходим ташкилот мол-мулкини онгли равишда ўғирлаётганда шундай ҳол юз бериши мумкин. Эҳтиётсизлик бўйича ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда ходим ўз мажбуриятларига совукконлик билан ёндашиб, гарчанд ўз ҳаракатларининг салбий оқибатларини олдиндан кўриши мумкин бўлганлиги ва кўриши шарт бўлганлигига қарамай, уларни кўрмайди ёхуд олдиндан кўрган бўлса ҳам, қалтабинларча бу салбий оқибатлар содир бўлмайди деб умид қиласди. Агар тегишли меъёрий-хуқукий хужжатлар, мансаб йўрикномалари билан муайян ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириштада ходимнинг мажбуриятларига кириши (кирганлиги) кўрсатилган бўлса, унинг ҳаракатсизлиги гайрихуқукий леб эътироф этилади.

*Мисол. Кадрлар бўлими бошлиги меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга меҳнат дафтарчасини беришни иккى ойга кечиктирди ва бу билан МКнинг 108-моддасини бузди. Бунинг натижасида бўшаб кетган ходим ишга жойлаша олмади. Ходимга меҳнат дафтарчасини бериш кечиктириб юборилганлиги учун корхонадан ходим фойдасига ўртacha иккى ойлик иш ҳақи ундириб олинди, сабаби МКнинг 188-моддасига биноан ходим меҳнат қилиши имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт. Мазкур ҳолда кадрлар бўлими бошлигининг айби билан корхонага ортиқча пул тўловлари кўринишида зарар етказилган. Шу муносабат билан уни моддий жавобгарликка тортиши қонунийдир.*

Ходимнинг аниқланган айби шаклидан келиб чиқиб, унга моддий жавобгарликни юклани оқибатлари турлича бўлади: улар оқибатида зарар юзага келадиган қасдан қилинган ҳаракатлар

ходимнинг зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш мажбуриятини келтириб чиқаради. Эҳтиётсизлик билан харакатлар содир этилган тақдирда ходим етказилган зарар микдорида, бирок ўртача ойлик иш ҳақидан ошмаган ҳолда жавобгар бўлади.

Ходимнинг айби даражасини ва шаклини белгилаш моддий жавобгарлик тури ва аниқ ҳолатларни аниқлашда аҳамиятга эгадир. Масалан, *МКнинг 210-моддасида* суд айбнинг даражасини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар микдорини камайтириши мумкинлиги белгиланган.

**Мисол.** *Меҳнат шартномаси тузилаётганда ходим томонидан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бироқ у эҳтиётсизлик туфайли унга ишониб топширилган мол-мулкни йўқотиб қўйди. Етказилган зарар микдори 1 млн сўмни ташкил этди. Иш берувчи етказилган зарарни қоплаш учун судга мурожсаат қилди. Суд низолашуви давомида ходимнинг қарамогида ногирон боласи ва кекса ёшдаги ота-онаси борлиги аниқланди. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд ходимнинг ҳолатини моддий жиҳатдан оғир деб топиб, қопланиши лозим бўлган зарар микдорини камайтириши мумкин.*

Ундириладиган зарарнинг микдорини, агар у ғаразли мақсадлар билан содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, камайтиришга йўл кўйилмайди (*МК 210-моддасининг 3-қисми*).

Шуни кайд этиш керакки, *МК 199-моддаси* куйидагилар оқибатида содир бўлган зарар учун ишчи ёки хизматчининг зими масига жавобгарликни юклашни истисно этади:

**1) бартараф этиши мумкин бўлмаган кучлар,** яъни ходим унга ишониб топширилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажаролмай қоладиган фавқулодда ходисалар. Бартараф этиши мумкин бўлмаган кучлар турларига табиий оғатлар, ҳалокатлар ёки бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар киради.

**Мисол.** *Тунда ташкилот оғисидан ноутбук ўғирланди. Раҳбарнинг буйруги билан ушбу ноутбукка моддий жавобгар деб тайинланган ходим жавобгар бўлмайди, сабаби ўғирлик*

унга боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли содир бўлган. Агар ходим ноутбукни оғисдан олиб чиқиб кетган ва уни йўқотган бўлгандა эди, у ҳолда МК 202-моддасининг 4-қисмига биноан ходим иш берувчига ноутбукнинг бозор қийматини қоплаб берган бўлар эди.

2) *нормал ҳўжалик таваккалчилиги*, бу корхона тўлиқ ёки кисман ўрни тўлдирилмайдиган харажатларни амалга оширадиган натижаларни қўлга киритиши эктимоли бўлган фаолиятни амалга оширишини билдиради. Масалан, янги технологиялар, асбоб-ускуналар ва машиналарни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш таваккалли иш ҳисобланади. Нормал ҳўжалик таваккалчилигига ходимнинг замонавий билимлар ва тажрибага мувофиқ қилган харакатлари кириши мумкин, яъни бунда ходим лозим даражада мансаб мажбуриятларини бажарган, муайян даражадаги жонкуярлик ва эҳтиёткорликни намоён этган, зарарни бартараф этишининг чораларини кўрган бўлади ва таваккалчиликнинг обьекти бўлиб одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги эмас, моддий кимматликлар майдонга чиқади.

*Мисол.* Янги маҳсулот синовдан ўтказилаётганда зарарни бартараф этиши учун қўлланилиши мумкин бўлган барча чоралар кўрилишига қарамай, у бузилди, зеро, бусиз кутилган натижага эришиб бўлмас ҳам эди. Янги маҳсулотни синовдан ўтказишнинг бошқа усуллари юзага келган заардан бир қанча ошиб кетадиган маблавлар сарфини талаб қилган бўлар эди.

3) *ўта зарур бўлганда ёки зарур мудофаа учун*, яъни бунда ходим одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига, бошқа ташкилотларнинг мол-мулкига хавф соладиган хатарларни бартараф этиш учун унга корхона томонидан меҳнат вазифаларини бажаришида ишониб топширилган мол-мулкка заарар етказади. Ута зарур бўлганда ходим бир вактнинг ўзида иш берувчи ёки шахслар, давлат манбаатларига хавф соладиган хатарни бартараф этиш билан бирга иш берувчига заарар етказади. Ходим жавобгарликдан озод этилади, сабаби етказилган заарар бартараф этилган зарардан кам бўлади ёки зарарни бошқа усул билан бартараф этиб бўлмас эди.

**Мисол.** *Ходим бинодаги ёнгинни ўчириши вақтида иш берувчининг құмматбақо материалдан (гиламидан) фойдаланди.*

Зарур мудофаада шахсни ва мудофаа килинувчининг ёки бошка шахсларнинг қонун билан муҳофаза килинадиган хуқукларини, жамиятнинг ёки давлатнинг манфаатларини жамоатчилек учун хавфли тажовузидан химоя қилишда тажовуз күлгән шахсга зарар етказишга йўл қўйилади, факат бунда зарур мудофаа чегараларининг ошириб юборилишига йўл қўйилмайди. *Жиноят кодексининг (кейинги ўринларда – ЖК) 37-моддасида* қўйидаги меъёр мустаҳкамлаб қўйилган: зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки хуқукларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда химоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Ушбу коида профессионал ёки бошқа маҳсус тайёргарлиги ва хизмат даражасидан, шунингдек эҳтимол тутилган жамоатчилек учун хавфли тажовуздан сакланиб колиш имконияти ёки бошқа шахслар ёхуд ҳокимият органларига мурожаат қилиш-қилмаслигидан қатъи назар, ҳамма шахслар учун татбиқ этилади.

**Мисол.** *Ўғрилар иш берувчининг омборига ҳужум қилишиди. Иш берувчининг мол-мulkини сақлаб қолишига ҳаракат қилган ходим ўғрилардан бирини құмматбақо стул билан уриб, стулни синдирди.*

Нима бўлганда ҳам иш берувчи *МКнинг 200-моддасига* асосан зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни хисобга олиб, айбордор ходимдан зарарни ундиришдан кисман ёки тўлиқ воз кечишига ҳақли эканлигини хисобга олиш даркор.

## **МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ТУРЛАРИ**

Жавобгарлик, ҳажмига караб, чекланган ва тўлиқ моддий жавобгарликка ажратилади.

**Чекланган моддий жавобгарлик** ходимнинг зиммасига зарар ходимнинг айби билан етказилганлиги шарти билан, унинг

мехнат мажбуриятларини бажариш чогида корхонага етказилган зарар учун юклатилади. Бу жавобгарлик, қоида тариқасида, ходим иш хақининг муайян қисми билан чекланади ва етказилган зарарнинг тўлиқ миқдоридан ошмаслиги керак. Бундай жавобгарлик икки ҳолатда ўрнатилади ва қуидагиларнинг зиммасига юклатилади:

1) ходимлар эътиборсизлиги туфайли материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар, буюмлар (маҳсулотлар)ни, шу жумладан уларни тайёрлаш вактида бузгани ёки йўқ қилгани учун, шунингдек эътиборсизлик билан асбоблар, ўлчов приборлари, маҳсус кийим-бош ва меҳнат жараёнини амалга оширишда фойдаланиш учун унга берилган бошқа нарсаларнинг бузилиши ёки йўқ қилиниши учун, – улар айби билан етказилган зарар миқдорида, бироқ ўзининг ойлик иш хақидан ошмаган миқдорда;

2) мансабдор шахс меҳнат шартномасини ғайриконуний равишда бекор қилишда ёки қонунни очик-оидин бузган ҳолда ходимни ғайриконуний равишда бошқа ишга ўтказишида ана шу ходимга иш хақи тўланиши муносабати билан иш берувчига зарар етказилганда айбдор бўлса ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиқтирган бўлса (*МКнинг 274-моддаси*). Зарарни қоплаш миқдори мансабдор шахснинг З ойлик иш хақидан ошмаслиги керак.

Қонунни очик-оидин бузиш деганда меҳнат шартномасини қуидаги ҳолларда бекор қилиш тушунилади:

- қонун билан назарда тутилмаган асослар бўйича;
- башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusи билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилиш;
- иш берувчининг ташабbusи билан 18 ёшга тўлмаган шахслар билан, вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимлар билан, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб кўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташабbusи билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб;

– иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш имкониятини истисно этадиган ҳолатлар ҳакида маълум бўлганда аёллар билан *МКнинг 237-моддаси 1-қисмида* кўрсатилган ҳолларда;

– иш берувчининг ташаббуси билан, бундан корхонанинг тўлиқ тугатилиши ҳоллари мустасно, ходимнинг вактинча меҳнатта кобилиятсизлик даврида ёки унинг таътилда бўлган вактида;

– ходимларни ишга қабул қилишда *МК 84-моддасининг 3-қисмига* мувофик синов ўрнатилмагандан ходимларни синашнинг коникарсиз натижаси муносабати билан;

– корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари тасдиқланмаган ҳолларда *МК 100-моддаси 2-қисмининг 4-банди* бўйича, шунингдек ходим томонидан қоидаларда назарда тутилмаган меҳнат мажбуриятлари бир марта бузилганлиги учун;

– ходимнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма аризаси бўлмаган ҳолда унинг ташаббуси билан;

– номуайян муддатга ишга қабул килинган ходим билан меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан;

– иш берувчи томонидан конунчилик шартлари ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг ўрнатилган тартиби кўпол тарзда бузилган бошқа ҳолларда.

Агар ходимни бошқа ишга ўтказиш қуидагича амалга оширилган бўлса, у конунни очик-ойдин бузиш ҳисобланади:

– ходимнинг розилигисиз, бундан ишлаб чиқариш зарурияти ёхуд бекор туриб колиниши муносабати билан вактинча бошқа ишга ўтказиш мустасно;

– ходимнинг соғлиғи ҳолатига тўғри келмайдиган ишга ўтказилиши, бу ҳақда иш берувчига олдиндан маълум бўлган бўлса;

– башарти жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг ўртасидаги келишув бўйича бундай ўтказишларнинг чегараланган муддатлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти ҳоллари белгиланмаган бўлса, ходимнинг розилигисиз ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб колиниши муносабати билан;

– ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб колиниши муносабати билан ходимнинг розилигисиз, агар бундай ўтказиш да-

вомийлиги жамоа шартномасида ўрнатилган, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг ўртасидаги келишув бўйича белгиланган чегараланган муддатлардан ошса;

– ходимнинг розилигисиз муайян ишлаб чиқариш зарурияти ҳоллари муносабати билан, агар бундай ҳоллар жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса – иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг ўртасидаги келишувда назарда тутилмаган бўлса;

– бошқа ишга ўтказишнинг белгиланган тартиби иш берувчи томонидан қўпол тарзда бузилган бошқа ҳолларда.

Мехнат шартномасини ғайриконуний равища бекор килгани ёки ходимни ғайриконуний равища бошқа ишга ўтказгани учун *МКниг 274-моддаси* бўйича моддий жавобгарлик суд томонидан факат меҳнат шартномасини бекор килиш ёхуд бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйрукни унга берилган ваколат доирасида, бироқ конунни очик-ойдин бузиш билан чиқарган мансабдор шахс зиммасига юклатилади.

Ишга қабул килиш ёки меҳнат шартномасини бекор килишга ҳуқуқи бўлмаган, лекин меҳнат шартномасини бекор килиш ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйрукни конунни очик-ойдин бузган ҳолда чиқарган мансабдор шахс *МК 201-моддасининг 1-қисмига* асосан, яъни ўртача ойлик иш ҳаки доирасида моддий жавобгар бўлади.

Шуни қайд этамизки, ўртача ойлик иш ҳаки доирасида моддий жавобгарликни назарда тутадиган заарар етказилиши ҳолатларининг рўйхати белгиланмаган. Шунинг учун чегараланган моддий жавобгарликни ташкилотта етказилган заарарни қоплашнинг ҳамма ҳолатларига нисбатан кўллаш мумкин деб хуроса чиқарса бўлади, бундан конун хужжатлари билан белгиланган моддий жавобгарликнинг бошқа чегаралари белгиланган ҳоллар мустасно.

Зарар етказилиши ҳоллари аниқланганда, иш берувчи ходими тўлиқ моддий жавобгарликка тортиш мумкин-мумкин эмаслигини текшириб кўриши керак. Агар бундай асослар мавжуд бўлмаса, унда ходим заарарни факат ўзининг ўртача ойлик иш ҳаки доирасида қоплаши мумкин.

Ходимлар чекланган моддий жавобгар бўлишлари мумкин бўлган зарар етказишнинг энг кўп учрайдиган ҳолатлари қуидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг ўз ходими учун жаримани тўлаши (масалан, корхона ходимларининг реклама эълонларини конун ҳужжатларида рухсат берилмаган жойларга ёпишириб чиқкани учун ушбу қоидабузарликни амалга оширган ходим эмас, балки корхона жаримага тортилади);
- эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик оқибатида материаллар, жиҳозлар, асбоб-ускуналарни бузиш ёки уларни йўқ қилиш;
- ҳужжатларнинг йўқотилиши, бунда йўқотилган ҳужжатни зарур вакт ичиде тиклаб бўлмаса, унинг мавжуд эмаслиги эса ташкилотга ҳақиқатда бевосита зарар етказса;
- корхона томонидан санкцияларни, масалан, етказиб берувчи томонидан товар кам етказиб берилганлиги учун унга нисбатан санкцияларни қўллаш мумкин эмаслигига олиб келувчи ҳужжатларни нотўғри тузиш ёки уларнинг тузилмаслиги;
- зарар етказилган буюмни таъмирлатиш харажатлари;
- мажбурий прогул ёки туриб қолиш вақти учун тўловлар;
- ходимнинг ўз мажбуриятларига эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиши оқибатида корхона унга тегишли бўлган пул маблағларини тўлиқ олмаслиги.

**Мисол.** Корхона раҳбарининг буйруги билан лавозим йўриқномасига мувофиқ девонхона ходими зиммасига ташкилот шартномаларининг ҳисобини олиб бориш вазифаси юклатилган. Хусусан, ушбу ходим унга берилган шартномаларнинг сақланиши, яъни уларнинг бир вақтнинг ўзида шартномалар ҳисоби дафтар-часига ёзув киритиш билан тақдим этилиши, ётиладиган металл шкафда сақланиши ва бошқалар учун жавобгар ҳисобланади. Бироқ шкаф устида турган гулга сув қуяр экан, девонхона ходими эҳтиётсизлик туфайли сувни тўкиб юборди ва сув шкафдан оқиб тушиб, шартномалар билан тўлдирилган иккита йигмажилдга тушибди, натижада баъзи шартномалар тиклаб бўлмас даражада бузилди. Мазкур шартномалар бўйича тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган эди, етказиб берувчидан даъво олингандан кейин унга асосан корхона кечиктирганлик учун пеня тўлаши керак эди. Ходим тўлиқ моддий жавобгар бўлмайди, сабаби баён этилган ва-

*зият МКнинг 202-моддасида белгиланган ҳолатларга тааллукли эмас. Бироқ иш берувчи омадсиз ходимни ўртacha ойлик иш ҳақи миқдорида моддий жавобгарликка жалб этиши мумкин.*

**Тўлиқ моддий жавобгарлик** деганда *Меҳнат* кодекси ходимнинг иш берувчига бевосита етказилган ҳакиқий зарарни тўлиқ миқдорда қоплаб бериши мажбуриятини назарда тутади. Ушбу меъёр зътиборсизлик ва эҳтиёғсизлик сабаби билан мол-мулкнинг талон-торож қилиниши ва йўқотилишининг оддини олиш мақсадида ташкилотнинг манфаатларини муҳофаза килишга қаратилгандир.

*МК 202-моддасининг 1-қисмига* мувофиқ етказилган зарар учун қўйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) маҳсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлиги учун (*МКнинг 203-моддаси 1-қисми*). Индивидуал ёки жамоавий (бригада) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги маҳсус ёзма шартномалар бевосита пул ёки товар қимматликлари ёхуд бошқа мол-мулк билан муомала қилувчи ёки улардан фойдаланувчи 18 ёшга тўлган ходимлар билан тузилиши мумкин (*МК 203-моддасининг 2-қисми*).

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳакида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати ҳам худди шундай тартибда белгиланади;

2) ходим бир марталик хужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганда. Шуни кайд этиш керакки, товар-моддий қимматликларни бир галлик хужжатлар асосида ҳисобдорлик бўйича ходимларга топширишга факат уларнинг мансаб мажбуриятлари доирасида йўл қўйилади. Акс ҳолда қимматликларни етказиб бериш тўлиқ моддий жавобгар-

лик тұғрисидаги шартномалар тузилған моддий жавобгар шахслар орқали ташкил этилиши керак;

3) касдан қилинганды. Жавобгарлик корхона томонидан ходимга фойдаланиш учун берилған материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, буюмлар (маҳсулотлар), шу жумладан уларни тайёрлашда, шунингдек жиҳозлар, ўлчов приборлари, маҳсус кийимбөш ва бошқа предметлар касдан йүқ қилинганды ёки касдан бузилған тақдирда вужудга келади;

4) ходимнинг алкоголли ичимликтан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида. Ишдан бўшатиш тұғрисидаги далолатномалар, тиббий хуносалар, гувохлик кўрсатмалари ва бошқа материаллар далил бўлиб хисобланishi мумкин;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноят ҳаракатлари натижасида. Мазкур асос бўйича жавобгарлик факат айблов ҳукми мавжуд бўлганда вужудга келади. Дастребки тергов босқичида жиноят ишининг тұхтатилиши кўриб чиқилаётган асос бўйича тўлиқ моддий жавобгарликни келтириб чиқара олмайди;

6) тижорат сирларининг ошкор этилиши. Агар у меъёрий-хукукий хужжатлар коидалари ва/ёки ташкилотнинг ички хужжатларида назарда тутилған бўлса, ходимлар жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Башарти у учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат кимматига эга бўлган, конун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг маҳфийлигини саклашга доир чоралар кўрган ҳолларда бундай ахборот хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборот деб зътироф этилади (*ФКниг 98-моддаси*).

МКниг 274-моддасига мувофиқ унда келтирилган тўлиқ моддий жавобгарлик ҳолларидан ташкари, меҳнат шартномасида мансабдор шахс (масалан, ташкилотнинг раҳбари, раҳбар ўринбосари ва бош бухгалтери) билан улар айби билан иш берувчига етказилған зарар учун тўлиқ моддий жавобгарлик юзага келадиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, 18 ёшгача бўлган ходимлар тўлиқ моддий жавобгарликка факат касдан етказилған зарар учун, шунингдек алкоголли ичимликтан, гиёхвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастилик ҳолатида, жиноят содир этиш негизига-

|                      |  |
|----------------------|--|
| 2014/17<br>A<br>1432 | Alisher Navoiy<br>nomidagi<br>O'zbekiston MK |
|----------------------|--|

сида етказилган зарар учун тортадилар (*МК 202-моддасининг 2-қисми*).

Тўлиқ ва чекланган моддий жавобгарликдан ташкари, ходимларнинг моддий жавобгарлик чегаралари ҳар бир аниқ ҳолатда қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Бу ходимнинг корхона, муассаса, ташкилотга молмулкнинг алоҳида турларини ўғирлаш, касдан бузиш, камомадга йўл қўйиш ёки йўқотиш билан етказилган зарари учун моддий жавобгарлик, шунингдек ҳакикатдаги зарар микдори унинг номинал қийматидан ошадиган ҳоллар билан боғлиkdir. Масалан, *Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиши қоидаларининг* (ЎзР АВ томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 31-банди мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар кассирлари учун моддий жавобгарликни белгилайди, *Микрокредит ташкилотлари ва ломбардолар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларининг* (ЎзР АВ томонидан 24.09.2007 йилда 1719-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 29-банди мазкур ташкилотлар кассирлари учун моддий жавобгарлик, 13.01.1992 йилдаги «Алоқа тўгрисида»ги 512-XII-сон Қонуннинг 10-моддаси – алоқа ходимлари учун моддий жавобгарликни белгилайди.

## **ХОДИМЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ТҮГРИСИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ**

Ташкилот ходимига лозим топилган ҳажмдаги моддий жавобгарликни кўллаш учун авваламбор корхона ходими моддий жавобгар шахсми ёки йўкми, шуни белгилаб олиш керак бўлади. Бир карашда бу саволга жавоб тайёрдек туюлса-да, одатда, амалиётда бу муайян кийинчиликларни туғдиради.

Бу ўринда кенгрок тарқалган хатоликни (у баъзида маҳсус адабиётларда ҳам учрайди) кўрсатиб ўтиш керак. Фақат ташкилот билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ходимлар моддий жавобгар шахслар сифатида қаралади, ваҳоланки, амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ташкилотнинг ҳар бир ходими бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун моддий жавобгар хисобланиб (*МКнинг 198-моддаси*), у корхона, муассаса, ташкилотнинг мол-мulkини асраб-авайлаши ва зарар етказилишининг олдини олиши лозимdir.

Жавобгарлик характеристи билан фарқланади. Агар ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида маҳсус шартнома тузилмаган ва *МКнинг 202-моддасида* келтирилган ҳолатлар (*юқорида баён этилди*) юз бермаган бўлса, ходим жавобгарлигининг умумий ҳолати бўлиб чекланган моддий жавобгарлик хисобланади.

Жисмоний шахс зиммасига моддий жавобгарликни юклашга асос бўлиб ташкилотнинг у билан тузган меҳнат шартномаси хисобланади.

### **МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ**

*МКнинг 72-моддаси* меҳнат шартномасини ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига баражиш ҳақидаги келишув сифатида белгилайди. Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади (*МКнинг 74-моддаси*). Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруги билан расмийлаштирилади. Буйрук ходимга унинг имзоси остида эълон қилинади (*МКнинг 82-моддаси*).

Ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилған ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатын назар, иш бошланған кундан зытиборан мөхнат шартномаси тузилған деб хисобланади (МК 82-моддасининг б-банди).

Амалиётда ташкилотларнинг жисмоний шахслар билан туздиган мөхнат шартномалари ва фуқаролик-хуқуқий битимларини фарқлашда қийинчиликлар вужудга келиб туради. Ходимнинг мөхнат шартномаси бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятларининг ўзига хослиги унинг муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни бажариши билан белгиланади. Ушбу мажбурият ички мөхнат тартиби қоидаларига риоя этиш билан боғлиқдир.

Фуқаролик-хуқуқий шартномасига биноан жисмоний шахсички мөхнат тартибига бўйсунмайди, у ўз ишини мустақил ташкил қиласди, унга фақат мөхнатнинг охирги натижасига пул тўланади.

МКнинг 77-моддаси 16 ёшга тўлмаган шахсларни ишга олишни (мөхнат шартномаси тузишни) тақиқлайди, шунингдек ёшларни мөхнатта тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрга маҳсус, касб-хунар ўкув юртларининг ўкувчиларини уларнинг соғлигига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топшишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўкишдан бўш вактида бажариши учун улар 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўяди.

Ходимнинг ташкилот мол-мулкига етказган зарари учун моддий жавобгарликнинг юзага келиши имкониятининг бекор килиниши у билан мөхнат шартномасини бекор килиш билан бевосита боғлиқдир.

МКнинг 97-моддасига мувоғик мөхнат шартномаси қўйидаги сабабларга кўра бекор килиниши мумкин:

- тарафларнинг келишувига кўра;
- тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- муддатнинг тугаши билан;
- тарафлар ихтиёрига боғлик бўлмаган ҳолатларга кўра;
- мөхнат шартномасида назарда тутилған асосларга кўра;

— янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати билан.

Зиммасига тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин бўлган шахсларни ишга қабул қилишнинг асосий ўзига хос хусусияти у билан мавжуд қоидалар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий жавобгарлик тўғрисида алоҳида ёзма шартноманинг тузилишидир.

## **ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА**

Ходимларнинг ташкилотга етказган зарари учун тўлиқ моддий жавобгарлиги кўп ҳолларда ходим (бригада) ва ташкилот ўртасида тузилган тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида юзага келади.

## **ЯККА ТАРТИБДАГИ ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА**

*МКнинг 203-моддасига биноан корхона, муассаса, ташкилотлар тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартномаларни мансабга эга бўлган ёки бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилувчи (18 ёшга тўлган) ходимлар билан тузиши мумкин. Пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш хизмат вазифасига кирмайдиган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳакида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб хисобланади.*

Бундай шартномалар тузилиши мумкин бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Корхона билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ходим баъзи ҳолларда қимматликлардан бошқа шахслар (масалан, ёрдамчи ишчилар) ҳам фойдаланиши мумкин бўлишига қарамай, у юк хати ёки бошқа бирламчи бухгалтерия ҳужжати бўйича шахсан олган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

Моддий жавобгар шахслар ишини ташкиллаштирганда ТМБ сақланиши устидан умумий назорат схемасини ўрнатиш керак бўлади. Ушбу схемада муайян мол-мулк учун ким жавобгар бўлиши ва бу жавобгарлик юридик жиҳатдан қандай расмийлаштирилганлиги назарда тутилиши керак. Ходимлар томонидан қимматликлар сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгарлик бажарилишини таъминлаш мақсадида ташкилотларда тўлиқ моддий жавобгар бўлган барча ходимлар учун мансаб йўрикномалари тасдиқланади. Коида тариқасида, мансаб йўрикномасида қуидаги бўлимлар бўлиши лозим:

- ходим бўйсунишини белгилайдиган умумий кисм;
- уни лавозимга тайинлаш тартиби, ходимнинг асосий вазифалари ва мажбуриятлари;
- ходимнинг ҳуқуқлари, унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши учун жавобгарлик.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай мансаб йўрикномаларининг талаблари амалдаги меҳнат тўғрисидаги конун ҳужжатларига зид келмаслиги керак.

Ўз меҳнат мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари учун тўлиқ моддий жавобгар бўлган шахслар қуидагиларни билишлари лозим:

- улар хизмат кўрсатаётган моддий қимматликларнинг номенклатураси, ассортиментини, уларнинг хоссалари ва фойдаланиш мақсадини;
- омборхона ҳўжалигини юритиш коидаларини;
- моддий қимматликларнинг омборхонада хисобга олинishi, сақланиши, харакатланиши ва уларга илова қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштириш коидалари;
- турли хил моддий қимматликлар туркумларини технологик ҳужжатлар бўйича бутлаш коидалари;
- иш жиҳозлари, приборлари, мосламаларининг ишга яроқлилигини текшириш усуллари;
- ўлчов жиҳозлари, приборлари ва механизmlарини кўллаш коидалари;
- маҳсулотлар, товарлар ва хом ашёни юклаб тушириш, юклаш ва омборхонада сақлашда эҳтиётлаш усуллари;
- товар-моддий қимматликлар инвентаризациясини ўтказиш коидалари.

Агар ходим талабгор бўлаётган иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишни талаб килса, ходим эса уни тузишга рози бўлмаса, иш берувчи уни ишга қабул килишни рад этишга ҳаклидир.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномага биноан қимматликлар уларнинг сакланишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар бўладиган аник бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўклигини исботлаб бериши керак.

Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартноманинг амал қилиши ташкилотнинг ходимга ишониб топширилган моддий қимматликлари билан ишлашнинг бутун даврига татбик этилади. Шартнома икки нусхада тузилади ва имзоланади, унинг бир нусхаси иш берувчida, иккинчиси ходимда бўлади. Имзолаш санаси мухим аҳамиятта эга хисобланади, сабаби айнан шу вактдан бошлаб ходим унга топширилган моддий қимматликларнинг сақланиши учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Шартномани имзолашда қайси ва қанча микдордаги молмулк ходимга ишониб топширилаётгани аник бўлиши учун далилатнома тузиш ёки инвентаризация ўтказишни тавсия этамиз. Агар бу иш амалга оширилмаса, кейинчалик товар-моддий қимматликларнинг камомадига муайян ходим йўл қўйганлигини исботлаш қийин бўлади. Шуни қайд этамизки, инвентаризацияни жавобгар шахслар таътилга чикиши, касаллик варагаси олиши ёки ишдан бўшаб кетиши муносабати билан ўтказиш керак.

Шартномага кўшимча равишда ходимни мол-мулк ёки пул маблағларидан фойдаланиш ва сақлаш тартибини белгиловчи ички норматив ҳужжатлар (масалан, касса операциялари амалга оширилиши ёхуд товарни омбордан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномалар) билан таништириш керак бўлади.

## **ЖАМОАНИНГ (БРИГАДАНИНГ) МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА**

Хар бир ходимнинг моддий жавобгарлигини чегаралашнинг ва у билан якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномани тузишнинг имкони бўлмаганда жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий қилинади.

Жамоанинг (бригаданинг) моддий жавобгарлиги тұғрисидаги ёзма шартнома корхона, муассаса, ташкилот билан жамоанинг (бригаданинг) барча аъзолари үртасида тузилади.

Бевосита пул ёки товар бойлеклари билан муюмала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи үртасидағи келишувга биноан белгиланади (*МК 203-моддасининг 3-қисми*).

Бригаданинг савдо залидаги (ишлаб чиқаришдаги) қимматликлар учун ҳам, ёрдамчи хонадаги қимматликлар учун ҳам моддий жавобгарлиги қуидаги ҳолларда белгиланиши мумкин, агар:

- ёрдамчи хонадан факат битта бригада фойдалана олса ва унинг барча аъзолари ҳам савдо залида, ҳам ёрдамчи хонада мавжуд бўлган моддий қимматликлардан фойдалананиш имкониятига эга бўлса, шунингдек барча савдо-омборхона ва ишлаб чиқариш операцияларида иштирок этишса;
- қимматликлар билан бўладиган барча операциялар бригада ишининг ягона бир жараёни ҳисобланса ва унинг барча аъзолари томонидан назорат килинса.

Агар корхоналар алоҳида бўлимлар ва секцияларда ишловчи бир нечта бригадаларни товарлар билан таъминлаш учун умумий ёрдамчи хоналарга эга бўлишса, икки ёки ундан ортик бригада ташкил этилади ва уларнинг ҳар бири савдо залида мавжуд бўлган ва ёрдамчи хонада (омборхоналарда) сакланаётган қимматликлар учун мустақил ҳисобот беради.

Алоҳида омборхоналарига эга бўлган йирик универсал ва ихтинослаштирилган дўконларда бригада моддий жавобгарлиги бўлимларда (секцияларда) ва омборхоналарда алоҳида тарзда ташкил этилиши мумкин.

Савдо зали бир-биридан ажратилган ҳолда жойлаштирилган дўконларда бригада моддий жавобгарлиги мазкур хоналарнинг ҳар бирида мавжуд бўлган қимматликлар учун алоҳида ўрнатилади.

Корхоналарда ташкилотнинг барча тузилмавий бўлинмалари-даги кимматликлар учун моддий жавобгар бўлган ходимлардан иборат бригадалар ташкил этилиши мумкин.

Бригадалар аъзолари миқдори корхонанинг иш шароити ва соҳасидан келиб чиқсан ҳолда, зарур ишни таъминлаш, ходимларни ўзаро алмаштириш, уларга ишониб топширилган моддий кимматликлар ва пул маблағларининг сақланиши учун бригада аъзоларини ўзаро назорат қилишнинг имконияти бўлиши учун ҳар бир муайян ҳолатда белгиланади.

Бригада устидан раҳбарлик килиш бригадада лавозим бўйича юқори турувчи бригадир зиммасига юклатилади. Бригадир (унинг ўринбосари) корхона раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Раҳбарни тайинлашнинг юридик жиҳати маъмуриятдан жамоа розилигини олишни талаб килмайди, лекин амалиётда бундай карор бригада ходимларининг истакларини ҳисобга олган ҳолда қабул килинади. Бригадирнинг вактинча бўлмаган пайтида (таътилда, меҳнат сафарида) унинг мажбуриятлари маъмурият томонидан ўринбосарнинг ёки бригадирнинг ўринбосари бўлмаган жойларда бригада аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Жамоа (бригада) раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахс мол-мulkни қабул килади, ҳисобни олиб боради ва мол-мulkнинг харакати тўғрисидаги ҳисботни тақдим этади. Мол-мulkнинг харакати ва колдиклари тўғрисидаги ҳисботлар жамоа раҳбари ва навбат тартибида жамоа аъзоларидан бири томонидан имзоланади. Ҳисботнинг мазмуни жамоанинг барча аъзоларига эълон килинади.

Бутун жамоани ёки жамоанинг (бригаданинг) айrim аъзоларини моддий жавобгарликдан озод килиш учун жамоанинг (жамоа аъзосининг) айби йўклигини исботлаш зарур бўлади.

Зарар ихтиёрий равишда тўланганда жамоа (бригада) ҳар бир аъзосининг айби даражаси жамоанинг (бригаданинг) барча аъзолари билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Зарар суд тартибида ундирилганда жамоа (бригада) ҳар бир аъзосининг айби даражаси суд томонидан аникланади.

Зарар етказилиши сабаблари текширув ўтказилгандан кейин жамоа ходимларининг тақдим этган ёзма тушунтириш хатлари

хисобга олинган ҳолда маъмурият томонидан моддий жавобгарликка тортади.

Ходимлар жамоаси (бригадаси) томонидан етказилган, қопланиши зарур бўлган зарар ушбу жамоа (бригада) аъзолари ўртасида ойлик тариф ставкаси (лавозим иш ҳақи) ва охирги инвентаризация ўтказилишидан бошлаб то зарар аникланган кунга қадар бўлган давр учун ҳақиқатда ишланган вақт билан мутаносиб равишда таксимланади.

## **ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ДАЛИЛЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ХОДИМЛАР МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИНинг АСОСИ СИФАТИДА**

---

Хўжалик операцияларини юридик жиҳатдан расмийлаштиришнинг муҳим унсурларидан бўлган бирламчи хисоб ҳужжатларининг маълумотлари корхона кимматликларининг сақланиши учун ходим зиммасига моддий жавобгарликнинг реал (аник) ҳажмларини юклашнинг ягона асоси ҳисобланади. Шунинг учун хўжалик операциялари иштирокчиларининг, ташкилотлар агентларининг жавобгарлигини расмийлаштирадиган ҳужжатларни яратиш ва хисобда акс эттириш тартибларини белгилайдиган конун ҳужжатлари меъёрларини билиш муҳим аҳамиятга эгалидир.

Ташкилотларнинг хўжалик операцияларини ҳужжатли расмийлаштиришнинг асосий коидалари 30.08.1996 йилдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-1-сон Конун ва Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низом (ЎзР АВ томонидан 14.01.2004 йилда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конуннинг 9-«Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари» моддасининг 1-бандида куйидаги ўзгармас коnda ўрнатилган: «Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бирламчи ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармоишишлар асос бўлади».

Хўжалик операцияси, аслини олганда, хўжалик ҳаёти далилларининг бухгалтерияда акс эттирилиши натижасини англачувчи анъанавий бухгалтерия атамасидир. Ўз навбатида, хўжалик ҳаётининг далили ё активнинг (ташкилот маблағларининг) таркибини ёки пассивнинг (маблағлар пайдо бўлиши манбаларининг) таркибини ёхуд бир вактнинг ўзида актив таркиби ва пассив таркибини ўзгартирувчи ҳаракат ёки ҳодисадир.

Ҳаракатлар деганда аниқ максадга йўналтирилган хўжалик ҳаётининг далиллари (товарларни харид килиш, уларни сотиш, иш ҳақи ҳисоблаш ва х.к.) тушунилади, уларнинг амалда рўёбга чиқарилиши хўжалик муносабатлари иштирокчиларининг иро-

дасига (хоҳиш-иродасига) боғлиқ; ҳодисалар деганда – кутилмаган, тахмин қилинмаган далиллар (табиий оғат, камомад ва ўғирликлар оқибатидаги йўқотишлар), яъни ташкилотнинг хоҳиш-иродасидан ташқаридаги далиллар тушунилади.

*Хужжат ёки ҳужжатлаштирилган ахборот* – бу моддий ташувчida қайд этилган, уни идентификациялаш мумкин бўлган реквизитлар бўйича ахборот. Ахборотни хужжатлаштириш иш юритишни ташкил этиш, хужжатларни ва уларнинг ҳажмларини стандартлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги учун жавобгар бўлган органлар томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Автоматлаштирилган ахборот тизимидан олинган хужжат мансабдор шахс (ёки тижорат ва бошқа ташкилотларда раҳбарлик вазифаларини бажараётган шахс) томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда имзолангандан кейин юридик кучга эга бўлади. Автоматлаштирилган ва телекоммуникациялаштирилган тизимлар ёрдамида сакланадиган, ишлов бериладиган ва тақдим этиладиган хужжатнинг юридик кучи электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши мумкин.

*«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 9-моддасининг 4-бандида* бирламчи хужжатлар шаклига талаблар келтирилган.

Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда, бирламчи хужжатлар ва регистрларни машина ўқий оладиган ахборот ташувчиларда тузишга йўл қўйилади. Бунда қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши керак бўлади.

Техник ҳисоблаш воситаларини кўллаган ҳолда машина ўқийдиган ташувчиларда яратилган бирламчи хужжатлар ва регистрлар бухгалтерия ҳисобида тегишли мажбурий реквизитлар бўлгандагина қўлланилади. Машина усулида тайёрланган хужжат «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва БҲМС талабларига мувофиқ моддий ташувчига (магнит лентасига, коғозга) ёзилиши, тайёрланиши ва чоп этилиши керак бўлади.

*Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомнинг 2-параграфида* бирламчи хужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш, саклаш тартиби белгиланган.

Бирламчи ҳисоб хужжатларини тузган ва имзолаган шахслар хужжатнинг ўз вақтида тузилиши ва тўғрилиги, ишончлилиги

ҳамда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишига белгиланган муддатда топширилиши учун жавобгардиirlар.

Бирламчи хужжатлар қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда корхонада ишлаб чиқилған ва тасдиқланган бланкларда тузилади.

Бирламчи хужжатлардаги ёзувлар уларни архивда сақлаш учун белгиланган муддат мобайнида бут сақланишини таъминлайдиган сиёҳ, шарикли ручка пастаси, ёзув машиналари, механизация воситалари ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши лозим. Ёзувлар учун қаламдан фойдаланиш тақиқланади. Бүшкаторлар устига чизилиши шарт.

Бирламчи хужжатлар ва ҳисоб регистрларини имзолаш хукукига эга шахслар рўйхати корхона раҳбари ёки у томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан тасдиқланади.

Касса операцияларини, товар-моддий қимматликлар билан операцияларни, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини амалга оширганлик фактларини қайд этувчи бирламчи хужжатларни тузиш тартиби бўйича кўшимча талаблар БҲМС ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатлар билан белгиланади.

Бухгалтерияга келиб тушадиган бирламчи хужжатлар шакл (хужжатларни расмийлаштириш, реквизитларни тўлдиришнинг тўликлиги ва тўғрилиги), мазмун (хужжатлаштирилаётган операциянинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантикий боғланиши) бўйича мажбурий текширишдан ўтказилади.

Қонун хужжатларига ва пул маблағлари, товар-моддий қимматликлар ва бошқа активларни қабул қилиш, сақлаш ва сарф қилиш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган бирламчи хужжатлар корхона раҳбари ёки у томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда белгиланадиган шахсларга қарор қабул қилиш учун топширилиши лозим.

Ишловдан ўтган бирламчи хужжатлар уларнинг қайта кўлланилишини истисно этувчи белгига эга бўлиши лозим. Улар устидан чизишларга ва изоҳ берилмаган тузатишларга йўл кўйилмайди.

Бирламчи хужжатлардаги (банк ва касса пул хужжатларидан ташқари) хатолар қуидагича тузатилади:

- хато мати ёки суммалар чизилади ва чизилганинг устидан тўғри мати ёки суммалар ёзилади;
- чизув битта чизик билан, тузатилган хатони ўқиб бўладиган килиб, амалга оширилади.

Тузатилган хатоларга «тузатилди» ёзуви билан изоҳ берилиши, хужжатни имзолаган шахслар имзоси билан тасдиқланиши ҳамда тузатиш санаси кўйилиши лозим.

Бирламчи банк ва касса пул хужжатларида тузатишларга йўл кўйилмайди.

Бирламчи хужжатлар ва ҳисоб регистрлари, микрофильмлар ёки компьютер ҳисобининг молиявий маълумотлари камида 3 йил, молиявий ҳисбот эса – конун хужжатларида кўрсатилган муддат давомида сакланади.

Корхоналардан бирламчи хужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисботларни олиб кўйиш Солик ва Жиноят-процессуал кодексларига мувофиқ амалга оширилади. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва судлар томонидан олиб кўйишлилар, мазкур органларнинг жиноят-процессуал қонун хужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган қарорлари (ажримлари) асосида амалга оширилади. Олиб кўйиш баённома билан расмийлаштирилади ва унинг нусхаси имзо қўйдириб, корхонанинг тегишли мансабдор шахсига топширилади.

Олиб кўйишини амалга ошираётган органлар вакилларининг рухсати билан ва уларнинг ҳозирлигига корхонанинг тегишли мансабдор шахслари олиб кўйилаётган хужжатлардан олиб кўйиш асослари ва санасини кўрсатган ҳолда нусха олишлари мумкин.

Агар охиригача расмийлаштирилмаган хужжатлар жиллари (тикиб кўйилмаган, рақамланмаган ва ҳоказо) олиб кўйилаётган бўлса, олиб кўйишини амалга ошираётган органлар вакилларининг рухсати билан ва уларнинг ҳозирлигига корхонанинг тегишли мансабдор шахслари бу жилларни охиригача расмийлаштириши ёки олиб кўйилаётган хужжатларнинг рўйхатини ҳар бир ҳужжатдаги бетлар сонини кўрсатган ҳолда тузиши лозим. Бунда олиб кўйишини амалга ошираётган органларнинг вакиллари ва корхонанинг тегишли мансабдор шахслари рўйхатни имзолашади.

Бирламчи ҳужжатларни йўқотиш ҳолларида корхона раҳбари буйруқ билан йўқотиш сабабларини текшириш бўйича комиссия тайинлаши мумкин. Комиссия иши натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Бирламчи ҳужжатларни йўқотишида айбдор шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракати (уларни тузиш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга қабул килиш, ишлов бериш, архивга топшириш – ҳужжатлар айланishi) жадвал билан тартибга солинади.

Ҳужжатларнинг айланиси жадвали ижро этилиши устидан назоратни корхона раҳбари ёки у конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахслар амалга оширадилар.

## **МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БОЙЛИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ**

---

### **БОЙЛИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ БҮЙИЧА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Ташкилотда товар-моддий бойликлар келиб тушишининг асосий манбай бўлиб уларни етказиб берувчилар – юридик шахслар ёки фукаролардан улар билан тузилган олди-сотди (етказиб бериш) ва айирбошлиш шартномалари бўйича харид қилиш ёки товарларни воситачилик, топширик шартномалари бўйича олиш хисобланади.

*ФКнинг 386-моддасига мувофик олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) ашёни (товарни) бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (бахоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.*

Шартномаларнинг бир нечта турлари мавжуд:

- маҳсулот етказиб бериш шартномаси (*ФКнинг 437-моддаси*)
- айирбошлиш шартномаси (*ФКнинг 497-моддаси*)
- топширик шартномаси (*ФКнинг 817-моддаси*)
- воситачилик шартномаси (*ФКнинг 832-моддаси*).

Бойликларни юклаб жўнатар экан, етказиб берувчилар уларга илова қилинувчи хужжатлар – асосан товар-транспорт юхнати ва хисобварак-фактурани ёзиг берадилар.

*Товар-транспорт юхнати* товар-моддий бойликлар автомобиль транспортида етказиб берилганда ёзиг берилади, бошқа холларда ҳисобварақ-фактурадан фойдаланилади. Муайян материаллар (товарлар) турларининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, товар-транспорт юхнатига ёки хисобварак-фактурага бойликлар хажмини (микдорини) (боғламли карталар, ўрам ёрликлари ва ҳ.к.) ва/ёки сифатини (сифат гувоҳномалари, сертификатлар, лаборатория таҳлиллари натижалари тўғрисидаги маълумотномалар ва ҳ.к.) тасдикловчи бошқа хужжатлар ҳам илова килиниши мумкин. Шуни кайд этиш керакки, сотувчи сотиб олувчига ашёни бериш билан бир вактда унга мансуб ашёни, шунингдек ашёга алоқадор хужжатлар (техник паспорти, сифат сертифи-

кати, фойдаланиш бўйича йўриқнома ва ҳоказолар)ни топшириш мажбурияти *ФКнинг 388-моддаси* билан белгиланади.

Товарлар бошқа шаҳарлардаги етказиб берувчилар томонидан темир йўл ёки денгиз ва дарё транспортида етказиб беришганда транспорт ташкилоти томонидан тегишли тарзда *темир йўл юкхати* ёки *коносамент* ёзиб берилади. Ҳозирда коносамент нафакат денгиз ёки дарё транспорти билан олиб ўтишларни, балки транспортнинг ҳар хил турлари билан амалга ошириладиган олиб ўтиш ҳолатларини ҳам камраб олиши мумкин. Бу ҳолда коносамент *очик* ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар жўнатиш станциясидан (пристандан) товар олувчига бериладиган етказиб бериш станциясигача (пристанигача) товар билан бирга кетади.

Товар-моддий бойликларни қабул қилиш тартиби ва унинг ҳужжатли расмийлаштируви қабул қилиш жойига (етказиб берувчининг омборхонасида, транспорт ташкилотидан, харидорнинг омборхонасида), қабул қилиш тавсифига (миқдори, сифати ва бутланганлиги бўйича), шартнома ва кузатув ҳужжатлари шартларига мувофиқлиги даражасига, кузатув ҳужжатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига boglik bўлади.

Материалларни (товарларни) қабул килиб олиш тартиби моддий жавобгар шахслар томонидан бойликларни миқдори бўйича қабул қилиш пайти билан мос тушувчи моддий жавобгарлик юзага келиш пайти билан узвий боғлиқдир.

## ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ИШОНЧНОМА БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Агар товарларни қабул қилиш сотувчининг омборхонасида эмас, етказиб берувчининг омборхонасида, темир йўл станциясида, пристанда ёки аэропортда амалга оширилса, у ҳолда ташкилот, қоида тариқасида, у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилган ўз ходимига, унга ишончнома берган ҳолда, бойликларни олишга ваколат беради.

*ФК 134-моддасининг 1-бандига* биноан, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат *ишончнома* ҳисобланади. *ФК 134-моддасининг 2-бандига* юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам ишончнома

факат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият максадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкинлиги белгиланган. Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади. Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошка мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома шу ташкилотнинг бош (катта) бухгалтери томонидан ҳам имзоланиши керак.

Бойликларни бевосита етказиб берувчининг омборхонасидан олишга ишончномаларни бериш ва сотиб олувчи ташкилотнинг бухгалтерияси томонидан уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ЎзР АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган *Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар берииш ва уларни ишончномалар бўйича бериши тартиби тўгрисида низом* билан белгиланади. Ушбу Низомга мувофиқ, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар 1-иловага мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар Ишончномалар дафтари корешогида хисобга олинган ҳолларда) ёки 2-иловага мувофиқ шаклда (берилган ишончномалар Журналда хисобга олинган ҳолларда) берилади.

Ишончномаларнинг мазкур корхонада (ташкилотда, муассасада) ишламайдиган шахсларга берилишига йўл қўйилмайди.

Ишончномалар корхона (ташкилот, муассаса) раҳбари (раҳбар ўринбосари) ва бош бухгалтери ёки бунинг учун ваколатли бўлган шахслар томонидан имзоланади. Корхона, ташкилот, муассасанинг раҳбари ва бош (катта) бухгалтери томонидан ишончномани имзолашга ваколат берилган шахсларнинг бу хукуки буйруқ билан расмийлаштирилади (*«Бухгалтерия ҳисоби тўгрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси*).

Ишончномалар етказиб берувчи томонидан шартнома ва бошка битимлар бўйича бериладиган товар-моддий бойликларни олишга берилади. Агар ишончли шахс талаб этилаётган товар-моддий бойликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартнома ва бошка битимлар бўйича олиши лозим бўлса, унга шартнома ва бошка битимларнинг рақам ва саналари кўрсатилган битта ишончнома ёки агар товар-моддий бойликлар бир неча омбордан олиниши керак бўлса, бир нечта ишончномалар берилади.

Ишончномани бериш чоғида ташкилот танлаган унинг шаклига боғлик ҳолда ишончнома Ишончномалар дафтари корешогида ёки берилган Ишончномаларни хисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади. Ишончномалар дафтари тикилган, ракамланган ва муҳр билан тасдикланган бўлиши керак. Дафтарнинг сўнгги варагида қуидаги ёзув қайд этилади: «Мазкур дафтарда \_\_\_\_\_ варак ракамланди» деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдикланади. Вараклар сони сўз билан кўрсатилади.

Ишончномалар дафтари ва берилган Ишончномаларни хисобга олиш журнали ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсада сақланиши лозим.

Ишончноманинг амал килиш муддати у асосида ишончнома берилган шартномалар ва бошка битимлар бўйича тегишли бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имкониятига боғлик равиша белгиланади, бироқ у конун ҳужжатларида белгиланган муддатдан ошмаслиги керак. *ФКнинг 139-моддасига* мувофиқ, ишончнома кўпи билан З йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳакиқий эмас.

Ишончли шахсни унга берилган, амал килиш муддати ҳали тугамаган ишончномалар бўйича бойликларни олиш ҳуқуқидан маҳрум килиш чоғида товар-моддий бойликларни олуви чархол тегишли ишончномаларнинг бекор килинганлиги ҳақида етказиб берувчини хабардор қиласи. Бундай хабарнома олинган пайтдан бошлаб бекор килинган ишончнома бўйича бойликларни бериш тўхтатилади.

Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириклар бажарилганлиги ва у олган товар-моддий бойликлар омборга (омборхонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни корхона бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга тақдим этиши шарт. Фойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги санада уни берган корхонага қайтарилиши керак. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар «фойдаланилмаган» ёзуви билан сўндириллади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан хисобот йили охирига кадар сақланади. Йил тугагач бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу ҳақда тегишли да-

лолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўқ қилинади. Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар, товар-моддий бойликларнинг дастлабки берилишида етказиб берувчига колдирилади.

### **ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИДА (ПРИСТАНДА), АЭРОПОРТДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

Юкларни қабул қилиб олиш учун ташкилотлар транспорт ташкилотларидан материалларни (товарларни) қабул қилиб олиш қоидаларини яхши биладиган моддий жавобгар шахсларни (омборчиларни, экспедиторларни ва б.) белгилашади. Қимматликларни олишга ваколат берилган шахсга *ишончнома, юкни олишга фармойиши* ва *юк квитанцияси* берилади. Транспорт ташкилоти вакилларига паспорти ва кўрсатилган хужжатларни тақдим этиб, моддий жавобгар шахс ундан тегишли илова хужжатларни олади.

Транспорт ташкилотидан товар-моддий бойликларни қабул қилиб олишга ваколатли бўлган қабул қилиб оловчи ташкилотнинг вакиллари олинган илова хужжатлари билан пухта танишиб чиқишилари ва мазкур юк ҳақиқатан ҳам оловчининг манзилига жўнатилганлиги, ташишга мўлжалланган юк қай тартибда қабул қилинганлиги, у кимнинг пломбаларида етказилганлиги, уни етказиб бериш муддати, транспорт воситаларининг ракамлари бузилмаганлиги ва бошқаларни текшириб кўришлари керак. Шундан сўнг транспорт ташкилотининг вакили билан ҳамкорликда (ёхуд унинг иштирокисиз) юк ташилиши вақтида унинг сақланиши таъминланган-таъминланмаганлиги белгиланади. Юк жойлар миқдори ва вазни текширилмаган холда берилган тақдирда, оловчи транспорт органларидан транспорт хужжатларида тегишли юкларни беришни расмийлаштириш қоидаларида белгиланган тартибда белги кўйилиши лозимлигини талаб қилиши керак бўлади. Келиб тушган маҳсулотлар миқдори илова хужжатларидағи ўлчов бирликларида аниқланади.

## **ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИННИГ ОМБОРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

Етказиб берувчининг омборидаги бойликларни, одатга кўра, харидорнинг моддий жавобгар шахси ишончнома бўйича, товар-моддий бойликларнинг миқдори ва сифатини етказиб берувчи ташкилот томонидан ёзib бериладиган илова ҳужжатларидағи маълумотларга мувофиқлигини текшириш йўли билан қабул киласди. Бунда идишга жойлаштирилган бойликлар жой миқдори ва брутто массаси ёки товар бирликлари ва трафарет бўйича нетто массаси бўйича қабул қилинади. Бундай ҳолларда идишнинг ва маркалашнинг бузилмаганлигини пухта текшириш керак бўлади. Идишга солинипи ва/ёки қадоқланиши лозим бўлган юк харидорга идишсиз ва/ёки қадоқсиз ёхуд лозим даражадаги идишга солинмай ва/ёки қадоқланмай берилганда, агар шартнома шартларида, мажбурият мазмунида ёки бойликларнинг хусусиятида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, харидор сотувчидан товарни идишга солиб бериш ва/ёки қадоқлаб бериш ёинки тегишли даражада бўлмаган идишни ва/ёки қадокни алмаштириб беришни талаб қилишга ҳакли (*ФКнинг 408-моддаси*). Ушбу модда билан бундай ҳолда харидор тегишли даражада бўлмаган товарнинг берилишидан келиб чиқадиган талабларни сотувчига кўйишга ҳакли эканлиги белгиланади. Уларнинг таркиби *ФКнинг 434-моддаси* билан белгиланади, яъни унга кўра сотиб оловчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум килинмаган бўлса, сотиб оловчи ўз ҳоҳишига кўра:

- худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;
- харид нархини тегишинча қайта хисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;
- товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб оловчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун килинган харажатлар копланишини;
- харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;
- кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

Темир йўл станциясида (пристанда, аэропортда) қабул килинган юклар ҳам, бевосита етказиб берувчининг омборида қабул қилинган юклар ҳам нафақат қабул қилувчи ташкилот томонидан мустақил равишда, балки харидор билан тегишили шартнома тузиладиган автомобилларда ташишни амалга оширувчи транспорт ташкилоти томонидан ҳам етказиб берилиши мумкин. Юклар автомобилларда ташишни амалга оширувчи транспорт ташкилоти томонидан етказиб берилганда уларни харидорнинг омборига етказаётганда ҳужжатли расмийлаштириш ва юкларнинг сақланганлиги устидан назоратни ташкил этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Юкларни автомобиль транспортида ташиш *товар-транспорт юхатини* ёзиб бериш билан расмийлаштирилади. Транспорт ташкилоти томонидан юкни ташишга қабул қилиш юхатининг ҳамма нусхаларида ҳайдовчи-экспедиторнинг имзоси билан тасдиқланади, юхат нусхаларидан бири юк жўнатувчидаги қолдирилади. Етказиб берилган юкни ҳайдовчи-экспедитор харидор-корхонанинг моддий жавобгар бўлган шахсларига топширади. Бузилмаган пломбалари билан юк жўнатувчининг яроқли контейнер ва цистерналаридаги етиб келган юклар ҳажми, ҳолати ва жойларининг микдори текширилмаган ҳолда қабул қилуб олувчига топширилади. Яроқли идишда келтирилган юклар ташувчидан жойларининг микдори ва брутто массаси ёки бирликлар микдори ва трафарет бўйича нетто массаси бўйича қабул килинади.

Юкларни қабул қилиш чоғида идишнинг бутлиги бузилганлиги, шунингдек бошка бузилишлар аниқланган тақдирда, юкнинг бузилган жойлари текширилади. Бойликларнинг бузилганлиги ёки шикастланганлиги аниқланганда далолатнома тузилади. Упбу далил товар-транспорт юхатида қайд этилади.

Юкнинг харидорга топширилиши товар-транспорт юхатида ҳайдовчининг ва қабул қилиб олувчининг имзоси ва юкни қабул қилиб олувчининг штампи билан расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси қабул қилувчидаги, иккитаси эса – ҳайдовчи-экспедиторда қолдирилади.

Тегишли далолатномаларга мувофиқ ташувчининг айби билан юк йўқолганлиги, кам чиққанлиги, бузилганлиги ёки шикастланганлиги бўйича зътиroz-талабларни харидор автотранспорт таш-

килотига тақдим этади. Агар ташувчи айбдор бўлмаса, у ҳолда талаблар (даъволар) юк жўнатувчига қўйилади.

## **ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ СОТИБ ОЛУВЧИНИНГ ОМБОРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

Юкларни сотиб олувчининг омборида қабул қилиш тартиби, кўп жиҳатдан, қимматликлар идишда келиш-келмаслигига боғлиқдир. Агар бойликлар идишсиз келтирилса, бир вақтнинг ўзида уларнинг сифати сақланганлиги (бутлиги) текширилиши билан бирга улар нетто массаси бўйича қабул қилинади, яъни миқдорий ва сифат жиҳатдан қабул қилиш мазкур ҳолда вакт бўйича мос тушади. Агар юк яроқли идишда келтирилса, у автотранспортдан жойлар миқдори ва брутто массаси бўйича қабул қилинади. Юкларни моддий жавобгар шахслар қабул қилиб олади.

Келиб тушган маҳсулотлар миқдори улар қабул қилинаётганда илова хужжатларида кўрсатилган ўлчов бирликларида белгиланиши лозим. Агар маҳсулот вазни ва жойлар миқдори кўрсатилган бўлса, у ҳолда қабул қилувчи қабул қилаётганда буни текшириб олиши керак.

Агар қабул қилиш чоғида бойликларнинг камомади ва ёки келиб тушган бойликларнинг сифати, бутланганлиги, маркаланиши, идиши ёки қадокланиши стандартлар талабларига, техник шартларга ва намуналарга (эталонларга), шартнома шартларига ёхуд маркировкада ва илова хужжатларида кайд этилган маълумотларга мувофиқ келмаслиги аниқланса, кейинчалик қабул қилиш тўхтатилади. Аниқланган камчиликлар бўйича маҳсулотни қабул қилиб олаётган шахсларнинг имзолари остида далолатнома тузилади.

Материаллар (товарлар) қабул қилиниши билан бир вақтнинг ўзида товар билан келган идишни ҳам миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш амалга оширилади. Бунда унинг маркаланиши, қопларининг тоифаси, бутунлиги, идишнинг миқдори ва турининг илова хужжатларидаги маълумотларга мувофиқлиги текширилади. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи (олувчи) товар келтирилган кўп марта ишлатиладиган идиш ва ўраш материал-

ларини етказиб берувчига конун хужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда қайтариши шарт (*ФКнинг 450-моддаси*).

Табиий эскиринг, бузилиш (синиши) ёки шикастланиш окибатида яроксиз ҳолга келган идиш идиш бузилиши (синиши) ёки шикастланишида хисобдан чиқариш далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда харажатларнинг тегишли моддаларига хисобдан чиқарилади.

*ФКнинг 447-моддасига* мувофиқ сотиб оловчи (оловчи) конун хужжатларига ёки маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ маҳсулот етказиб берувчи топширган товарни рад этган тақдирда у бу товарнинг бут сакланишини таъминлаши (масъулиятли саклаш) ва бу ҳақда товар етказиб берувчини дархол хабардор килиши шарт. Сотиб оловчининг товарни масъулиятли саклашга кабул қилиш, товарни реализация қилиш ёки уни маҳсулот етказиб берувчига қайтариб юбориш билан боғлик зарур харажатлари маҳсулот етказиб берувчи томонидан копланиши лозим. Бунда товарни реализация қилишдан тушшган пул суммаси, сотиб оловчига тегишли қисми чегириб қолинган ҳолда, маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

Агар сотиб оловчи конун хужжатларида ёки шартномада белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчидан товарни кабул қилиб олмаса ёки товарни рад этса, маҳсулот етказиб берувчи сотиб оловчидан товар ҳакини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

Товарлар етказиб берувчининг илова хужжатларисиз ёки уларни қисман мавжуд бўлмаган ҳолда етказилганда бундай товарлар комиссия томонидан кабул қилинади ва *қабул қилиши далолатномаси* билан расмийлаштирилади.

# **МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

---

## **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Материалларнинг сақланиши учун таъсирчан назоратнинг зарурий шартлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- тегишли тартибда жихозланган омборлар ёки майдончаларнинг мавжуд бўлиши (очик жойда сакланадиган материаллар учун);
- материалларни, уларни тезкор қабул килиш, чиқариш ва мавжудлигини текшириш имкониятини таъминлаш мумкин бўлган тартибда алоҳида гурухлар (турлари, навлари, ҳажмлари ва бошқалар) бўйича жойлаштириш (хар бир турдаги материалларни саклаш жойларида бу ерда мавжуд бўлган материаллар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ёрлик ёпиштириш лозим бўлади);
- материалларни саклаш жойларини зарурий тарози хўжаликлари, ўлчов жихозлари ва ўлчовли идиш билан жихозлаш, уларнинг вақти-вақти билан қайтадан кўрикдан ўтказилиши ва тамғаланишини таъминлаш;
- материалларни қабул қилиш ва чиқариш учун жавобгар бўлган шахслар (омбор мудирлари, омборчилар ва бошқалар), ушбу операцияларни тўғри ва ўз вактида расмийлаштириш, шунингдек уларга ипониб топширилган моддий қимматликларни саклаш учун жавобгар бўлган шахслар доирасини белгилаш;
- материалларни омборлардан чиқаришга ҳужжатларни имзолаш, шунингдек корхонадан моддий қимматликларни олиб чиқишга рухсатнома бериш ҳукуки тақдим этилган мансабдор шахслар рўйхатини аниклаш.

## **МАТЕРИАЛЛАР КЕЛИБ ТУШИШИНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Материаллар келиб тушиши, қайта жойлаштирилиши ва чиқарилиши билан боғлиқ бўлган барча операциялар тегишли бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Ваколат берилган шахслар томонидан корхонага етказиб берилган юкларни топшириш тегишли омборхонага омбор мудирининг

(омборчининг) транспорт ҳужжатида ёки етказиб берувчининг илова ҳужжатида имзо қўйиши остида амалга оширилади. Барча келиб тушган материаллар илова ҳужжатларида кўрсатилган уларнинг ассортиментига, миқдори ва сифатига мувофиқлиги бўйича пухта текширилиши ва ўз вақтида омборхонага кирим қилиниши лозим.

Материаллар тегишли ўлчов бирликларида (массаси, ҳажми, ҳисоби ва бошқалар бўйича) кирим қилиниши керак. Материалларни қабул қилиш ва кирим қилиш *кирим ордерларини (M-4-шакл)* тузиш билан расмийлаштирилади.

Келиб тушган материаллар етказиб берувчининг ҳужжатларида кўрсатилган уларнинг ассортиментига, миқдори ва сифатига мувофиқ келмаганлиги аниқланганда *материалларни қабул қилиш тўғрисида далолатнама (M-7-шакл)* тузилади. Ушбу шакл етказиб берувчига ёки жўнатувчига эътиroz-талабнома тақдим этиш учун юридик асос бўлиб ҳисобланади. Далолатнома комиссия аъзолари томонидан икки нусхада, моддий жавобгар шахснинг ва етказиб берувчининг вакили ёки манфаатдор бўлмаган ташкилот вакилининг мажбурий иштирокида тузилади. Мазкур далолатнома материаллар илова ҳужжатларисиз етказилган тақдирда хам тузилади.

Материалларнинг омборхонага бошқа тузилмавий бўлинмалардан (ташкилотнинг бошқа моддий жавобгар шахсларидан) келиб тушиши икки нусхадаги *материалларнинг ички қайта жойлаштирилишига юхат (M-11-шакл)* билан расмийлаштирилади. Худди шу юхатлар билан ишлатилмаган материалларнинг ишлаб чиқаришдан чиқкан қолдиқлари, агар улар олдин талабнома бўйича олинган бўлса, омборга ёки омборхонага топшириш бўйича операциялар, шунингдек чиқитлар ва брак маҳсулотларни топшириш бўйича операциялар расмийлаштирилади. Юхатни тегишли тарзда топширувчининг ва оловчининг моддий жавобгар шахслари имзолайдилар ва материалларнинг харакатини ҳисобга олиш учун бухгалтерияга топширадилар.

Ишларни бажаришда ва сотувда фойдаланиш учун яроқли бўлган биноларни ва иншоотларни қисмларга ажратиш ва демонтаж қилиш вақтида олинган моддий кимматликларнинг кирим қилинишини расмийлаштириш учун *биноларни ва иншоотларни қисмларга ажратиш ва демонтаж қилишда олинган мод-*

*дий қимматликларни кирим қилиш тұғрисидаги даалолатнама* тузылады («Товар-моддий захиралар» 4-сон БХМСнинг 11-бандига мувофиқ, келиб тушган ТМБни таннархидан ёки сотишнинг соғ қийматидан зәңг кам қиймат бүйічі баҳолаш тавсия этилади). Даалолатнама комиссия томонидан уч нусхада тузылады.

## **МАТЕРИАЛЛАР ЧИҚАРИЛИШИНІ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Моддий қимматликлар омборлардан хұжалик ва ишлаб чиқариш өзтиёжларига, таъмирлаш ва курилиш ишларини олиб бориши учун чиқарилади.

Омбордан материалларни талаб қилиш хуқуки берилған, ташкilotнинг раҳбары томонидан тасдикланған ва бош бухгалтер билан келишилған шахслар рўйхати, шунингдек улар имзоларининг намуналари тегишли омбор мудирига маълум қилиниши керак.

Материалларнинг сарфи куйидаги сарфлаш ҳужжатлари билан расмийлаштирилади:

- лимитли олинадиган карталар (*M-8-шакл*) билан
- талабнама даалолатнамалари (*M-10-шакл*) билан
- талабнама-юкхатлар (*M-11-шакл*) билан.

Бирламчи ҳужжатлар микдорини камайтириш учун материаллар чиқарилишини бевосита *материалларни ҳисобга олиш карточкаларидан* (*M-12-шакл*) расмийлаштириш мумкин. Бу ҳолда материалларни чиқаришта сарфлаш ҳужжатлари расмийлаштирилмайды. Чиқариш лимитини карточканың ўзида кўрсатиш мумкин. Тузилмавий бўлинма вакили материалларни олиш карточкасига имзо чекади, лимитли олинадиган карталарга эса омборчи имзо чекади.

Моддий қимматликларни корхона омборларидан унинг ҳудудидан ташқаридан жойлашган бўлинмаларнинг омборларига (омборхоналарига) (ички фирма чиқарилиши) ёки ташқи ташкilotларга чиқариш ҳисобини юритиш учун *материалларни четга чиқаршига юкхат* (*M-15-шакл*) қўлланилади. Юкхат икки нусхада ёзилиб, унинг бир нусхаси омборга, иккинчиси – материалларни олувчига берилади. Четта чиқариш материалларни олувчи томонидан бойликларни олишга ишончнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

# **ИНВЕНТАРЬ ВА ХЎЖАЛИК АНЖОМЛАРИ БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қўйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мол-мулклар киритилади:

- хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;
- қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, конун ҳужжатларида белгиланган (харид килиш пайтида) энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари хисоб сиёсатида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибida ҳисобга олиш учун буюмлар кийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳукуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибиغا қўйидагилар киритилади:

- маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги);
- маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал;
- кўрпа-тўшак анжомлари;
- ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига кўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);
- ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;
- барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вактинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- овлаш куроллари (траплар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо).

Инвентарь ва хўжалик анжомларини фойдаланишга топширишда уларнинг қиймати вазифасига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига тўлиқ ҳисобдан чиқарилиб, кейин оддий шакл бўйича (бир томонлама тартибда), таннархи бўйича номлар (номенклатура ракамлари) ёки гурӯхлар кесимида тезкор миқдорий ҳисоб юритилади, бунда фойдаланишга келиб

тушиш санаси, фойдаланиш жойи ва улардан фойдаланиш муддати мобайнида моддий жавобгар шахслар кўрсатилади (*4-сон БХМС*).

Агар инвентарь ва хўжалик анжомларининг қиймати бир бирлик (комплект) учун харид қилиш пайтида белгиланган энг кам иш ҳакининг 10 бараваридан ортиқ бўлса, унда ташкилот уларни фойдаланишга беришда ушбу инвентарь ва хўжалик анжомларининг қийматини муддати кечикирилган харажатларга киритиши мумкин (*4-сон БХМСнинг 8-параграфи*). Бунда кечикирилган харажатларни камайтириш қийматни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш ёхуд тенг меъёри тарзда амалга оширилади.

Инвентарь ва хўжалик анжомларининг қийматини уларни фойдаланишга бериш пайтида тўлик ишлаб чиқариш харажатларига ёки давр харажатларига ҳисобдан чиқаришда, кейинчалик сақланишини таъминлаш мақсадида алоҳида фойдаланувчилар бўйича 014-балансдан ташқари ҳисобваракда таҳлилий ҳисоби юритилади.

*Алоҳида фойдаланишдаги маҳсус кийимлар, маҳсус пойабзал ва сақловчи предметларни беришининг ҳисоб ведомости* мазкур предметларни алоҳида фойдаланиш учун (ҳисоб маълумотларига автоматлаштирилган ишлов бериш вақтида) беришининг ҳисобини юритишда кўлланилади. У тузилмавий бўлинма омборчиси томонидан икки нусхада тўлдирилади: унинг бир нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчиси омборчида қолади.

*Инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобдан чиқаришига далолатнома* инвентарь ва хўжалик анжомларининг эскириши ва улардан келгусида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келишини расмийлаштириш учун кўлланилади. У комиссия томонидан бир нусхада тузилади. Ҳисобдан чиқарилган предметлар омборга (омборхонага) утил учун топширилгандан кейин далолатнома омборчининг имзоси билан бухгалтерияга топширилади.

Ходимга унинг тилхати остида узок вақт фойдаланишга берилган инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобга олиш учун *инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобга олиши карточкиси* кўлланилади, у омборчи томонидан ушбу предметларни олган хар бир ходим учун бир нусхадан тўлдирилади.

# **ОМБОРДАГИ ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ХИСОБИ ВА МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХСЛАРНИНГ ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРИ БҮЙИЧА ХИСОБОТ**

---

Товар-моддий бойликларнинг хисобини омбор мудири ёки бошқа ходим (моддий жавобгар шахс) олиб боради. Бундай хисоб бойликларни саклаш усулидан (туркумли ёки навлар бўйича) келиб чиқиб, турлича кўринишда ташкил этилиши мумкин.

*Туркумли усулда* бойликларнинг ҳар бир туркуми алоҳида сакланади ва уларнинг ҳар бирiga моддий жавобгар шахс икки нусхада *туркумли картани (MX-10-шакли)* ёзib беради, унда бойликларнинг номи, артикули, нави, нархи ва микдори (ҳажми) кўрсатилади. Туркумли карталар *Махсус китобчада* рўйхатдан ўтказилади. Ушбу китобчадаги рўйхатга олишнинг тартиб рақами мазкур туркумнинг раками хисобланади. Туркумли картанинг бир нусхаси омборда колади ва омбор хисобининг регистри хисобланади, иккинчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Материалларни чиқариш давомида моддий жавобгар шахс туркумли картада чиқариш санасини, сарфлаш хужжатининг ракамини ва чиқарилган материалнинг (товарнинг) микдорини (ҳажмини) кўрсатади. Сарфлаш хужжатида бир вактнинг ўзида туркумли картанинг раками кўрсатилади.

Туркумнинг тўлик чикиб кетишидан кейин туркумли карта текшириш учун бухгалтерияга топширилади. Агар текширувда ушбу туркум бўйича камомадлар аникланса, у ҳолда инвентарлашни кутиб ўтирасдан камомад табиий йўқолиш меъёрлари чегарасида ташкилотнинг хисобига хисобдан чиқарилади, табиий йўқолиш меъёрлари чегарасидан ортиқчаси эса моддий жавобгар шахсдан ундирилади. Текширувда аникланган бойликларнинг ортиқчалари кирим қилинади.

Ҳар бир товар туркуми тўлик ишлатиб бўлинганидан кейин *товарларнинг туркумлар бўйича сарфи тўғрисидаги далолатнома (MX-12-шакл)* тузилади. Далолатнома комиссия томонидан икки нусхада тузилади: унинг бир нусхаси кейинги кундан кечикитирмай бухгалтерияга берилади, иккинчиси моддий жавобгар шахсда қолади.

Туркумли ҳисобга олиш ҳар бир туркумнинг чиқиб кетиши биланоқ камомад ёки ортиқчаларни аниклаш имконини берар экан, бойликларнинг сақланиши учун назоратни кучайтиришга кўмак беради. Шу билан бирга сақлаш ва ҳисобга олишнинг туркумли усули камчиликларга ҳам эга: омбор майдончаси ва омборхоналар сиғимлилигидан кам самара билан фойдаланилади, бойликлар захираларини тезкор бошқариш имконияти камаяди, сабаби бойликлар бир нечта жойда сақланиши мумкинлиги туфайли муайян бойликлар мавжудлиги хақида ахборот олиш кийинлашади, ўз навбатида, улар бўйича колдиқлар бир нечта туркумли карталарда акс эттирилади.

Сақлашнинг **навли усулида** моддий жавобгар шахслар ҳисобни **материалларни ҳисобга олиш карточкаларидаги (М-12-шакл)** олиб борадилар. Моддий бойликларнинг ҳар бир номи, нави, артикули, маркаси, ҳажми ва фарқланадиган аломатларига алоҳида карточка очилади. Тахлилий ҳисобвараклар сонини камайтириш учун бир хил нархга эга бўлган турли номдаги бойликлар бир карточкада ҳисобга олиниши мумкин.

Омборхона ҳисоби карточкалари корхонанинг бухгалтерия хизмати томонидан маҳсус реестрда (китобчада) рўйхатга олинали. Рўйхатга олишда карточкага карточка рақами ва бухгалтерия хизмати ходимининг визаси кўйилади.

Карточкалар моддий жавобгар шахсга реестрдаги тилхати остида берилади. Омборхона ҳисобининг олинган карточкаларидаги омборчи моддий бойликларни сақлаш жойларини тавсифловчи реквизитларни (стеллажлар, токчалар, катаклар ва бошқалар) тўлдиради.

Омборда сакланаётган моддий захираларнинг ҳисоб нархлари омборхона ҳисоби карточкаларига қўйиб чиқилади. Ҳисоб нархлари ўзгарган тақдирда карточкаларга янги нарх ва амал қилиш вактини кўрсатган ҳолда кўшимча ёзувлар киритилади.

Корхона томонидан ҳисоб нархи сифатида етказиб берувчиларнинг нархлари ёки материалларнинг ҳақиқатдаги таннархи кўлланилган тақдирда:

- нархларнинг ҳар бир ўзгаришида омборхона ҳисобининг янги карточкалари очилади;
- нарх ўзгаришидан қатъи назар, ҳисоб айнан бир карточкада олиб борилади. Бу ҳолда карточкалардаги «Нархи» сатри бўйича

«Етказиб берувчининг нархи» ёки «Ҳақиқатдаги таннарх» кўрсатилади. Янги нарх ҳар бир операция бўйича ёзиб борилади.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва ижро этилган бирламчи ҳужжатлар (кирим ордерлари, талабнома-юкхатлар, товар-транспорт юкхатлари, материалларни четга чиқаришга юкхатлар), бошқа кирим ва сарфлаш ҳужжатлари асосида омбор мудири (омборчи) омбор ҳисоби карточкаларида операция амалга оширилган сана, ҳужжатнинг номи ва рақами ва операциянинг кисқача мазмунини (кимдан олинганлиги, кимга чиқарилганлиги, қайси мақсад учунлиги) кўрсатилган ҳолда ёзувлар киритади.

У ёки бирламчи ҳужжатда акс эттирилган ҳар бир операция карточкаларда алоҳида ёзилади. Бир кунда бир нечта бир хил (бир турдаги) операциялар амалга оширилган такдирда (бир канча ҳужжатлар бўйича), ушбу ҳужжатлар бўйича умумий микдорни акс эттирган ҳолда битта ёзув киритилиши мумкин. Бу ҳолда бундай ёзув мазмунида барча шундай ҳужжатларнинг рақамлари санаб ўтилади ёки уларнинг реестри тузилади.

Омбор ҳисоби карточкаларида ёзувлар операциялар амалга оширилган кунда киритилади ва ҳар куни қолдиклар (операциялар мавжуд бўлганда) чиқарилади. Ойнинг охирида кирим ва чиқим оборотлари ҳамда қолдиқ бўйича якунлар чиқарилади.

Календарь йил тугаши билан омбор ҳисоби карточкаларида келгуси йилнинг 1 январь ҳолатига қолдиқлар чиқарилади, улар келгуси йилга янгидан очилган карточкаларга ўтказилади, тугаган йил карточкалари эса (уларда «Қолдик \_\_\_\_\_-сон билан 20 \_\_\_\_\_ йилга ўтказилди» деган ёзув киритилади) жузлаб тахланади (ти-килади) ва корхонанинг архивига топширилади.

Таъминот (сотиш) хизмати раҳбарининг кўрсатмаси ва бош бухгалтернинг рухсати бўйича омбор ҳисоби карточкалари келаси календарь йилда ҳам юритилиши (давом эттирилиши) мумкин. Зарур ҳолларда янги карточкалар йил ўртасида ёпилиши ва очилиши мумкин.

Омборларда (омборхоналарда) омбор ҳисоби карточкасининг ўрнига ҳисобни **амборхона ҳисоби китобчаларида** олиб боришга рухсат берилади. Бунда ҳар бир номенклатура рақамига шахсий ҳисобварақ очилади.

Омборхона ҳисоби китобчалари рақамланган ва тикилган бўлиши керак. Китобчадаги вараклар сони бош бухгалтер ёки у томонидан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади ва муҳрланади.

Омборхона ҳисоби китобчалари корхонанинг бухгалтериясида рўйхатдан ўтказилади, уларга бу ҳакда реестр бўйича рақамини кўрсатган ҳолда ёзув киритилади.

Материалларнинг катта бўлмаган номенклатураси ва катта бўлмаган оборотларда корхонанинг ва бўлинмаларнинг барча ёки алоҳида омборларида (омборхоналарида) омборхона ҳисоби карточкалари (kitobchalari) ўрнига *оилик моддий ҳисоботларни юритишга руҳсат берилади*.

Моддий захиралар ҳаракати ҳисоби автоматлаштирилганида омбор ҳисоби карточкалари ва тезкор ҳисобнинг жамғарма регистрлари ҳисоблаш техникаси *воситаларининг электрон ташувчилиларида* тақдим этилиши мумкин.

Моддий захираларнинг омбор ҳисоби ҳам ҳисоблаш техникаси воситалари ёрдамида юритилиши мумкин. Бу ҳолда оператор (омборчи) томонидан бевосита ҳисоблаш техникаси воситаларига омбор ҳисоби карточкасида назарда тутилган ахборот (реквизитлар) ҳамда бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг маълумотлари киритилади.

Омбор ҳисоби механик тарзда юритилган тақдирда омбор ҳисоби карточкалари юритилмаслиги мумкин.

Савдо ташкилотларида товарлар мавжудлиги ва ҳаракати тўгрисидаги ҳисоботнинг кенг тарқалган тури бўлиб *савдо ҳисоботи (САВДО-29-шакли)* ҳисобланади.

# **ТОВАРЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

---

## **НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАЛАРИНИ ҚҮЛЛАГАН ҲОЛДА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АҲОЛИ БИЛАН ПУЛ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

НКМларни қўллаган ҳолда савдо операцияларини амалга оширишда қўйидаги хужжатларга амал қилиш лозим:

- ЎзР ВМнинг 11.12.1997 йилдаги «Республикада савдо тушуми инкасация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 548-сон карори;
- ЎзР ВМнинг 22.06.2001 йилдаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264-сон карори;
- Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида низом (**ЎзР ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон карорига 1-илова**);
  - Аҳоли билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон назорат-касса машиналарига (НКМ) қўйиладиган техник талаблар (**ЎзР АВ томонидан 29.05.1995 йилда 146-сон билан рўйхатдан ўтказилган**);
  - ЎзР ДСҚнинг 14.12.2011 йилдаги «Кассир-операциячининг назорат-касса дафтири шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011-40-сон карори (**ЎзР АВ томонидан 09.01.2012 йилда 2309-сон билан рўйхатдан ўтказилган**);
  - Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида низом (**20.06.2009 йилдаги МБ Бошқарувининг 18/1-сон, ДСҚнинг 2009-20-сон карорига илова, ЎзР АВ томонидан 27.07.2009 йилда 1986-сон билан рўйхатдан ўтказилган**).

*Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида низомга кўра савдо операциялари ёки кўрсатилган хизматлар бўйича барча ташкилотлар томонидан мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида фойдала-*

нишга рухсат этилган, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган НКМдан фойдаланилади. НКМ белгиланган тартибда аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари томонидан мажбурий сертификатланиши ва хўжалик фаолияти амалга ошириладиган жойдаги давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Сертификатта эга бўлмаган ва белгиланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган, шунингдек давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтказилмаган НКМдан фойдаланиш НКМни қўлламасдан қилинган фаолият сифатида қаралиб, айбор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар конун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектлар аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни НКМларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ шакл бўйича давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтган, катъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланадиган квитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенгглаштирилган бошқа хужжатларни мажбурий тартибда ёзиши ва буюртмачига (харидорга) бериши шарт.

НКМ ҳар куни иш бошланишидан олдин (хўжалик юритувчи субъектнинг буйруғи билан биркитилган) масъул шахс томонидан умумий техник ҳолати, созлиги ҳамда сана ва вакт аниқ кўрсатилиши юзасидан текширилади.

НКМ ёрдамида аҳоли билан ҳисоб-китоб қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар харидорга ундан нақд пул қабул қилинганлигини тасдиқловчи чекни мажбурий тартибда бериши керак. Назоратчек лентаси мавжуд бўлмаган тақдирда назорат-касса машинаси ни қўллашга йўл қўйилмайди.

Хўжалик юритувчи субъект иш куни охирида Давлат солик кўмитаси томонидан белгиланадиган шакл бўйича кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтари мажбурий тартибда тўлдирилган ҳолда ҳар бир назорат-касса машинаси бўйича кунлик ҳисоботни чиқариб олиши шарт. Қабул қилинган нақд пул миқдорини тасдиқловчи хужжатлар тикилади ва хўжалик юритувчи субъект томонидан камида 5 календарь йил сақланади.

НКМ тамғаларининг бутлиги учун жавобгарлик шахсан хўжалик юритувчи субъект раҳбарига юкланади.

*Кассир-операциячининг назорат-касса дафтири* ип ўтказиб тикилган, тартиб рақами қўйилган, солик инспектори, ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери имзолари билан ҳамда муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу китобдаги барча ёзувлар кассир-операциячи томонидан ҳар куни хронологик тартибда сиёҳли ёки шарикли ручка билан, ўчириб ёзишларсиз юритилади. Барча киритиладиган тузатишлар таъкидланиши ва кассир-операциячи, ташкилотлар раҳбари ва бош бухгалтери имзолари билан тасдиқланиши керак. Пул маблағларини қайтариш зарур бўлган ҳолларда сотувчи харидор томонидан тақдим этилган касса чеки ёхуд ушбу товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган хўжжат асосида харидорга пул маблағларини қайтариб бериши шарт.

Ит куни (смена) охирида кассир касса ҳисботини тузади ва НКМ чекларига кўра нақд пул билан келиб тушган барча тушумга кирим ордерини ёзади.

Назорат-касса машиналарига техник хизмат кўрсатиш НКМга техник хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида тузилган шартномага мувофик амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект тутатилган, қайта ташкил этилган, НКМ турган жой ўзгарган тақдирда, шунингдек НКМ ушбу хўжалик юритувчи субъектдан фойдаланишдан чиқкан тақдирда, хўжалик юритувчи субъект давлат солик хизмати органларида НКМни рўйхатдан ўтказишдан чиқариши шарт.

Кейинги вактда харидорлар билан реализация килинаётган товарлар учун пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш амалиёти борган сари кенг таркаляпти. Товарлар (ишлар, хизматлар) аҳолига нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация килинганда хўжалик юритувчи субъектлар пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган тўлов терминалларидан фойдаланадилар. Харидорларга тўлов терминалидан чиқариладиган чекни бериш мажбурийдир.

Банк корпоратив карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қўйидаги хўжжатлар билан тартибга солинади:

– ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 йилдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб килиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сон қарори;

– Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (ЎзР АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

– Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (ЎзР АВ томонидан 04.09.2008 йилда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Пластик карточка банк томонидан чиқарилган бўлиб, ўзида шахслаштирилган тўлов воситасини ифода этади, карточка эгасининг тегишли банкда ҳисобвараги мавжуд эканлигини тасдиқлайди ва нақд пул тўламаган ҳолда чакана савдо тармоғида товарлар ёки хизматларни сотиб олиш хукукини беради.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан ва маҳсулотни реализация қилувчи, ишни бажарувчи ёки хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томондан ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда, шунингдек нақд пул берадиган шохобчалардан ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда кўлланилади.

Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда ўтказиладиган операциялар қофозда ифода этилувчи (слип, электрон терминал квитанцияси) ва/ёки электрон шаклда (терминал ёки банкоматнинг электрон дафтаридан хужжат), шунингдек ҳисоб-китоб иштирокчилари ўргасида тузилган шартномада кўзда тутилган бошқа хужжатларни (банкомат квитанциялари ва бошқалар) тузишни кўзда тутади.

Корпоратив карточкалар юридик шахсларга, шунингдек юридик шахсни ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорларга уларнинг ишлаб чиқариш-молия фаолияти учун зарур бўлган ва Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган товарлар, ишлар ва хизматлар учун нақд пулсиз шаклда тўлашлари учун берилади. Бунда чакана савдо корхоналарига доир барча чекловлар бекор қилинади – улар юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар обороти

хажмида сотувлар улушини чегараланмаган ҳолда реализация килишлари мумкин.

Корпоратив карточкалар ёрдамида ёзув-чизув куроллари, корхона автотранспорти учун бензин, хизмат сафари харажатлари учун тўлаш, авиачипталар, автомобиль харид қилиш, телефон алоқаси, шу жумладан уяли алоқа, меҳмонхоналар хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказоларни амалга ошириш мумкин. Барча харажатлар мазкур карточкадаги сумма доирасида қилинади. Бирок, шунун назарда тутиш керакки, корпоратив банк карталаридан накд пул олиш воситаси сифатида фойдаланишга йўл кўйилмайди. Шунингдек корпоратив банк картасига иш ҳаки ва унга тенглаптирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни ўтказишга йўл кўйилмайди (*Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 11-банди*).

Корхона корпоратив карточкадан масъулиятли фойдаланувчиларни корхона раҳбарининг буйруги асосида белгилаши керак. Бунда банк картаси тутувчиси сифатида факат мазкур ташкилотнинг корхона билан тўлик моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузган ходимигина чиқиши мумкин.

Банк корпоратив карточкалари ёрдамида қилинадиган харажатлар асосланган бўлиши керак.

Корпоратив карточкалар бўйича ҳисоб-китобларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўлиб «тўланган» штампи кўйилган ва тўловни терминал оркали кабул килган ходим имзо чеккан, ҳисобвараклар, товар счёtlари (тўловномалари) ва квитанциялар илова қилинган ҳолда терминал квитанцияларининг асл нусхалари ҳисобланади. Счёт ёки товар чеки йўқ бўлган тақдирда моддий жавобгар шахс бухгалтерияга корхона раҳбарининг имзоси кўйилган, пластик карточкалар бўйича ҳақиқатда қилинган харажатлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

### **ТОВАРЛАРНИ КРЕДИТГА СОТИШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Агар олди-сотди шартномасида товар харидорга берилганидан кейин (товарни кредиттга сотиш) муайян вакт ўтгач унга ҳақ

тўлаш назарда тутилган бўлса, харидор тўловни шартномада назарда тутилган муддатда, агар бундай муддат шартномада назарда тутилмаган бўлса, – *ФКнинг 242-моддасига* мувофиқ белгиланган муддатда амалга ошириши керак. Сотувчи томонидан товарни бериш мажбурияти бажарилганида *ФКнинг 256-моддасида* назарда тутилган қоидалар қўлланади.

Агар товарни олган харидор олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда унга ҳак тўлаш мажбуриятини бажармаса, сотувчи берилган товарга ҳак тўланиши ёки тўланмаган товарни қайтаришни талаб қилишга ҳаклиdir.

Агар харидор шартномада белгиланган муддатда берилган товарга ҳак тўлаш бўйича мажбуриятини бажармаса ва Фукаролик кодекси ёки олди-сотди шартномасида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, муддати кечиктирилган суммага *ФКнинг 327-моддасига* мувофиқ шартнома бўйича товарга ҳак тўланиши керак бўлган кундан бошлаб товарга харидор ҳак тўлаган кунгача фоизлар тўланиши керак. Олди-сотди шартномасида харидорнинг товар сотувчи томонидан берилган кундан бошлаб товар баҳосига мувофиқ суммада фоизлар тўлаш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Товарларни кредитга сотиш сотиш кунида амал килган нархлар бўйича, агар конун хужжатлари ёки шартномада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, амалга оширилади.

Товар харидорга берилган пайтдан бошлаб унинг ҳаки тўлик тўлангунга кадар кредитга сотилган товар харидор томонидан унинг товарга ҳак тўлаш бўйича мажбурияти бажарилишини таъминлаш учун сотувчida гаровда турган деб эътироф этилади.

## **ВОСИТАЧИЛИК САВДОСИДА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ХУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Махсулот воситачилик шартномаси тузилиши орқали сотилганда томонларнинг ҳукукий муносабатлари *ФКнинг 832–848-моддалари* билан тартибга солинади.

*ФКнинг 832-моддасига* мувофиқ воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бирор комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади.

Воситачилик шартномаси ёзма равишда тузилади. Унга нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Конун (29.08.1998 йилдаги 670-I-сон) талаблари кўлланилади. Хусусан, воситачилик шартномасида Конуннинг 10-моддасига мувофиқ мажбурий шартлар назарда тутилиши керак. Акс ҳолда воситачилик шартномаси ФКнинг 116-моддасига мувофиқ ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб хисобланади.

ФКнинг 833–834-моддаларига мувофиқ, комитетент воситачига ҳақ тўлаши, воситачи эса учинчи шахс билан ўзи тузган битимдан келиб чиқадиган ҳамма мажбуриятларни бажариши ва ҳамма хукукларни амалга ошириши шарт.

Олувчи ўз зиммасига юк жўнатувчининг (сотувчининг) номидан тайёр маҳсулотни сотиш бўйича мажбуриятни олаётган воситачилик шартларида тайёр маҳсулот сотилганда даромад юк жўнатувчи томонидан товар юклаб жўнатилаётган пайтда эмас, балки факат бойликлар олувчи томонидан учинчи шахсларга сотилган вактда зътироф этилади (*2-сон БҲМСга мувофиқ товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш (ишилар бажариш) чогида даромадларни тан олиш (зътироф этиши) мисолларининг 2-банди*).

Комитетент билан воситачи ўртасидаги хисоб-китоблар, яъни реализациядан пул маблағларини ким – товар мулкдори бўлган комитетентми ёки ижрочи хисобланган воситачими – олиши кераклиги, воситачилик шартномаси билан белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин. ФКнинг 839-моддасида воситачи воситачилик шартномаси бўйича ўзига тегишли бўлган суммаларни комитетент хисобидан ўзига тушган ҳамма суммалардан ушлаб қолишига ҳақли эканлиги мустаҳкамланган. Яъни хисоб-китоблар ва уларни бухгалтерия хисобида акс эттиришнинг икки варианти мумкин:

- воситачининг хисоб-китобларда иштирокисиз;
- воситачининг хисоб-китобларда иштироки билан (икки усул бўлиши мумкин – тўлик ёки кисман иштирок этиш).

Маҳсулотни комитетент томонидан хисоб-китобларда воситачининг иштирокисиз реализация қилиш товар учун пул маблағларини харидор комитетентга ўтказиши, комитетент эса воситачига унинг ҳақини ўтказишини такозо этади. Маҳсулотни омбордаги воситачига бериш қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича амалга оширилади.

Воситачи корхона реализация учун товарларни 004-«Комиссияга кабул килинган товарлар» балансдан ташкари хисобварагида хисобга олади. Товарларни воситачи кабул килиш-топшириш далолатномасида кўрсатилган нархларда хисобга олади.

Товарларнинг таҳлилий хисоби учун воситачи томонидан *воситачилик шартномалари бўйича товарлар ва ҳисобкитобларни ҳисобга олиш комитент карточкаси* очилади, уни бир нусхада моддий жавобгар шахс юритади. Карточкада саналар бўйича товарларнинг келиб тушиши, арzonлаштирилиши, сотилиши, қолдиклари ва қайтарилиши, шунингдек комитентга хисоблаб ёзилган ва тўланган сумма акс эттирилади.

Товарларни арzonлаштириш тартиби ва миқдорларини воситачи ҳамда комитент шартномани тузиш чоғида келишиб оладилар. Товарларни қайта баҳолашни расмийлаштириш учун *арzonлаштириши тўғрисидаги далолатнома (МХ-15 шакли)* кўлланади.

Товарларни сотувдан олиш (комитентга қайтариш, таъмирлаш, кимёвий усулда тозалаш ва ҳоказо) бир нусхада *товарларни сотувдан олиш тўғрисидаги далолатнома (КОМИС-5 шакли)* билан расмийлаштирилади. У савдо ташкилотининг раҳбари, бухгалтер ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади ва товар хисоботи билан бирга бухгалтерияга берилади.

Сотилмаган товарларни комитентга қайтариш чоғида комитент воситачига товарларни сақлаш бўйича харажатларни қоплайди (агар бу шартнома билан назарда тутилган бўлмаса).

Комитентдан воситачига ўтган ашёлар *ФКнинг 838-моддасига* кўра, комитентнинг мулки хисобланади. Бунда воситачига берилган маҳсулот реализация килинганлиги тўғрисида хабарнома олингунга кадар у комитент фирманинг балансидан хисобдан чиқарилмайди.

Товар воситачи томонидан реализация килинганидан кейин, у тақдим этган хисобот асосида, комитент 5 кун ичида воситачига хисобварак-фактура бериши керак, унда воситачи томонидан харидорга қўйилган хисобварак-фактуранинг кўрсаткичлари акс этади. Бунда хисобварак-фактуранинг «Етказиб берувчи» сатрида номга қўшимча равишда «Комитент» кўрсатилади. Воситачига қўйилган хисобварак-фактурани КҚС тўловчи комитент сотувлар реестрида рўйхатдан ўтказади.

Тайёр маҳсулотни воситачилик шартномаси бўйича реализация килишда хисобварак-фактураларни қўйиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби ЎзР МВ ва ДСҚнинг ЎзР АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Комитентнинг маҳсулоти реализация қилинганда воситачи харидорга хисобварак-фактурани ўз номидан икки нусхада қўяди. Агар комитент ККС тўловчиси хисобланса, товарлар реализация қилинганда ККС тўловчиси ҳисобланмаган воситачи харидорга реализация бўйича оборотдан хисобланган солиқ суммасини ажратган ҳолда хисобварак-фактурани қўяди. Агар комитент ККС тўловчиси бўлмаса, ККС тўловчи воситачи харидорга тақдим этилган хисобварак-фактурада солиқ суммасини кўрсатмайди ва «Кўшилган қиймат солигисиз» штампини қўяди (ёзувни қайд этади).

Воситачи товарлар реализация қилинганидан кейин комитентта хисобот тақдим этиши керак, унда реализация қилинган товарларнинг сони ва қиймати, воситачининг комитент томонидан қопланадиган харажатлари қиймати, воситачилик ҳақи суммаси, шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ахборот кўрсатилади.

Хисоботни тақдим этиш муддати воситачилик шартномаси билан белгиланади, бирок у харидорга хисобварак-фактура тақдим этилган санадан бошлаб 5 календарь кунидан оиласлиги керак.

Воситачининг (ишончли вакил, бошқа воситачининг) даромади бўлиб воситачилик шартномаси, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатиш юзасидан бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун ҳақ суммаси хисобланади (*СҚнинг 129, 355-моддалари*). Ҳақ суммасига воситачи хисобварак-фактурани комитентта тақдим этади, комитент уни Харидлар реестрида рўйхатдан ўтказади.

## **ТОВАР ЙЎҚОТИШЛАРИНИ ҲУЖЖАТ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Товарларни тапшиш, саклаш ва реализация қилаётганда йўқотишлар вужудга келади, улар икки турга бўлинади: нормаланадиган ва нормаланмайдиган йўқотишлар.

*Нормаланмайдиган йўқотишлар* енгиб бўлмайдиган кучнинг турли таъсирлари ва фавқулодда (форс-мажор) ҳолатларда (табиий оғат, зилзила, тошқин, эпидемия, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарори ва ҳоказо) вужудга келади.

*Нормаланадиган ёки режалаштириладиган йўқотишлар* товарларнинг физик-кимёвий хоссалари ўзгариши (табиий йўқолиш, шиша идишдаги товарларнинг синишидан, идиш оғирлигини хисоблашдаги тафовутдан йўқотишлар ва бошқалар), кишиларнинг психологияси (ўзига ўзи хизмат кўрсатиш дўконлари ва товарлар очиқ кўйилган дўконлардаги йўқотишлар) ва бошқа омилларнинг таъсири билан боғлик. Юқорида кўрсатилган йўқотишлар объектив хусусияти оқибатида нормалаштирилади, яъни уларнинг энг юкори миқдорлари (нормалари) белгиланади. Ишлаб чиқариш ва/ёки ташиш чоғида технологик йўқотишларнинг нормалари СК 142-моддасининг 7-бандига мувофиқ ваколатли орган томонидан қонун хужжатлари ёки солик тўловчининг ўзи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Технологик йўқотишлар деб товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва/ёки моддий ресурсларни ташиш чоғида ишлаб чиқариш цикли (жараёни) ва ташишнинг технологик хусусиятлари, шунингдек ҳом ашёнинг физик-кимёвий тавсифлари тақозо этган йўқотишлари эътироф этилади. Чунончи, турли юкларни ташишда ташиш воситаларидаги материаллар колдиги (масалан, цистерналардаги нефтнинг колдиги) тарзida йўқотишлар бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ва ташиш чоғида технологик йўқотишларнинг нормалари тегишли тармок идоралари ёки республика хукумати томонидан қабул қилиниши керак. Тасдиқланган нормалар бўлмаганда солик тўловчилар мустақил равишда, ўз ишлаб чиқариш цикли ва ташиш жараёни технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш, саклап ва ташиш чоғида йўқотишларнинг ўз нормаларини белгилашлари мумкин. Йўқотишлар нормалари технологик карта, технологик жараён сметаси ёки бошқа шунга ўхшаш хужжатлар буйича технологик жараёни назорат қилувчи мутахассислар томонидан ишлаб чиқилиши ва корхона раҳбариятининг ваколатли шахслари (масалан, бош технолог ёки мухандис) томонидан тасдиқланиши мумкин.

Агар солиқ түловчи технологик карта ёки бошқа шунга ўхшаш хужжатни тұзмаса, технологик йўқотишлар тарзидаги харажатларнинг тасдиги бўлиб тармоқ меъерий хужжатлари, шу жумладан ДСТ, ташкилот технологик хизматларининг ҳисоб-китоблари ва тадқиқотлари ёки технологик жараённинг боришини белгилайдиган бошқа лимитлар хисобланади.

Шу тариқа, муайян технологик жараённи юритишида вужудга келадиган технологик йўқотишлар асосланиши ва хужжат билан тасдиқланиши керак. Улар моддий харажатлар таркибидаги солиқ солинадиган базани камайтиради.

Табиий йўқотиш нормалари доирасида ҳисобга олинадиган йўқотишларга нисбатан, агар тегишли идоралар томонидан янги қабул қилинган ва тасдиқланган меъерий хужжатлар бўлмаса, илгари амал қилган меъерий хужжатлардан фойдаланиш мумкин.

Товар-моддий бойликларнинг табиий йўқотилиши деганда ташиш, қабул қилиш, саклаш ва бериш чоғида материалларнинг биологик ва физик-кимёвий хоссалари табиий ўзгариши, уларга метеорологик омилларнинг таъсири ва айни вактда мавжуд бўлган уларни ҳимоя қилиш воситаларининг такомиллашмаганини оқибати бўлган талафотни тушуниш керак.

Товар-моддий захираларни ташиш чоғида қўлланадиган табиий йўқотиш нормаси бевосита товар-транспорт операциялари чоғида уларга ҳамроҳ бўлувчи физик-кимёвий жараёнлар оқибатида вужудга келадиган қайтарилмайдиган йўқотишларнинг (табиий йўқотиш), шунингдек қўлланадиган технологик ускуна ва транспорт воситаларининг мазкур даражасида мукаррар бўлган йўқотишларнинг йўл қўйиладиган микдори хисобланади. У жўнатувчи (ишлаб чиқарувчи) томонидан илова қилинувчи хужжатда кўрсатилган товар массасини олувчи ҳақиқатда қабул қилган товар массаси билан такқослаш оркали белгиланади.

Товар-моддий бойликларни саклашда қўлланадиган табиий йўқотиш нормаси қайтарилмайдиган йўқотишларнинг йўл қўйиладиган микдори хисобланади, уни товарни саклаш вактида унинг массасини ҳақиқатда саклашга қабул қилинган товар массасига такқослаш йўли билан аниқлаш керак.

Табиий йўқотиш нормаларини хисоблаш йўли билан ёки трафарет масса бўйича қабул қилинадиган ҳамда топшириладиган, зич ёпиқ идишда (кавшарланган, герметиклар, зичлашмалар ва

бошқалар қўлланган ҳолда), шунингдек юкори босимдаги резервuarларда сақланадиган ва/ёки ташладиган товар-моддий бойликларга татбиқ этилмаслиги керак.

Бутун-бутун ўринлар камомадини ва айрим шикастланган ўринларда оғирлик камомадини бутун маҳсулот (товарлар)нинг оғирлигидан келиб чиқиб ҳисобланган маҳсулотлар (товарлар)-нинг табиий нобуд бўлиш меъёрлари ҳисобига қоплашга йўл кўйилмайди. Жами маҳсулотлар (товарлар) оғирлигини текширишда табиий камайиш меъёрини бузилган ўринлардаги маҳсулотлар (товарлар) оғирлигидан алоҳида ҳисоблаб чиқиш керак.

Тортишнинг аниқлиги меъёри маҳсулотлар (товарлар)нинг айрим турлари учун белгиланган меъёрларга мувофиқ қўлланиши лозим бўлган табиий камайишни ўз ичига олмайди.

Камомад тортиш аниқлиги меъёридан юкори бўлган ҳолларда бутун камомад, ундан кўрсатилган меъёр истисно қилинмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак. Агар маҳсулотлар (товарлар)нинг ушбу тури учун табиий камайиш меъёри белгиланган бўлса, ундей ҳолда тортиш аниқлиги меъёридан юкори бўлган камомад аниқланганда, бу камомаддан табиий камайиш меъёрини чиқариб ташлаш керак. Табиий камайиш меъёри чиқариб ташлангандан кейин тортиш аниқлиги меъёридан юкори бўлмаган камомад қолса, у тортиш аниқлиги меъёри сифатида қаралади.

Агар камомад табиий камайиш меъёри ва тортиш аниқлиги меъёри суммасидан юкори бўлса, камомаддан фақат табиий камайиш меъёри чиқариб ташланади (*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 03.06.1993 йилдаги 17-сон қарори*).

## **АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ХУЖЖАТ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ**

---

Асосий воситалар бу – корхона томонидан узок муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жарабёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш максадида фойдаланиш учун тутиб турорладиган моддий активлардир (5-сон *БХМС*).

Асосий воситалар таркибига куйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- бир йилдан ортиқ хизмат килиш муддати;
- бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 50 бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, куйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

- маҳсус асбоблар ва мосламалар;
- маҳсус ва санитария кийим-кечаклари, маҳсус пойабзаллар;
- кўрпа-тўшак анжомлари;
- ёзув-чизув анжомлари;
- ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-социклар;
- тикланиши бўйича харажатлар курилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вактинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва қурилмалар;
- камида бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- ов куроллари.

Асосий воситалар таркибида конун хужжатларига мувофиқ корхона мулкига ўтказилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Кўп йиллик қўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар обьектларига капитал кўйилмалар ҳар юли или бутун ишлар мажмусаси якунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул килинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Ташкилотта келиб тушадиган асосий воситалар объектининг қиймати корхона балансига киритилиши лозим.

Корхоналар тасдиқланган жадвалга мувофик ҳужжатлар айланнишининг оқилона тизимини ишлаб чиқишлари ҳамда асосий воситалар объектларининг сакланиши ва олиб ўтилиши учун масъул шахсларни белгилашлари керак. Барча хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисоби юритиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши керак.

Бирламчи ҳисоб ҳужжатлари операциялар амалга оширилган пайтда, агар бунинг имкони бўлмаса, бевосита у тугаганидан кейин тузилиши керак. Корхоналар ушбу ҳужжатларнинг айрим шаклларини, масалан, асосий воситаларни режали асосдаги – олдини олиш йўсинидаги таъмирлаш жадвали, бўлгуси таъмирлаш сметаси ва ҳоказоларни мустақил равишда ишлаб чиқишлари мумкин.

### АСОСИЙ ВОСИТАЛАР КЕЛИБ ТУШГАНДА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобига ҳар бир алоҳида инвентарь объектига тузиладиган корхона раҳбари томонидан тасдиқланган *асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (AB-1 шакли)* ва давлат рўйхатидан ўтказилганликни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар асосида қабул килинади.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси билан бухгалтерия ҳисобига бир хил қийматдаги ва бухгалтерия хизмати томонидан ҳисобга бир вактда қабул қилинадиган бир турдаги объектларнинг қабул қилиниши расмийлаштирилиши мумкин.

Ўрнатиладиган ускунани ҳисобга қабул қилиш *AB-14 шаклидаги*, уни монтажга бериш эса *AB-15 шаклидаги далолатнома* билан расмийлаштирилади.

Корхона раҳбари тасдиқлаган далолатноманинг битта нускаси техник ҳужжатлар билан биргаликда бухгалтерия хизматига берилади, у тегишли *инвентарь карточкасини (AB-6 шакли)* очади ёки объектининг чиқиб кетиши тўғрисида инвентарь карточкасига белги қўяди.

Мазкур инвентарь объектига тааллукли бўлган техник ҳужжатлар, инвентарь карточкасига тегишли белги қўйган ҳолда, объектдан фойдаланиш жойи бўйича берилиши мумкин.

Монтажни талаб қилмайдиган ускуналар (кўчма транспорт воситалари, эркин жойлашадиган дастгоҳлар, қишлоқ ҳўжалиги машиналари, курилиш механизмлари ва ҳоказолар), шунингдек монтажни талаб қиласидиган, бироқ захира учун мўлжалланган ускуналар бухгалтерия ҳисобига раҳбар томонидан тасдиқланган *ускунани қабул қилиши далолатномасига* асосан қабул қилинади.

Нуксонлари бўлган ускуна қабул қилинганда (созланганда, монтаж қилинганда) *AB-16 шакли бўйича далолатнома* тузилади.

Мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялашдан кейин асосий воситалар қабул қилинган-топширилган тақдирда *таъмирланган, реконструкция қилинган ва модернизацияланган обьектларни қабул қилиши-топшириши далолатномаси (AB-3 шакли)* кўлланади.

### **АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ОБЪЕКТИГА ИНВЕНТАРЬ РАҶАМИ БЕРИЛИШИ**

Асосий воситаларнинг ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь обьект ҳисобланади. Асосий воситаларнинг инвентарь обьекти сифатида барча курилмалари ва анжомларига эга бўлган обьект ёки муайян мустақил вазифаларни бажариш учун мўлжалланган алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян вазифаларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи тан олинади. Конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуаси – умумий мосламаларга ва анжомларга, умумий бошқарувга эга, бир пойдеворда курилган, натижада мажмууга кирувчи ҳар бир буюм ўз вазифасини мустақил равишда эмас, балки факатгина мажмуя таркибида бажара оладиган бир ёки турли мўлжалдаги битта ёки бир нечта буюмлардир.

Битта асосий воситада турлича фойдаланиш муддатига эга бўлган бир нечта мустақил обьектлар мавжуд бўлган ҳолатда ҳар бир бундай обьект бухгалтерия ҳисобида алоҳида мустақил инвентарь обьекти сифатида тан олинади.

Иккита ёки бир нечта корхона мулкида бўлган асосий воситалар обьекти ҳар бир корхона томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда асосий воситалар таркибида акс эттирилади.

Ҳисобга олишни ташкил этиш ва асосий воситаларнинг сакланиши устидан назоратни таъминлаш учун ҳар бир инвентарь обьектига, у қаерда жойлашганлигидан (фойдаланишда, захирада ёки консервацияда) қатъи назар, тегишли инвентарь рақами берилади. Ушбу рақам металл жетонни маҳкамлаш, бўёқ бериш йўли билан ёки бошка усулда белгиланиши мумкин. Бунда, агар инвентарь обьекти фойдали ишлатишнинг турли муддатига эга бўлган ва мустакил инвентарь обьектлари сифатида ҳисобга олинидиган бир нечта қисмга эга бўлса, ҳар бир қисмга алоҳида инвентарь рақами берилади. Объектга берилган инвентарь рақами у мазкур ташкилотда бўлган бутун даврда сакланади.

Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар обьектларининг инвентарь рақамлари янги келиб тушган обьектларга ҳисобдан чиқариш йили тугаганидан бошлаб 5 йил мобайнида берилмайди.

Ижара шартномасига мувофиқ ташкилотга келиб тушган асосий воситалар обьектини ижараби ижарага берувчи томонидан берилган инвентарь рақами бўйича ҳисобга олиши мумкин.

## **АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ТАХЛИЛИЙ ҲИСОБИ**

Асосий воситаларнинг обьектлар бўйича ҳисоби бухгалтерияда **асосий воситаларни ҳисобга олиши инвентарь карточкаларида (AB-6 шакли)** юритилади. Инвентарь карточкаси ҳар бир обьектга очилади. Асосий воситалар обьектларининг оз миқдорига эга бўлган ташкилотда обьектлар бўйича ҳисобни инвентарь китобида амалга ошириб, асосий воситалар тўғрисидаги зарур маълумотларни кўрсатиш мумкин.

Инвентарь карточкаларни (китобларни) тўлдириш ҳисобварак-фактуралар – **асосий воситаларни қабул қилиши-топшириши юхатлари (AB-1 шакли), асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари (AB-4 шакли), автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномалари (AB-4а шакли)** ва

асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳамда чиқишига оид бошقا ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Инвентарь карточкаларида (инвентарь китобида) объектлар бўйича асосий маълумотлар: фойдали ишлатиш муддати, амортизацияни ҳисоблашнинг ташкилот танлаган усули, объектнинг индивидуал хусусиятлари ва хоказо келтирилиши керак. Инвентарь карточкалари бир нусхада тузилади ва бухгалтерияда сакланади.

Асосий воситаларни корхона балансидан ҳисобдан чиқариш *Асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқариши тартиби тўғрисида низомга* (ЎзР АВ томонидан 29.08.2004 йилда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ва *21-сон БХМСга* мувофик амалга оширилади.

## **АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш учун раҳбарнинг буйруғи билан комиссия тузилади, унинг таркиби тегишли мансабдор шахслар, шу жумладан зиммасига асосий воситаларнинг сақланиши учун жавобгарлик юкланган шахслар киритилади. Комиссия ишида иптирок этиш учун тегишли ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

Комиссиянинг ваколат доирасига, хусусан, қўйидагилар киради:

- объектнинг ҳисобдан чиқарилиши сабабларини аниқлаш;
- асосий воситалар объектларининг муддатидан аввал чиқиб кетишига айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, ушбу шахсларни амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни киритиш;
- ҳисобдан чиқарилаётган объектнинг алоҳида узеллари, дастаклари, материалларидан фойдаланиш имкониятини таҳтил қилиш ва/ёки сотишда фойдаланиш имкониятидан келиб чиқсан ҳолда уларни баҳолани;
- ҳисобдан чиқарилаётган объектлардан рангли ва кимматбаҳо металларни олиб қўйиш, уларнинг массасини аниқлаш ва тегишли органларга топшириш устидан назорат килиш.

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш далолатномалари (*AB-4 ва AB-4a шакллари*) икки нусхада тузилади, комиссия-

нинг аъзолари томонидан имзоланади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдикланади. Ҳисобдан чиқариш харажатлари, шунингдек асосий воситалар чиқиб кетишидан келиб тушган моддий бойликларнинг қиймати далолатномаларнинг маҳсус бўлимида акс эттирилади.

Асосий воситаларни хисобдан чиқариш далолатномалари асосида бухгалтерия инвентарь карточкасига (инвентарь китобига) обьектнинг чиқиб кетиши тўғрисида белги кўяди. Инвентарь карточкалари ташкилот раҳбари белгилаган муддат мобайнида, бироқ 5 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланади.

Асосий воситаларни ташкилотнинг таркибий бўлинмалари ўртасида олиб ўтиш *асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатнома (юкхати) (AB-1 шакли)* билан расмийлаштирилади.

## **КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Ҳар қандай фаолият соҳасига мансуб ташкилотларда моддий жавобгарлик билан боғлиқ масалалар соҳасида касса операциялари алоҳида ўрин тутади.

Накд пул маблағлари билан операцияларни ҳужжатли расмийлаштиришни ҳозирги вақтда қўйидагилар белгилайди:

– Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари (ЎзР АВ томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

– Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муоммаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома (ЎзР АВ томонидан 26.10.2005 йилда 1518-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

– Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага зга бўлган назорат-касса машиналарини кўллаш тартиби тўғрисида низом (ЎзР ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига I-илова).

Ҳар бир ташкилот накд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун кассага зга бўлиши керак. Накд пулларни қабул қилиш, бериш ва вактинчалик сақлаш учун мўлжалланиб, маҳсус жихозланган ҳамда ажратиб қўйилган хона касса деб номланади. Ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жихозлашлари ва касса хонасида, шунингдек, банк муассасасидан етказиб бериш ҳамда банк муассасасига топшириш пайтида пуллар сақланишини таъминлашлари шарт, уларнинг айби билан саклаш ҳамда ташиш вақтида пул маблағларининг сақланишини таъминлайдиган зарур шарт-шароитлар яратилмаган ҳолларда тегишли қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ташкилотлар кассалари зарурат туғилганда суғурта ташкилоти томонидан суғурталаниши мумкин.

Касса хонаси ажратиб қўйилиши, кассага кирадиган эшик эса операциялар бажариладиган пайтида ички томондан беркитиб қўйилиши керак. Унинг ишига даҳлдор бўлмаган шахсларнинг хонага кириши ман этилади.

Барча накд пуллар ва кимматли қоғозлар ташкилотларда одатда ёнмайдиган металл жавонларда сакланади, улар кассадаги иш

тутагач калит билан ёпилади ва кассирнинг сурғучли мухри билан сургучланади. Металл жавонлар калитлари ва муҳрлар касирларда сақланади, кассирларнинг уларни шартланган жойларда қолдиришлари, бегона шахсларга беришлари ёки ҳисобга олинмаган дубликатларни тайёрлашлари ман қилинади. Металл жавонлар жойлашган хоналар эшигини очиқ қолдириш, шунингдек, ана шу жавонлар эшигига калитларни қолдириш катъян ман этилади. Кассада мазкур корхонага тегишли бўлмаган нақд пул ва бошқа бойликларни сақлаш ман қилинади.

Касса операциялари корхона ва ташкилотлар учун бирламчи ҳисоб хужжатларининг бирхиллаштирилган шакллари билан расмийлаштирилади.

Корхона кассасига нақд пулларни кабул килиш бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган **кирим касса ордерлари (КО-1 шакл)** бўйича амалга оширилади. Пул қабул килинаётганда бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланган, кассир мухри (штампи) ёки касса аппаратининг изи билан тасдиқланган **квитанция** берилади.

Кирим касса ордери бухгалтерия ходими томонидан бир нусха ёзилади. Кирим ордери ва унга квитанцияда «Асос» сатрида хўжалик операциясининг мазмуни кўрсатилади. Кирим касса ордерининг «Илова» сатрида бирламчи хужжатлар саналиб, уларнинг рақамлари ва тузилган саналари кўрсатилади. Корхона кассасидан нақд пул берилиши чиқим касса ордерлари, тўлов қайдномалари ва бошқалар асосида амалга оширилади.

Чиқим касса ордерлари асосида фукаролик-хукукий тусдаги шартномалар бўйича иш бажарган шахсларга меҳнат ҳақи, хизмат сафари харажатлари ва бошқаларга бир марталик пул бериш амалга оширилади.

Чиқим касса ордери бўйича пул берилганда пул олувчи кассирга шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (паспорт, ҳарбий билет ва ҳоказо) тақдим этиши керак. Кассир чиқим ордерида ҳужжатнинг номи ва рақами, ким томонидан қачон берилганлигини кўрсатиши лозим.

Ишончнома асосида пул берилганда ордерда пул олувчи нинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади. Агар пул қайднома асосида берилса, пул олишида тилҳат олдига кас-

сир «Ишончнома бўйича» деб ёзиб кўяди. Ишончнома кассирда қолади ва чиқим ордери ёки қайдномага кўшиб қўйилади.

Пул чиқим касса ордери ёки ишончномада кўрсатилган шахс-гагина берилади. Пул олишда тилхат олувчи томонидан факат ўз кўли билан, кўрсатилган суммани – сўмни ёзува, тийинларни рақамда кўрсатган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Пул тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаси бўйича олинганда сумма ёзув билан кўрсатилмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий сугурта бўйича нафақалар ва стипендиялар тўланиши кассир томонидан **тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов)** қайдномалари бўйича, ҳар бир тўловчига чиқим касса ордерини тузмасдан амалга оширилади.

Тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг титул (бош) варагида пул бериш тўғрисида корхона раҳбари ва бош бухгалтери ёки бунга ваколатли шахсларнинг имзолари қўйилган руҳсат бериш ёзуви қайд этилади. Меҳнатга ҳақ тўлашга (таътилга чиқиш, касал бўлиш ва бошқа ҳолларда) бир марталик пул бериш, шунингдек депонентланган суммалар ва хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатларга ҳисбот бериладиган пуллар берилиши ҳам худди шундай тартибда расмийлаштирилиши мумкин. Айrim шахсларга меҳнат ҳақига тўлаш учун пулларнинг бир марталик берилиши одатда чиқим касса ордерлари орқали амалга оширилади.

Иш ҳаки, вактинча меҳнатга лаёкатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ва мукофотларни тўлашнинг белгиланган муддатлари тугаши билан кассир:

- тўлов қайдномасида иш ҳаки, вактинча меҳнатта лаёкатсизлик нафақалари, стипендия, пенсия ёки мукофотлар тўланмаган шахслар фамилияси тўғрисига штамп қўйилиши ёки қўлда “Депонентланган” деб белги қўйиши;
- депонентланган суммалар реестрини тузиши;
- тўлов (ҳисоб-китоб-тўлов) қайдномаси охирида ҳақикатда тўланган, депонентланиши керак бўлган суммалар тўғрисида ёзиб қўйиши ва ушбу ёзувни ўз имзоси билан тасдиқлаши керак;
- кассир касса дафтарига ҳақикатда тўланган суммани ёзиши ва қайдномага “\_\_\_\_\_сон чиқим касса ордери” штампини қўйиши шарт.

Бухгалтерия кассирлар томонидан тўлов (хисоб-китоб-тўлов) қайдномаларига қилинган белгиларни текширади ва улар бўйича берилган ҳамда депонентланган суммаларни хисоблайди. Депонентланган суммалар банк муассасасига топширилади ва топширилган суммаларга битта умумий чиким касса ордери тузилади.

Кирим касса ордерлари ва уларга доир квитанциялар, шунингдек, чиким касса ордерлари ва улар ўрнини босувчи хужжатлар бухгалтер томонидан сиёҳли ёки шарикли ручка пастасида аник ва равшан ёзилиши ёхуд ёзув, хисоблаш машинкасида бажарилиши керак. Ушбу хужжатларда ҳеч қандай ўчириб ёзиш, ўчириш ёки тузатишларга йўл кўйилмайди. Касса ордерлари бўйича пул кабул килиш ва топшириш факат улар тузилган кунда амалга оширилиши мумкин.

Кассирнинг ташкилот кассасидаги нақд пуллар борлиги ва харакати тўғрисида хисоботни тақдим этиш тартиби *Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари* (ЎЗР АВ томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган. Ушбу Қоидаларга кўра корхона нақд пулларининг келиб тушиши ва берилиши **касса китобида (КО-4 шакли)** хисобга олиниши керак. Ҳар бир ташкилот факат битта касса дафтарини юритади, у ракамланиши, иш билан тикилиши ва сурғучли ёки мастикали муҳр билан мухрланиши керак. Касса дафтарида вараклар миқдори мазкур ташкилот ёки юкори турувчи орган раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади. Ҳар бир варак тенг икки кисмдан иборат: улардан бирини (горизонтал чизиклари бўлган) кассир биринчи нусха сифатида, бошқасини (горизонтал линиялари бўлмаган) нусха кўчириш қофози орқали олд ва орка томонли иккинчи нусха сифатида тўлдиради. Варакларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил ракамлар билан ракамланади. Варакларнинг биринчи нусхалари касса китобида қолади, иккинчи нусхалари қиркиладиган бўлиши керак. Улар кассирнинг хисоботи бўлиб хизмат қиласи ва кун бўйи операцияларнинг тугашига қадар қирқилмайди.

Касса дафтарида ёзувлар кассир томонидан ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи бошқа хужжат бўйича пул олингани ёхуд берилганидан кейин дарҳол амалга оширилади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир кун учун операциялар якунини хисоблайди,

кассадаги кейинги күн учун пуллар колдигини чиқаради ва кейинги куни бухгалтерияга кассир хисоботи сифатида касса дафтарыда имзо чектирган ҳолда кирим ва чиқим касса хужжатлари билан бирга иккинчи йильтма варакни (касса дафтаридаги бир күн учун ёзувлар кўчирма нусхасини) топширади. Касса дафтарыда ўчиришлар ва изохли тузатишларга йўл қўйилмайди. Амалга оширилган тузатишлар кассир, бош бухгалтер ёки унинг ўринини босувчи шахс имзоси билан тасдиқланади.

Ташкилотларда кассир розилиги ва касса хужжатларининг тўлиқ сакланишини таъминлаш шарти билан касса дафтари автоматлаштирилган усулда юритилиши мумкин, бунда унинг вараклари “Касса дафтарининг қистирма варағи” машинограммаси кўринишида шакллантирилади. У билан бир вактда “Кассир хисоботи” машинограммаси шакллантирилади. Тилга олинган иккала машинограмма кейинги иш куни бошланишига тузилиши, бир хилда мундарижага этга бўлиши ва касса дафтари шаклида кўзда тутилган барча реквизитларни ўз ичига олиши керак. Ушбу машинограммаларда касса дафтари варакларини рақамлаш йил бошидан ўсиб бориш тартибида амалга оширилади.

“Касса дафтарининг қистирма варағи” машинограммасида ҳар бир ой учун охирида ҳар бир ой учун касса дафтари варакларининг умумий миқдори, тақвимий йил учун – охирида бир йил учун касса дафтари варакларининг умумий миқдори автоматик тарзда босилади.

“Касса дафтарининг қистирма варағи” ва “Кассир хисоботи” машинограммаларини олганидан кейин кассир касса дафтари ва кассир хисоботи тўғри тузилганини текшириши, уларни имзолаши ва касса дафтарининг қистирма варағига имзо чектирган ҳолда кирим ва чиқим касса хужжатлари билан биргаликда бухгалтерияга топшириши шарт.

Сақланишини таъминлаш мақсадида ва машинограммадан фойдаланиш кулагай бўлиши учун “Касса дафтарининг қистирма варағи” йил давомида кассир томонидан ҳар бир ой учун алоҳида сакланади. Тақвимий йил тугагач (ёки зарурат туғилишига қараб) “Касса дафтарининг қистирма варағи” машинограммалари хронологик тартибида китобча қилинади. Йил учун варакларининг умумий миқдори корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади ва дафтар сурғучланади. Касса дафтарини

тұғри юритиш устидан назорат қилиш корхона бosh бухгалтери зиммасига юкланади.

Қоидаларнинг 32–35-бандларида белгиланишича, кассирни ишга тайинлаш тұғрисида буйруқ чиқарылғандан кейин корхона раҳбари уни тилхат олган холда ушбу Қоидалар билан таништириши шарт, шундан кейин кассир билан тұлық моддий жавобгарлик тұғрисида шартнома тузилади. Кассир амалдаги конун ҳужжатларига мувофик кабул қилиб олган барча бойликтарнинг сақланиши ҳамда қасдан қилинган қаралаттар ҳамда ўз вазифаларига локайд әки ноңалол муносабатда бўлиш натижасида корхонага етказилган зарар учун тұлық моддий жавобгар бўлади. Кассирнинг унга топширилган ишни бошқа шахслар бажариши учун ишониб топшириши тақиқланади.

## **АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР ВА ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

### **ТАШКИЛОТ МОЛ-МУЛКИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБИ**

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида белгиланишича, бухгалтерия ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг ишонччилигини таъминлаш учун ташкилотлар мол-мулк ва мажбуриятларни инвентаризациялашпари шарт, унинг давомида мол-мулк ҳамда мажбуриятларнинг борлиги, ҳолати ва баҳоланиши текширилади ва хужжат билан тасдиқланади.

Ҳисобот йилида инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, мол-мулк ва молиявий мажбуриятларнинг рўйхати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади, бундан инвентаризация ўтказиш мажбурий бўлган кўйидаги ҳоллар мустасно:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат корхонаси ўзгартирилганда (давлат тасарруфидан чиқарилганда);

- йиллик молиявий ҳисобот тузиш олдидан, бундан инвентаризацияси ҳисобот йилининг 1 октябридан олдин бўлмаган даврда ўтказилган мол-мулк мустасно. Товар-моддий захираларнинг инвентаризацияси (4-сон БХМСга кўра) йилда камида бир марта, асосий воситалар – икки йилда камида бир марта, кутубхона фондларида – 5 йилда бир марта ўтказилади (5-сон БХМС).

Пул маблағлари, пул хужжатлари, бойликлар ва катъий ҳисобот бланкларининг инвентаризацияси ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овкат маҳсулотлари ҳар чоракда, кимматбаҳо металллар тармок йўрикномаларига мувофик ўтказилади.

Айрим жойларда ва иши мавсумий тусда бўлган корхоналарда ишлаб чиқариш захираларининг инвентаризацияси уларнинг колдиклари энг кам бўлган даврда ўтказилади;

- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланганда;

- моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни кабул қилиш-топшириш кунида);
- талон-торожлар ёки суиистеъмолликлар, шунингдек бойликларни шикастлаш далиллари аникланганда;
- табиий оғатлар, ёнғин, авариялар ёки экстремал шароитлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятлар юз берганда;
- хўжалик юритувчи субъект тутатилган (қайта ташкил этилган) ҳолда тугатиш (таксимлаш) балансини тузиш олдидан;
- конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ташкилот мол-мулки ва молиявий мажбуриятларини инвентаризациялашни ўтказиш тартиби ва унинг натижаларини расмийлаштириш 19-сон БХМС (ЎзР АВ томонидан 02.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланади.

Инвентаризацияни расмийлаштириш учун мол-мулк ва молиявий натижаларни инвентаризациялаш бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шаклларини (19-сон БХМСга 5-18-илюваларга кўра) кўллашпазим. Хусусан, иш моллари ва маҳсулдор ҳайвонлар, паррандалар ва асалари оиласлари, кўп йиллик ўсимликлар, питомникларни инвентаризациялашда қишлоқ хўжалиги корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар кўлланади.

Жойлашган жойидан қатъи назар корхонанинг барча молмулки ва барча турдаги молиявий мажбуриятлари, шунингдек ишлаб чиқариш захиралари ва мол-мулкнинг хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган, бироқ бухгалтерия ҳисобида кайд этилган (масъулияти сақлагида бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) барча турлари, бирор-бир сабабларга кўра ҳисобга олинмаган мол-мулк инвентаризация килиниши керак.

Куйидагилар инвентаризациялашнинг асосий вазифаларидир:

- ҳакиқатда мавжуд бўлган мол-мулкни аниклаш;
- ҳакиқатда мавжуд бўлган мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таккослаш;
- ҳисобда мажбуриятларнинг тўлиқ акс эттирилганлигини текшириш.

Инвентарлаш комиссиялари аъзолари товарлар, материаллар ва бошқа бойликлар камомади ва талон-торож килингани ёки ортиқча чикканини яшириш максадида рўйхатга бойликларнинг ҳакиқатдаги қолдиклари тўғрисида атайлаб нотўғри маълумот-

ларни киритганик учун белгиланган тартибга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар. Мол-мулкнинг ҳакиқатдаги мавжудлигини текширишни бошлашдан олдин инвентарлаш комиссияси инвентарлаш пайтидаги энг сўнгги кирим-чиқим ҳужжатларини ёки моддий воситалар ва пул маблағлари харакати тўғрисидаги хисоботларни олиши керак.

Инвентарлаш комиссиясининг раиси хисоботларга илова килинган барча кирим-чиқим ҳужжатларига “инвентарлашгача да (санаси)” деб кўрсатган ҳолда виза қўяди, бу эса бухгалтерияга ҳисоб маълумотлари бўйича инвентарлашни бошлаш пайтида мол-мулк қолдиқларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат килиши керак.

Моддий жавобгар шахслар инвентарлаш бошланишига қадар мол-мулкка доир барча кирим-чиқим ҳужжатлари бухгалтерия ёки комиссияга топширилгани ва улар жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилингани, чиқиб кетгандари эса чикимга хисобдан чиқарилгани тўғрисида тилхат берадилар. Мол-мулкни сотиб олишга хисобот бериладиган суммалари ёки уни олиш учун ишончномалари бўлган шахслар ҳам шундай тилхат берадилар.

Инвентарлашни ўтказиш олдидан ишчи инвентарлап комиссиялари аъзоларига буйруқ, комиссия раисларига эса назорат пломбири топширилади (инвентарлаш комиссияси ишлайдиган бутун иш вақтида пломбир комиссия раисида сақланади). Буйрукда инвентарлашни ўтказишга доир ишни бошлаш ва тугатиш муддатлари белгиланади.

Тўсатдан инвентаризация қилинганда товар-моддий бойликлар инвентаризация комиссияси ҳозирлигида, қолган ҳолларда эса аввалдан тайёрланади. Улар сонини хисоблаш учун кулагай бўлган муайян тартибда гурӯхларга бўлиниши, сараланиши ва номлари, навлари, ҳажмлари бўйича жойлаштирилиши керак.

Ҳакикатда мавжуд бўлган мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар камида икки нусхада *инвентаризация рўйхатлари* ёки *инвентаризация далолатномалари*га ёзилади. Инвентаризация комиссияси рўйхатларга захиралар, товарлар, пул маблағлари, бошка мол-мулкнинг ҳакиқатдаги қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ва аниқ киритилишини, инвентаризация мате-

риалларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминлайди.

Асосий воситалар, хом ашё, материаллар, тайёр маҳсулот, товарлар, пул маблағлари ва бошқа бойликларни инвентарлаш уларнинг ҳар бир жойлашган ери ва ана шу бойликларни саклаётган жавобгар шахс бўйича ўтказилади.

Ҳакиқатдаги колдикларни текшириш моддий жавобгар шахсларнинг (кассирлар, хўжалик, савдо корхонаси, омборхона, тайёрлов пункти ва ҳоказолар мудирлари) албатта иштирок этиши билан амалга оширилади.

Инвентарлаш пайтида бойликларнинг мавжудлиги албатта санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан аниқланади.

Хўжаликка тегишли бўлмаган, бирор унда жойлашган бойликларга алоҳида рўйхатлар тузилади.

Инвентаризациялаш чогида инвентаризация бўйича бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг тасдиқланган намунавий шакллари кўлланиши керак.

Инвентарлаш рўйхатлари механик воситаларда ёки қўлда тўлдирилиши мумкин. Ҳеч қандай ўчириш ва тузатиб ёзишларга йўл қўйилмайди.

Инвентарлаш рўйхатининг ҳар бир сахифасида сўз билан товар-моддий бойликлар тартиб рақамлари сони ва ушбу сахифада ёзилган барча бойликлар миқдорининг умумий якуни, бу бойликлар қандай ўлчов бирликларида кўрсатилганидан қатъи назар, кўрсатилади.

Рўйхатларнинг барча нусхаларида хатоларни тузатиш нотўғри ёзувлар устига чизиши ва чизилганлари устига тўғри ёзувларни қайд этиш йўли билан амалга оширилиши керак. Тузатишлар изоҳланиши ва инвентарлаш комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланиши керак. Тўлдирилмаган сатрлар қолдирилиши мумкин эмас, улар устидан чизиб қўйиш керак.

Рўйхатнинг охирги сахифасида ушбу текширувни ўтказган шахсларнинг имзолари қўйилган ҳолда нархлар, таксировка ва якунларни ҳисоблашнинг текширилганлиги тўғрисида белги қўйилиши керак.

Масъулиятли саклашда бўлган, ижарага олинган ёки қайта ишлаш учун олинган мол-мулкка икки нусхада, ҳакиқатдаги маълу-

мотлар асосида алоҳида рўйхатлар тузилади (19-сон БХМСга 10-шлова): бир нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчиси моддий жавобгар шахсларда қолади.

## **ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ ТАРТИБИ**

Товар-моддий бойликларни инвентарлаш, қоидага кўра, мазкур хонада бойликларнинг жойлашиш тартибида бажарилиши керак. Инвентарлаш вақтида бир турдаги товар-моддий бойликлардан бошқасига тартибсиз ўтишга йўл қўйиб бўлмайди.

Товар-моддий бойликлар турли алоҳида хоналарда битта моддий жавобгар шахсда сақланганда инвентарлаш сақлаш жойлари бўйича кетма-кетликда ўтказилади. Бойликлар текширилганидан кейин хона эшиги пломбаланади ва комиссия ишлаш учун кейинги хонага ўтади.

Товар-моддий бойликлар инвентарлаш рўйхатига ҳар бир ном бўйича киритилади, бунда номенклатура рақами, тури, гурухи, артикули, нави ва миқдори кўрсатилади.

Ишчи инвентарлаш комиссияси раиси ёки унинг топшириғига кўра комиссия аъзолари омбор (омборхона) мудири ва бошқа моддий жавобгар шахслар ҳозирлигига товар-моддий бойликларнинг хақикатда мавжудлигини уларни албатта санаш, тарозида тортиш ёки қайта ўлчаш йўли билан текширадилар. Рўйхатларга бойликлар колдиғи ҳақидаги маълумотларни моддий жавобгар шахслар оғзидан ёки ҳақикатда мавжудлигини текширмасдан туриб хисоб маълумотлари бўйича қайд этиш қатъяян тақиқланади.

Инвентарлаш вақтида келиб тушадиган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахслар томонидан инвентарлаш комиссияси аъзолари ҳозирлигига қабул қилинади ва инвентарлашдан сўнг реестр ёки товар хисоботи бўйича кирим килинади. Ушбу товар-моддий бойликлар “Инвентарлаш пайтида келиб тушган товар-моддий бойликлар” номи билан алоҳида рўйхатта киритилади. Рўйхатда улар қачон, кимдан келиб тушгани, кирим ҳужжатининг санаси ва рақами, номи, миқдори, нархи ва суммаси кўрсатилади. Айни вақтда кирим ҳужжатида инвентарлаш комиссияси раисининг имзоси билан ана шу бойликлар кайд этил-

ган рўйхат санасига ҳавола қилган ҳолда “инвентарлашдан сўнг” белгиси қўйилади.

Инвентарлаш узок вакт ўтказиладиган фавкулодда ҳолларда ва фақат хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтери-нинг ёзма руҳсати билан инвентарлаш жараёнида товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахсларга инвентарлаш комиссияси аъзолари хозирлигига берилиши мумкин. Ушбу бойликлар “Инвентарлаш пайтида берилган товар-моддий бойликлар” деб номланган алоҳида инвентарь рўйхатига киритилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган ва масъулиятли сакланишда бўлган товар-моддий бойликлар ўзининг товар-моддий бойликлари билан бир вактда инвентарланади. Ана шу бойликларга алоҳида инвентарлаш рўйхати тузилади, унда ушбу бойликлар масъулиятли саклашга кабул қилингани тасдиқланадиган тегишли ҳужжатларга ҳавола берилади.

Йўлда бўлган, юклаб жўнатилган, харидорлар томонидан ҳақи муддатида тўланмаган, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар омборларида бўлган товар-моддий бойликларни инвентарлаш тегишли счўтларда кўрсатилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишни ўз ичига олади.

Ходимларга якка тартибда фойдаланишга берилган инвентарь ва хўжалик анжомларини инвентаризациялаш чоғида гурухлаган инвентаризация рўйхатларини тузишга йўл қўйилади, уларда ушбу предметлар учун жавобгар бўлган, уларга шахсий карточкалар очилган шахслар кўрсатилиб, рўйхатларга улар қўли кўйдириб олинади. Рўйхатларда предметларнинг дастлабки қиймати кўрсатилади.

### **ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, БОЙЛИКЛАР ВА ҚАТЪИЙ ҲИСОБДАГИ БЛАНКЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

Касса инвентарланганда пул маблағлари ва кассада бўлган бошқа бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилади. Қатъий ҳисобдаги бланклар ҳам текширувдан ўтказилади.

Кассада пул маблағларининг ҳақиқатда мавжудлиги ҳисобкитоб қилинганда пул белгилари, почта маркалари ва данлат божи маркалари ҳисобга кабул қилинади. Хеч қандай ҳужжатлар

ёки тилхатлар кассадаги нақд пул қолдигига киритилмайды. Кассирнинг кассада мазкур хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлмаган пул маблағлари ва бошқа бойликлар борлиги тўғрисидаги баёнотлари эътиборга олинмайди.

Нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномасида бойликлар қолдиги инвентарлаш кунида натурада ва ҳисоб маълумотлари бўйича кўрсатилади ва инвентарлаш натижаси белгиланади. Қатъий ҳисобдаги бланкларнинг ҳакиқатда мавжудлигини текшириш бланк турлари бўйича у ёки бу бланкларнинг бошлангич ва охирги рақамларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Мазкур текшириш натижалари маҳсус рўйхат билан расмийлаштирилади.

Йўлдаги пул маблағларини инвентарлаш бухгалтерия ҳисоби счётларида қайд этилган суммаларни банк муассасалари, поча бўлими ва хоказоларнинг квитанциялари маълумотлари билан солиштириш воситасида амалга оширилади.

Банкда ҳисоб-китоб ва жорий счётлар, аккредитивлар, маҳсус, алоҳида ва бошқа счётларда бўлган пул маблағларини инвентарлаш хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясининг маълумотлари бўйича тегишли счётларда қайд этилган суммалар қолдигини банк кўчирмасидаги маълумотлар билан солиштириш оркали амалга оширилади.

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ

Инвентарлашни бошлашга қадар куйидагиларни текшириш зарур:

- инвентарь варакчалари, инвентарь дафтлари ёки рўйхатларининг, техник паспортлар ёки бошқа техник хужжатларнинг мавжудлиги ва кандай ҳолатдалиги;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан ижарага, саклашга ва вактинча фойдаланишга топширилган ёки кабул қилинган асосий воситаларга доир ҳужжатларнинг мавжудлиги. Ҳужжатлар йўқ бўлса, уларнинг олиниши ёки расмийлаштирилишини таъминлаш зарур.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари ёки техник хужжатларда тафовутлар ёхуд ноаниқликлар топилган тақдирда уларга тегишли тузатишлар ва аниқлаштиришлар киритилиши керак.

Асосий воситаларни инвентарлашдан ўтказаётганды комиссия мажбурий тартибда объектларни натурада кўздан кечиради ва инвентарлаш рўйхатларига уларнинг тўлиқ номи, вазифаси, инвентаръ рақамлари ва асосий техник ёки фойдаланиш кўрсаткичларини қайд этади.

Хисобга қабул қилинмаган объектлар, шунингдек, хисоб регистрларида уларни тавсифлайдиган маълумотлар бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилган объектлар аниқланган тақдирда комиссия инвентарлаш рўйхатига ана шу объектлар бўйича етишмайдиган ёки тўғри маълумотларни ва техник кўрсаткичларни киритиши керак. Инвентарлашда аниқланган хисобга олинмаган объектларни баҳолаш жорий қиймат бўйича ўтказилиши, эскириш эса объектларнинг ҳақиқий техник ҳолати бўйича белгиланиши, бунда баҳолаш ва эскириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилиши керак.

Инвентарлаш комиссияси инвентарлаш вактида аниқланган хисобга олинмаган объектлар қачон ва кимнинг фармойиши билан барпо этилганини, уларни барпо этиш харажатлари қаерга хисобдан чиқарилганини аниқлаши ва буни баённомада акс эттириши шарт.

Асосий воситалар рўйхатга объектнинг асосий вазифасига мувофик номлари бўйича қайд этилади.

Агар объект тикланган, таъмирланган, кенгайтирилган ёки қайта жиҳозланган ва бунинг оқибатида унинг асосий вазифаси ўзгарган бўлса, у рўйхатга янги вазифасига мувофик келадиган ном билан киритилади.

Агар комиссия капитал тусда килинган ишлар (кават қуриш, янги хоналар қуриш ва ҳоказолар) ёки иморат ва иншоотларни қисман тугатиш (айрим конструктив унсурларни бузиш) бухгалтерия хисобида акс эттирилмаган деб топса, у тегишли хужжатлар бўйича объект дастлабки қийматининг кўпайиш ёки камайиш суммасини аниқлаши ва рўйхатда килинган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни келтириши керак.

Машиналар, ускуналар ва куч курилмалари инвентарлаш рўйхатларига якка тартибда, инвентаръ рақами, тайёрлаган заводи, чиқарилган йили, вазифаси, кувватлари ва ҳоказолар кўрсатилган ҳолда киритилади.

Бир вактда бир цех ёки бўлимга келиб тушган ва гурух хисобининг намунавий инвентаръ ва рақчасида қайд этиладиган бир хил қийматдаги хўжалик анжомлари, асбоблар, дастгоҳлар ва ҳоказо бир турдаги буюмлар инвентарлаш рўйхатларида номлари бўйича келтирилиб, ушбу буюмлар миқдори кўрсатилади.

Асосий воситаларнинг инвентаръ обьектларига берилган ракамлар, коидага кўра, ўзгармаслиги керак. Объектлар ўзларининг техник-ишлаб чиқариш вазифасига кўра киритилиши керак бўлган асосий воситалар гурухидан бошқа гурухга хато равиша киритилган ҳолларда, шунингдек, нотўғри ракам қўйилганлиги аниқланган ҳолларда ракамлар ўзгартирилиши мумкин.

Инвентарлаш пайтида хўжалик юритувчи субъектдан ташкарида бўладиган асосий воситалар обьектлари (узоқ рейсларда бўлган денгиз ва дарё кемалари, темир йўл ҳаракатдаги таркиби, автомашиналар, капитал таъмиглашга юборилган машина ва ускуналар ва ҳоказо) доимий ишлайдиган ёки ишчи комиссия томонидан улар хўжаликдан вақтинча чиқиб кетиши пайтига қадар инвентарланиши керак.

Фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган асосий воситалар инвентарлаш рўйхатига киритилмайди. Ана шу обьектларга инвентарлаш комиссияси алоҳида рўйхат тузиб, уларни фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу обьектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади. Бундай обьектларни хисобдан чиқариш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзининг асосий воситаларини инвентарлаш билан бир каторда ижарага олинган ва масъулиятли сақлашда бўлган асосий воситалар ҳам текширилади. Кўрсатилган обьектлар бўйича алоҳида рўйхат тузилади, унда ана шу обьектлар масъулиятли сақлаш ёки ижарага қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган хужжатларга ҳавола берилади.

## **НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

Номоддий активларни инвентарлаганда қуйидагилар текширилиши зарур: ташкилотнинг улардан фойдаланишга доир

хукукларини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги; номдий активлар балансда тўғри ва ўз вактида акс эттирилганлиги.

## МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ

Молиявий қўйилмаларни инвентарлаганда кимматли қоғозларга доир ҳақиқатдаги харажатлар ва бошқа ташкилотларнинг устав капиталлари, шунингдек, бошқа ташкилотларга берилган карзлар текширилади.

Кимматли қоғозларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текширилганда куйидагилар аниқланади:

- кимматли қоғозлар тўғри расмийлаштирилгани;
- кимматли қоғозлар бутлиги (ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия хисоби маълумотлари билан тақкослаш орқали);
- кимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларнинг бухгалтерия хисобида ўз вактида ва тўлиқ акс эттирилиши.

Ташкилотда кимматли қоғозлар сакланганида уларни инвентарлаш кассадаги пул маблағларини инвентарлаш билан бир вактда ўtkазилади.

Кимматли қоғозларни инвентарлаш алоҳида эмитентлар бўйича ўтказилиб, далолатномада номи, серияси, раками, номинал ва ҳақиқий киймати, узиш муддатлари ва умумий суммаси кўrsатилади.

Хар бир кимматли қоғоз реквизитлари хўжалик юритувчи субъект рўйхатлари (реестрлари, дафтарлари) маълумотлари билан таққосланади.

Махсус ташкилотларга (депозитарий банк, кимматли қоғозларни сақлайдиган махсус жой ва х.к.) саклаш учун топширилган кимматли қоғозларни инвентарлаш хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия хисобининг тегишли счёtlарида қайд этилган суммалар колдикларини ушбу махсус ташкилотлар кўчирмалари маълумотлари билан солиширишдан иборат бўлади.

Бошқа ташкилотларнинг устав капиталларига молиявий қўйилмалар, шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган карзлар инвентарлаш пайтида ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак.

## **ТУГАЛЛАНМАГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

Тугалланмаган ишлаб чиқариши инвентарлашдан мақсад унинг ҳажмлари ва ҳакиқий таннархини *Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги низом билан белгиланган тартибга* ва унинг асосида ишлаб чиқилган *тармоқ йўриқномаларига* мувофиқ белгилашдир.

Инвентарлаш бошланишидан олдин омборларга цехлар учун зарур бўлмаган барча материаллар, харид қилинган деталлар, шунингдек, ишлов берилиши мазкур босқичда тугалланган барча деталлар, узеллар ва агрегатлар топширилиши лозим.

Цехларда бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш заделлари ва ярим тайёр маҳсулотлар уларнинг микдорини тўғри ва кулагай усулда санашини таъминлап учун тартибга келтирилиши керак.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш заделлари (деталлар, узеллар, агрегатлар) колдигини текшириш амалда санаш, тарозида тортиш, ўлчаш йўли билан амалга оширилади.

Рўйхатлар ҳар бир цех (участка, бўлим) бўйича захиралар номи, уларнинг тайёрлик босқичи ёки даражаси, микдори ёки ҳажмини кўрсатиб, қурилиш-монтаж ишлари бўйича эса – уларга доир ҳисоб-китоблар уларга доир ишлар тўла тугалланганидан кейин, оралиқ тўловларсиз амалга ошириладиган тугалланмаган корхоналар, уларнинг навбатлари, обьектлари, ишга тушириладиган мажмуалар бўйича ишлар ҳажмини кўрсатиб; конструктив элементлар ва иш турларининг тугалланмаган қисмлари бўйича тузилади.

Иш жойларида бўлган, ишлов берилмаган хом ашё, материаллар ва харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш рўйхатига киритилмайди, балки алоҳида инвентарланади ва алоҳида рўйхатларда қайд этилади.

Узил-кесил брак қилинган деталлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибига киритилмайди.

Бир хилдаги масса бўлмаган ёки аралашма бўлган (тегишли саноат тармоқларида) тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш рўйхатларида, шунингдек, солиштириш қайдномаларида иккита микдорий кўрсаткич келтирилади: ана шу масса ёки аралашма микдори ва унинг таркибига кирадиган

хом ашё ёхуд материаллар (алоҳида номлар бўйича) миқдори. Хом ашё ёки материаллар миқдори техник ҳисоб-китоблар билан тармок йўриқномаларида белгиланган тартибда аниқланади.

Тугалланмаган капитал қурилишнинг мавжудлиги ва ҳажми инвентарлаш пайтида унинг тўланган қисмини натурада текшириш йўли билан белгиланади. Инвентарлаш далолатномаларида объект номи ва ана шу объектга доир бажарилган ишлар ҳажми ҳар бир алоҳида иш тури, конструктив элементлар, ускуналар ва ҳоказолар бўйича кўрсатилади.

Инвентарлаш комиссияси куйидагиларни текшириши керак:

- тугалланмаган капитал қурилиш таркибида монтажга берилган, лекин ҳакиқатда монтажи бошланмаган ускуна борйўклигини;
- консервацияланган ва вактинча қурилиши тўхтатилган объекtlарнинг ҳолатини. Ана шу объекtlар бўйича, хусусан, уларни консервациялаш учун сабаблар ва асосни аниқлаш зарур.

Қабул қилиниши ва фойдаланишга тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган, қурилиши тугалланган, тўлик ёки қисман амалда фойдаланишга топширилган объекtlарга алоҳида далолатномалар тузилади. Тугалланган, лекин муайян сабабларга кўра фойдаланишга топширилмаган объекtlарга ҳам алоҳида далолатномалар тузилади.

Курилиши тугалланган объекtlарга, шунингдек, амалга оширилмаган, балансдан ўчирилиши керак бўлган қурилиш бўйича лойиҳалаш-тадкиқот ишларига далолатномалар тузилади, уларда қурилишни тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда бажарилган ишлар ҳарактери ва уларнинг қиймати тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бунинг учун тегишли техник ҳужжатлар, ишлар, босқичларни топшириш далолатномалари, қурилиш объекtlарида бажарилган ишларни ҳисобга олиш журналлари ва бошка ҳужжатлардан фойдаланилиши керак.

Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, энергетик қурилмалар ва бошка объекtlарнинг тугалланмаган капитал таъмирланшини инвентарлаш натурада ишлар ҳолатини текшириш йўли билан амалга оширилади.

Тугалланмаган капитал таъмирланишга далолатнома тузилади, унда таъмирланаётган объекt номи, ишлар номи ва бажариш

фоизи, бажарилган ишларнинг сметадаги ва ҳакиқий кийматлари кўрсатилади.

Инвентарлаш комиссияси ҳужжатлар бўйича келгуси даврлар харажатлари счётида акс эттирилиши керак бўлган суммани аниқлайди ва рўйхатга киритади.

Кўрсатилган харажатларни ҳисобга олиш, тақсимлапи ва маҳсулот ёки ишлар таннархига киритиш тартиби тегишли йўриқномаларда белгиланади.

## **УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ВА ЁШ ҲАЙВОНЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

Катта ёшли маҳсулдор ва иш ҳайвонлари инвентарлаш рўйхатларида қайд этилади, уларда: ҳайвоннинг рақами (бирка, тамғаси), ҳайвоннинг лақаби, туғилган йили, насли, семизлиги, ҳайвоннинг тирик вазни (оғирлиги) (вазни (оғирлиги) кўрсатилмайдиган отлар, туялар, хачирлар, буғулардан ташқари) ва дастлабки қиймати кўрсатилади. Ҳайвоннинг насли уни бонитировкалаш маълумотлари асосида кўрсатилади.

Корамол, иш ҳайвони, чўчкалар (урғочи чўчқа ва эркак чўчкалар), кўй ва бошқа ҳайвонларнинг алоҳида кимматли нусхалари (наслдор ўзаги) рўйхатларга якка тартибда киритилади. Гуруҳ тартибida ҳисобга олинадиган асосий поданинг бошқа ҳайвонлари рўйхатларга ёш ва жинс гурухлари бўйича киритилиб, ҳар бир гурух бўйича туёклар сони ва жонли вазни (оғирлиги) кўрсатилади.

Ёш корамоллар, ёш наслдор отлар ва иш ҳайвонлари инвентарлаш рўйхатларига якка тартибда киритилиб, инвентарь рақамлари, лакаблари, жинси, насли ва ҳоказолар кўрсатилади.

Сўқимга бокиладиган ҳайвонлар, ёш чўчкалар, кўй ва эчкилар, парранда ҳамда гурух тартибida ҳисобга олинадиган бошқа хил ҳайвонлар рўйхатларга ҳисоб регистрларида қабул килинган номенклатурага кўра киритилиб, ҳар бир гурух бўйича туёклар сони ва жонли вазн (оғирлик) кўрсатилади.

Рўйхатлар ҳайвон турлари бўйича цехлар, фермалар, бўлимлар, бригадалар бўйича, ҳисоб гурухлари ва моддий жавобгар шахсларга ажратиб тузилади.

## **ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ**

Банклар билан ссудалар бўйича, бюджет, харидорлар, мол етказиб берувчилар, хисобдор шахслар, ишчи ва хизматчи-лар, депонентлар ҳамда бошқа дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китобларни инвентарлаш тегишли ҳужжатлар бўйича колдикларни аниқлаш ва бухгалтерия ҳисоби счёtlарида қайд этилган суммаларнинг асослилигини синчиклаб текширишдан иборат.

Комиссия дебитор ва кредиторлар счёtlари бўйича қарзларнинг пайдо бўлиши, уларнинг реаллиги ва шундай бўлган тақдирда, даъво этиш муддатларини ўтказиб юборишда айбдор шахсларни аниқлади.

Ҳисобот бериладиган суммалар инвентарланганда мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда хисобдор шахсларнинг берилган бўнаклар бўйича ҳисботлари, шунингдек ҳар бир хисобдор шахс бўйича берилган бўнаклар суммалари, уларни бериш саналари ва мақсадли фойдаланилиши текширилади.

Ишчи инвентарлаш комиссияси ҳужжатли текшириш йўли билан куйидагиларни ҳам аниқлаши керак:

- банклар, хўжалик юритувчи субъект кисмлари билан хисоб-китобларнинг айнанлиги;
- баланс бўйича қайд этилган камомад ва ўғирликларга доир қарз суммалари тўғрилиги ва асослилиги ҳамда ана шу қарзни ундириш учун кабул килинган чоралар;
- баланс бўйича қайд этилган дебиторлик, кредиторлик ва депонент қарзлари суммаларининг тўғрилиги ва асослангани, шунингдек, дебиторлик қарзини мажбурий тартибда ундиришга даъволар тақдим этилган ёки этилмагани;
- муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжудлиги сабаблари.

## **ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯДА АНИҚЛАНГАН ТАФОУТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҚОИДАСИ**

Активларни инвентаризациялашнинг куйидаги уч натижаси бўлиши мумкин:

- кам ва/ёки кўп чиқишиларнинг бўлмаслиги;

- активларнинг кам чиқиши;
- активларнинг ортиқча чиқиши.

Мазкур натижалар инвентаризация рўйхатларида ёки инвентаризация далолатномаларида кўрсатилган активларнинг ҳақиқатдаги колдиқларини бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан такқослаш (солиштириш) йўли билан аникланади.

Агар амалдаги колдиқларни ҳисобдаги маълумотлар билан такқослаганда тафовутлар аникланса, активларни инвентаризациялаш натижаларини акс эттириш учун қуидаги *инвентаризациялаш натижаларининг солиштирма қайдномалари* тузилади:

- асосий воситалар, номоддий активларни (*19-сон БҲМСга 17-илюва*);

- товар-моддий бойликларни (*19-сон БҲМСга 18-илюва*).

Солиштириш қайдномаларида инвентарлаш натижалари, яъни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича кўрсаткичлар ва инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалари) маълумотлари ўртасидаги тафовутлар акс эттирилади.

Корхонага тегишли бўлмаган, лекин унинг ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сакланишда бўлган, ижарага олинган, кайта ишлаш учун олинган) бойликларга бухгалтер томонидан иккни нусхада алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади: унинг биттаси бухгалтерияда сакланади, иккинчиси моддий жавобгар шахсга берилади.

Кимматли қоғозлар ва пул маблағлари мавжудлигининг инвентаризациялаш натижалари Инвентаризациялашида аникланган натижалар қайдномасининг (*19-сон БҲМСга 5-илюва*) 9-устунни «Касса, пул хужжатлари ва бошқа қимматликлар»да, қатъий ҳисобдаги хужжатлар бланклари эса *19-сон БҲМСга 15-илювада* акс эттирилади.

Ортиқча ва кам чиққан товар-моддий бойликларнинг қиймати солиштириш қайдномаларида уларнинг бухгалтерия ҳисобидаги баҳосига мувофик келтирилади.

Инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш учун ягона регистрлар кўлланиши мумкин, уларда инвентарлаш рўйхатлари (далолатномалари) ва солиштириш қайдномаларининг кўрсаткичлари бирлаштирилади.

Корхонага тегишли бўлмаган, лекин бухгалтерия ҳисобида қайд этилган (масъулиятли сакланишда бўлган, ижарага олинган, қайта ишлаш учун олинган) бойликларга алоҳида солиштириш қайдномалари тузилади.

Солиштириш қайдномалари ҳисоблаш ва бошқа техника юситаларидан фойдаланиб, шунингдек, кўлда тузилиши мумкин.

Инвентарлаш ва бошқа текширишлар пайтида аниқланган бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фарқлари қуидагича тартибга солинади:

- ортиқча чиққан асосий юситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ва тегишли-ча хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига ёки бюджет ташкилотида молиялашни (фондларни) кўпайтиришга қайд этилиши, кейинчалик ортиқча чиқиши сабаблари ва айбор шахслар аниқланниши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг фармойишига кўра ишлаб чиқарип ва муомала чикимларига ёки бюджет ташкилотида молиялашни (фондларни) камайтиришга ҳисобдан учирилади. Йўқолиш меъёрлари ҳақиқатда камомад аниқланган тақдирдагина қўлланиши мумкин. Бунда белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг йўқолиши бойликлар камомади қайта навларга ажратишдаги ортиқча мол билан ҳисобга олгач белгиланишига эътибор берилади. Агар белгиланган тартибда ўтказилган қайта навларга ажратиш бўйича ҳисобга олингандан кейин ҳам бойликлар камомади мавжуд бўлса, табиий йўқолиш меъёрлари камомад аниқланган бойликлар номи бўйичагина қўлланиши мумкин.

Тасдиқланган меъёрлар бўлмаган тақдирда:

- йўқолиш меъёрлардан ортиқча камомад сифатида қаралади;
- йўқолиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади, шунингдек, бойликлар бузилишидан кўрилган талафотлар айбор шахсларга юкланди. Суиистеъмолликлар оқибати бўлган камомад ва талафотлар аниқланганда тегишли материаллар камомад ва талафотлар аниқлангандан сўнг 5 кун давомида тергов органдарига берилиши керак, аниқланган камомад ва талафотлар суммасига эса фукаролик даъвоси тақдим этилади;

– бойликларнинг йўқолиш ва бойликлар бузилиши туфайли талафотлар меъёларидан ортиқча камомади, камомад ва бузилишларнинг аниқ айбдорлари аникланмаган ҳолларда, Махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши ёки бюджет ташкилотида молиялашни (фондларни) камайтиришга қайд этилиши мумкин.

Бойликлар бузилиши факти тўғрисидаги хуносалар техник назорат бўлими ёки сифат бўйича тегишли инспекциялардан олиниши керак.

Табий йўқолиш меъёларидан ортиқча бойликлар камомади ва бузилишини ҳисобдан ўчиришни расмийлаштириш учун тақдим этиладиган хужжатларда тергов ёки суд органларининг қарори бўлиши керак.

Қайта навларга ажратиш натижасида ортиқча чикиш ва камомадларнинг ўзаро ҳисобга олинишига биргина текширилаётган давр учун, биргина текширилаётган шахсада, биргина номдаги товар-моддий бойликларга нисбатан ва ишончли шахс рухсатига кўра айнан бир хил миқдорларда истисно тарзида йўл қўйилиши мумкин. Йўл қўйилган қайта навларга ажратиш тўғрисида моддий жавобгар шахслар ишончли шахста батафсил тушунтириш тақдим этадилар.


Моддий жавобгар шахслар айби бўлмаган ҳолда қайта навларга ажратишда ҳосил бўлган кийматдаги камомад фарқига инвентарлаш баённомаларида бундай фарқ айбдор шахсларга киритил-маслиги хусусида муфассал тушунтириш берилиши керак.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тутаган ойдаги ҳисоб ва ҳисоботда, йиллик инвентарлашда эса йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

## ТАШКИЛОТГА УНИНГ ХОДИМИ ЕТКАЗГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ

Ходимдан етказилган зарарни ундириш энг мураккаб муаммо дейиш мумкин.

1-расмда зарарни коплаш жараёнини хужжатли кузатиш алгоритми акс эттирилган, бунда воқеалар мантиги ва муайян вазиятда кандай хужжатлар расмийлаштирилиши яқол кўринади.



Унингиз зарарни ундириш амалда мумкин бўлмайдиган асосий шарт бўлиб зарар ҳажмини белгилаш учун текшириш ўтказиш ҳисобланади (*МКнинг 204-моддаси*). Уни ўтказиш мақсадида иш берувчи тегишли мутахассислар иштирокида комиссия тузиши керак.

Шуни қайд этиш жоизки, комиссия бўймабўш жойда юзага келиши мумкин эмас, яъни ташкилотнинг ушбу йўналишлардаги харакатидан аввал раҳбариятни муаммонинг юзага келганлигидан хабардор килувчи хужжат тузилиш керак. У зарар етказилганлиги далилини аниқлаган шахс ёки айбордor ходимнинг бевосита раҳбаридан *хизмат хоти* (1-намунага қаралсин), *ходимнинг ўзидан ариза* ёки бошқа хар қандай хужжат, масалан, иш берувчининг мол-мулкига зарар етказилганлигини қайд этувчи, *ходимни маъмурий жавобгарликка тортими тўғрисида қарор бўлиши мумкин*.

Комиссия *вазият* комиссияси, яъни муайян воқеани текшириш учун махсус тузилган комиссия бўлиши ёки *доимий асосда* мавжуд бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда уни ташкил этиш ва унга кирган шахсларнинг таркиби раҳбарнинг *буйруги* билан расмийлаштирилади (2-намуна), иккинчи ҳолда ҳам комиссия буйрук билан шакллантирилиши мумкин, бироқ кўпинча у *локал меъёрий хужжат* (ЛМХ) асосида тузилади. Одатда комиссиянинг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида алоҳида ЛМҲлар тузилмайди: унинг ишини тартибга солувчи меъёрлар башқа хужжатларга киритилади. У *ички меҳнат тартиби қоидалари* (3-намуна), корхона ходимларининг интизомий ва моддий жавобгарлиги тўғрисида низом ёки меҳнат муносабатлари тарафларининг ўзаро жавобгарлигига тааллукли башқа хужжатлар бўлиши мумкин. Одатда доимий ишлайдиган комиссияга зарурат касаба уюшмаси ташкилотлари мавжуд бўлган йирик корхоналарда юзага келади. Ижтимоий ҳамкорликнинг юкори даражасини кўллаб-куватлаш ва ходимлар билан маъмурият ўртасидаги кескинликни камайтириш мақсадида бундай комиссияга касаба уюшмаси вакилларини ҳам киритиш мақсадга мувофик бўлади. Комиссияга кирадиган муайян кишилар иш берувчининг буйруги билан муайян муддатга ёки муддатсиз тайинланади. Бунда қайд этиш жоизки, бундай ходимларнинг мансаб мажбуриятларига бу хил комиссиянинг ишида иштирок этиш кирмаса, бунга иш ҳажмининг кенгайиши

деб қараб, хеч бўлмаганда энг кам миқдорда қўшимча ҳақ белгилаган маъқул.

Комиссиянинг вазифаларидан бири ташкилотга етказилган зарар ҳажмини аниқлаш ҳисобланади. У ташкилотнинг ўз молмулкига ёхуд учинчи шахснинг мол-мулкига етказилган ва, агар у ходимнинг айби билан вужудга келган бўлса, ташкилот томонидан қопланган зарар бўлиши мумкин.

Бундай текшириш давомида зарарнинг сабабларини белгилаш учун ходимнинг тушунтиришини (ёзма шаклда) албатта талаб қилиб олиш лозим, зеро «талаб қилиниши» сўзи Мехнат кодексида мавжуд, шу боис 4-намунада келтирилган хужжат «Талаб» деб аталади. Мехнат кодекси текшириш давомида тузилиши керак бўлган хужжатлар рўйхатини батафсил белгиламайди (юкорида кўрсатилганидан ташқари). Бирок унбу масала катта эътиборни талаб қиласди, зеро айни мазкур тадбир давомида ишни суд тартибида давом эттириш эктимоли учун исботлаш базаси шаклланади.

Кўп ҳолларда ходим зарар вужудга келганлиги хусусида тушунтириш беришдан бош тортадиган вазият шаклланади. Бундай бош тортиш иш берувчига етказилган зарар учун ходими мөддий жавобгарликка тортишга тўсиқ бўла олмайди (*МК 204-моддасининг 2-қисми*). Бош тортиш далилини камида уч гувоҳнинг (улар комиссия аъзолари бўлмасликлари ҳам мумкин) имзолари билан тасдиқлатиш зарур. Бунинг учун талабноманинг пастида ёки унинг орқа томонида тегишли бўлимни назарда тутиш (*4-намунага қаралсин*) ёки алоҳида хужжат – *далолатнома* (*5-намуна*) тузиш мумкин.

Далолатнома шунинг учун лозимки, ходим кўпинча текширишга оид бўлган ҳар қандай хужжатларни имзолашдан бош тортади (буни қонун тақиқламайди) ва бундай бош тортишнинг оқибати ходимнинг текшириш тартиб-коидаларига риоя этилмаганилиги ва зарар мавжудлиги муҳим далилининг йўқлиги тўғрисида исботдалиллари бўлиши мумкин. Иложи борича тезрок далолатнома тузиш (ёки ходимнинг тушунтириш хатини талаб қилиб олиш) тавсия қилинади, зеро унингсиз зарар ҳажмини текшириш тугалланган деб ҳисобланиши мумкин эмас (*МКнинг 204-моддаси*).

Моҳиятан олганда, ходимдан бундай тушунтиришларни талаб қилиб олишга низони кўришнинг даъво-эътироz тартибининг

боскичи сифатида караң керак, чунки мазкур хужжатда ходим ўз айбини тан олиши ҳам мүмкін.

Текшириш натижалари қайд этилиши керак. Бунинг учун *комиссия хизмат текшириши далолатномаси ёки унинг мажлиси баённомаси ва ходим томонидан зарар етказилиши далилини текширишга доир хulosани* расмийлаштириш мүмкін. Бир хужжатда аникланган холатлар ва комиссия хulosалари шунчаки қайд этилганды далолатноманы расмийлаштириш күпроқ ўринли бўлади. Мухокаманинг боришини, айниқса комиссия аъзоларида фикрлар хар хил бўлса ва қандайдир карорлар овоз беришга кўйилса, қайд этиш муҳим бўлганда, баённома ўринлидир.

Комиссия иши натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш варианти *6.1-намунада* тақдим этилган, унда етказилган зарар микдори айборд ҳодимнинг ўртacha ойлик иш ҳақидан кам бўлган вазият акс эттирилган. *6.2-намунада* агар ходим томонидан етказилган зарар унинг ўртacha ойлик иш ҳақидан юкори бўлганда вазиятни қандай баён этиш ва қандай тавсиялар бериш мумкинлиги кўрсатилган.

Шу тарика, корхона мол-мulkига зарарнинг хар бир ҳолати бўйича текшириш материаллари:

- зарарнинг мавжудлиги ва унинг ҳажмини белгилайдиган ҳужжатдан (хизмат хати, инвентаризация далолатномаси, нуксонлар қайдномаси);
- иш берувчи томонидан зарар сабаблари ва ҳажмини белгилаш учун тузилган комиссия хulosасидан;
- ҳодимнинг зарар юзага келганлиги сабаблари бўйича тушунишидан, тушунишиш беришдан бош тортган ҳолда эса – гувоҳлар имзолаган далолатномадан иборат бўлади.

Шунингдек *Меҳнат кодекси* зарарни ундиришнинг амалда уч усулини таклиф этишини кўрсатиш лозим.

**Б и р и н ч и д а н**, бу – қоплашнинг ихтиёрий тартиби (*МКнинг 206-моддаси*). Ҳодим томонидан зарарни тўлиқ ёки қисман ихтиёрий қоплашга тегишли пул суммаларини ташкилот кассасига тўлаш ёки уларни иш берувчининг банк хисобварағига ўтказиш, шу жумладан пластик карточка воситасида ёки маъмурнятнинг розилиги билан натурада тўлаш йўли билан (тeng кимматли ёки тузатилган мол-мulkни бериш билан) рухсат берилади.

Меҳнат шартномаси тарафларнинг келишуви бўйича тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш билан зарарни қоплашга йўл қўйилади. Ушбу ҳолда ходим иш берувчига тўловларнинг аниқ муддатини кўрсатган ҳолда зарарни коплаш тўғрисида *ёзма мажбурият* тақдим этади (9-намунага қаралсин). Зарарни ихтиёрий коплаш тўғрисида ёзма мажбурият берган, бироқ уни коплашдан бош тортган ходим ишдан бўшаган тақдирда сўндирилмаган қарз но-тариал органларнинг ижро ёзувлари асосида ундирилади.

Иккинчи дан, иш берувчи ундиришни мустакил амалга оширадиган ҳол бўлиши мумкин (*МК 207-моддасининг 1-қисми*). Бундай тартиб факат икки шарт мавжудлигида бўлиши мумкин:

- ундириш иш берувчи томонидан зарар белгиланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирилиши мумкин эмас;
- ундириладиган сумманинг миқдори ходимнинг ўртacha ойлик иш ҳақидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг ўртacha ойлик иш ҳақи *МКнинг 169-моддаси*, шунингдек *Ўртacha ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби* (ЎзР ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига б-илова) билан белгиланган тартибда белгиланади. Агар жамоа шартномаси билан бошқача коида белгиланмаган бўлса, ўртacha ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобини зарар аниқланган кунга тўғри келадиган ойдан аввалги 12 календарь кундаги ҳисоб-китоб давридан келиб чиқиб амалга ошириш лозим. Агар жамоа шартномасида *МК 169-моддасининг* коидаларини ҳисобга олган ҳолда ўртacha ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш ҳоллари учун иш ҳақи ва таътил учун компенсация ҳисоб-китобидан фарқ қиласидиган бошқача ҳисоб-китоб даври белгиланган бўлса, зарарни ундириш тартибини белгилаш учун ўртacha ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобини мазкур ҳисоб-китоб давридан келиб чиқиб амалга ошириш керак. Бунда мазкур тартиб ходимларнинг аҳволини ёмонлаштирумаслиги керак.

*Ундириш ходимдан етказилган зарар суммасини ундириши тўғрисида чиқарилган ёзма фармойиши (буйруқ)* асосида амалга оширилади (7-намунага қаралсин).

Ходимнинг ўз зиммасига юкланган, унинг ўртacha иш ҳақидан ошмайдиган миқдордаги моддий жавобгарликка ёки ушлаб колиш миқдорларига рози бўлмаслиги ушлаб колиш тўғрисидаги буйруқнинг (фармойишнинг) бажарилишини тўхтатмайди.

**У ч и н ч и д а н**, у – ундиришнинг суд тартиби. Агар келишиб олишга муваффақ бўлинмаса, судга мурожаат этиш олдидан ходимга **зарарни ихтиёрий қоплаш тўғрисида таклиф** юбориш зарур (8-намунага қаралсан). Унда ушбу ҳужжат олингани тўғрисида имзо туриши керак ёки гувохларнинг имзолари билан ходимнинг уни олишдан бош тортганлиги **далилини** расмийлаштириш мумкин. Мазкур усулга, зарар миқдори белгиланган кундан бошлаб бир ойлик муддат тугаганидан кейин ва агар ундириладиган сумма зарар келтирувчининг ўртacha ойлик иш ҳақидан ошса, мурожаат қилиш лозим. Зарарни ундириш амалиёти шуни кўрсатадики, агар иш берувчи барча зарур расмиятчиликларга риоя килса, суд деярли ҳар вакт иш берувчининг талабини кондиради. Бирок бунда энг низоли масала бўлиб зарар миқдори ҳисобланади. Зарар суммасини белгилаш ҷоғида юкорида кўрсатилган муаммоларга зътиборни қаратиш, шунингдек унинг ҳар бир таркибий кисмини дикқат билан таҳлил қилиш ва ҳужжат билан тасдиқлаш лозим.

Ҳал қилишининг суддан ташқари тартибини қўллаш (меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш йўли билан) мумкин бўлган кўпчилик меҳнат низоларидан фарқли ўлароқ, ходимнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишлар бевосита судда кўрилади.

Ходим томонидан моддий зарарни қоплаш масалалари бўйича судга мурожаат қилиш учун уни етказиш далили аникланган кундан бошлаб бир йил муддат белгиланган (*МКнинг 270-моддаси*).

Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, муддатнинг бошланиши бўлиб зарарнинг юзага келганлиги маълум бўлган кейинги кун ҳисобланади. Агар ушбу муддат ўтказиб юборилган бўлса ва жавобгар даъво муддатини қўллаш тўғрисида низо қўзғатса, иш берувчи уни тиклаш тўғрисида илтимоснома беришга ҳакли. Кўрсатилган муддат узрли сабаб билан ўтказиб юбориш сабаби, масалан, буни зарар етказилиши далили бўйича узок давом этган текширишлар, тафтишлар, терговлар ва хоказоларни ўтказиш зарурати вужудга келтирган бўлса, узрли деб топилиши мумкин.

**Фуқаролик-процессуал кодексинининг (кейинги ўринларда – ФПК) 149-моддасига** мувофиқ, иш берувчи аризада қуйидагиларни кўрсатиши лозим:

– ариза берилаётган суднинг номи;

- ўзининг номи ва каерда жойлашганлиги;
- жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи;
- ўзининг ходимга нисбатан қўйган талаблари;
- агар даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;
- даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;
- аризага илова қилинган хужожатларнинг рўйхати.

*Даъво аризасига* куйидагилар киритилиши керак:

- даъвогарнинг тасдиқлашига кўра жавобгар томонидан етказилган тўғридан-тўғри ҳақиқатдаги зарар суммаси;
- ходимнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)-ни кўрсатувчи ҳолатлар, ходимнинг қонунга хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан тўғридан-тўғри ҳақиқатдаги зарар бошлиниши ўртасидаги сабабий алоқа, жавобгарнинг зарар етказишдаги айби (бунда аниқ далилларга хавола қилиниши керак);
- жавобгар зиммасидаги моддий жавобгарлик тури (тўлик ёки чекланган);
- зарарни қоплашга ундан ундириладиган сумма;
- моддий жавобгарлик тури ва ундириладиган сумма миқдори тўғрисидаги хулоса асосланган далиллар;
- иш берувчи томонидан ундириладиган зарар суммаси ҳисобкитоби.

Агар даъво бир нечта жавобгарга тақдим этилса, аризада улар ҳар бирининг зарар етказишдаги айбининг даражасини тавсифлайдиган маълумотлар келтирилади ва айб даражаси, моддий жавобгарликнинг тури ва чегарасини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир жавобгар уни қандай улушда қоплаши кераклиги ҳисоб-китоби килинади.

Даъво аризасида баён этилган важларни тасдиқлаш учун унга куйидагилар илова қилинади:

- жавобгарнинг меҳнат функциясини белгилайдиган мансаб йўриқномалари;
- зарар ҳажми ва у жавобгарнинг айбига кўра етказилганини тасдиқловчи далиллар (билдиргилар, тушунтиришлар, текшириш далолатномалари, техник хулосалар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, тафтиш далолатномалари, юкхатлар, ҳисобварак-

фактуралар, солиштириш кайдномалари, интизомий жавобгарликка тортиш түгрисида буйруқлар ва ҳоказо).

Ходим зиммасига түлиқ моддий жавобгарликни юклаш түгрисидаги талабларга кўра даъво аризасига қуийдагилар илова қилинади (асосга боғлик ҳолда):

- түлиқ индивидуал ёки жамоавий (бригадавий) моддий жавобгарлик түгрисида шартнома;
- унга асосан ходим моддий бойликларни олган бир марталик ишончнома ёки бошқа бир марталик ҳужжат;
- ходим томонидан маст ҳолатда ёки меҳнат вазифаларини бажаришдан ташқарида зарар етказилганлиги далиллари ва ҳоказо.

Жавобгарнинг ўртача иш ҳаки микдорини, шунингдек моддий ахволини тасдиқлаш учун даъво аризасига унинг иш ҳаки түгрисидаги маълумотнома илова қилинади.

Жавобгарнинг моддий ахволини тавсифлаш учун шунингдек унинг оила аъзолари иш ҳаки түгрисида маълумотномалар, қарамоқдагиларнинг борлиги, мулк обьектлари түгрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар тақдим этилади ёки манфаатдор тарафнинг илтимосномасига кўра судья томонидан талаб килиб олинади.

Эълон қилинган талабларнинг хусусиятига боғлик ҳолда аризага бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Ходим томонидан етказилган моддий зарарни коплаш түгрисидаги даъво аризасидан ФПКнинг 104-моддасига мувофик умумий асосларда, ЎзР ВМнинг 03.11.1994 йилдаги 533-сон карори билан тасдиқланган *Давлат бозси ставкалари I-бандининг «а» кичик банди* билан белгиланган микдорларда давлат бози ундирилади.

Исботлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юкланадиган, ходим томонидан зарарни коплаш түгрисидаги ишни тўтри ҳал этиш учун мухим аҳамият касб этадиган ҳолатларга, хусусан, қуийдагилар киради:

- ходимнинг моддий жавобгарлигини истисно этадиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;
- зарар етказувчининг хатти-ҳаракати (ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги) конунга хилофлиги;
- ходимнинг зарар етказишдаги айби;
- ходимнинг хатти-ҳаракати ва зарарнинг бошланиши ўргасидаги сабабий алокা;

- тўғридан-тўғри ҳақиқатдаги заарнинг борлиги;
- етказилган зарар миқдори;
- тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш коидаларига риоя этилиши.

Агар иш берувчи ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши тўғрилигини ва ушбу ходимда камомаднинг борлигини исботласа, ходим етказилган зарарда ўзининг айби йўқлигини исботлаши шарт. Барча ҳолларда зарарни қоплаш, зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун ходими интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортишдан катъи назар, амалга оширилади.

Иш берувчи томонидан зарарни ундиришнинг белгиланган тартибига риоя этилмаганида ходим судда иш берувчининг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш хукуқига эгадир.

Жамоавий (бригадавий) жавобгарликда ҳам ушлаб қолишлар худди шундай тартибда амалга оширилади. Бунда моддий жавобгарликка иш берувчининг фармойишига кўра ходим, агар унинг улушкига бригада аъзоси сифатида тўғри келадиган зарар унинг ўртача ойлик иш ҳақидан описаса, шу ҳолдагина тортилиши мумкин.

Колган ҳолларда зарарни ундириш маъмурият томонидан судга даъво тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, *Меънат кодексига* мувофиқ иш берувчи зарар етказилган аниқ ҳолатларни хисобга олган ҳолда уни айборд шахсдан ундиришдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш хукуқига эга. Бундай карор *буйруқ* билан расмийлаштирилади (*10.1-намунага қаралсин*). Бундан ташқари, иш берувчи *МК 199-моддасининг* мазмунини хисобга олиши лозим, унга кўра ходимнинг моддий жавобгарлиги куйидагилар оқибатида зарар вужудга келган ҳолларда истисно этилади:

- енгиб бўлмас куч;
- ғоятда зарурат ёки зарурий мудофаа (буйрукни расмийлаштириш *10.2-намунада берилган* – мазкур вазиятда ходим ҳатто мукофотланган);
- ходимга ишониб топширилган мол-мулкни саклаш учун лозим даражадаги шароитларни таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг иш берувчи томонидан бажарилмаганлиги.

«БЕК НОДИР» МЧЖ  
баш директори  
*И.И. Бекбулатовга*

«БЕК НОДИР» МЧЖ  
Ўраб-жойлаш цехи

### ХИЗМАТ ХАТИ

02.07.2013 йил  
21-09/45-сон

#### Моддий зарар етказилганлиги тўғрисида

Сизга маълум киласанки, 2013 йил 1 июлда транспорт цехи-нинг слесари *Нуриманов П. П.* ўзбошимчалик билан юк ортувчи электрокарга минди ва унда ўраб-жойлаш цехи худудида тўплаб қўйилган тайёр маҳсулот ғарамига бориб урилди. Урилиш натижасида харидорга жўнатиш учун ўраб-жойлаб қўйилган тайёр буюмлар шикастланди.

*Нуриманов П. П.*нинг юк ортиш-тушириш техникаси билан ишлапга рухсати ва электрокарни бошқаришга хужжати йўқ.

Цех бошлиги \_\_\_\_\_ *П. Н. Степанов*  
(имзо)

\_\_\_\_\_ (санаси)

«БЕК НОДИР» МЧЖ

**БҮЙРУҚ**

02.07.2013 йил

153-сон

Тошкент ш.

**Ходим томонидан зарар етказилғанлиги далилини  
текшириш учун комиссия тузиш түгрисида**

2013 йил 1 июлда транспорт цехининг слесари *Нуриманов П. П.* ўзбошимчалик билан юк ортувчи электрокарга минган ва унда тайёр маҳсулот ғарамига бориб урилган.

Воқеа ҳолатларини аниқлаш ва зарар суммасини белгилаш мақсадида

**БҮЮРАМАН:**

1. Ходим томонидан етказилған зарар далилини текшириш учун куйидаги таркибда комиссия тузилсин:

*Үраб-жойлаш цехи бошлиғи Степанов П. Н.,*

*транспорт цехи бошлиғи Ҳожиев К. С.,*

*буш бухгалтер Икрамова А. И.*

*Степанов П. Н.*нинг зиммасига комиссия раисининг вазифалари, шу жумладан комиссия мажлисларини олиб бориш ва қабул килинган карорларни хужожатлаштириш вазифалари юклатилсин.

2. Комиссия олдига куйидаги вазифалар кўйилсин:

1) хизмат текширувани утказиш ва юз берган воқеанинг ҳолатларини аниқлаш;

2) воқеада иштирок этган шахсларнинг, шунингдек уни содир этиш ҳолатлари түгрисида бирор нарса билиши мумкин бўлган шахсларнинг тушунтиришларини талаб қилиб олиш;

3) айбдор шахсларни аниқлаш;

4) зарар миқдорини аниқлаш.

3. Комиссия ишининг натижалари бўйича айбдор шахсларга нисбатан бундан кейинги харакатлар ва ташкилотда вужудга келган зарарларни компенсациялаш тартиби тўғрисида таклиф тайёрлансин.

4. Сифатни назорат килип бўлимининг бошлиги *Каримова Н. К.* бош бухгалтер *Икромова А. И.* билан биргаликда ташкилотнинг шикастланган мол-мулкини инвентаризациялашни ўтказсин ва зарар миқдорини аниқласин.

Бош директор \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*  
(имзо)

Буйруқ билан таниширилдилар:  
Ўраб-жойлаш цехи бошлиги \_\_\_\_\_ *П. Н. Степанов*  
(имзо)

Транспорт цехи бошлиги \_\_\_\_\_ *К. С. Хожиев*  
(имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ *А. И. Икромова*  
(имзо)

СНКБ бошлиги \_\_\_\_\_ *К. К. Каримова*  
(имзо)

03.07.2012 йил

## ИЧКИ МЕҲНАТ ТАРТИБИ ҚОИДАЛАРИ

**7. Айбни ва меҳнат шартномасининг тарафлари етказган зарар миқдорини белгилаш бўйича комиссия.**

7.1. Меҳнат шартномаси томонлари томонидан бир-бирларига етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни тезкор ва адолатли ҳал этиш мақсадида корхонада Айбнинг мавжудлиги ва етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича комиссия (бундан кейин – АЗ комиссияси) тузилади.

7.2. АЗ комиссияси ижтимоий шериклик органларига киради ва унинг иши ҳамкорликнинг юкори даражасини ва ходимларнинг корхонанинг меҳнат муносабатларининг бир тарафида бошқа тараф айби билан вужудга келадиган зарарни қоплаш масалалари билан боғлиқ фаoliyatiда иштирок этишларини таъминлашга қаратилган. Ана шу мақсадда АЗ комиссиясига корхона касаба уюшмаси ташкилотининг вакили киради.

7.3. АЗ комиссияси олдига куйидаги вазифалар қўйилади:

- меҳнат шартномаси тарафлари томонидан зарар етказилиши холатларини аниқлаш;
- зарар етказишда айбдорларни аниқлаш;
- етказилган зарар миқдорини аниқлаш;
- айбдор тарафга зарарни ихтиёрий қоплаши тўғрисида таклифлар тайёрлаш;
- зарарни қоплаш чоғида вужудга келадиган ихтилофларни ҳал этиш йўлларини излаш.

7.4. Комиссия 5 аъзодан иборат таркибда тузилади. Комиссия таркибига корхона касаба уюшмаси кўмитасининг бир вакили киради. Касаба уюшмаси кўмитасининг вакили комиссия раиси вазифаларини бажаради. АЗ комиссиясининг барча қарорлари овозларнинг олдий кўпчилиги билан қабул қилинади. Агар АЗ комиссияси мажлисида камида 4 аъзо иштирок этса, қарор қабул қилиниши мумкин.

7.5. Комиссия аъзолари ташкилот бўйича буйруқ билан тайинланади. Касаба уюшмаси кўмитаси вакили комиссия таркибига

корхона касаба уюшмаси қўмитасининг Фармойиши асосида киритилади.

**7.6. АЗ комиссияси қуйидаги хукуқларга зга:**

- корхона бўлинмалари ва ходимларидан текширилаётган ҳолатга тааллукли бўлган ҳар қандай хужжатларни талаб қилиб олиш;
- корхона ходимларидан текширилаётган ҳолатлар бўйича туширтишиларни талаб қилиш ва олиш;
- комиссия ишига эксперталар сифатида иш берувчининг ходимларини тегишли йўналиш ёки бўлинма раҳбари билан келишган ҳолда жалб этиш;
- ташкилотнинг ўз ҳаракатлари билан зарап вужудга келишига, унинг миқдори кўпайишига имкон яратган ёки АЗ комиссиясининг фаолиятига тўсқинлик қилган ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

**7.7. АЗ комиссияси аъзоларининг мажбуриятлари:**

- ўз вазифаларига вижданан муносабатда бўлиш;
- комиссиянинг барча мажлисларида иштирок этиш;
- комиссиянинг ишида амалдаги қонун хужжатларига амал қилиш ва адолат тамойилига риоя этиши.

7.8. Корхона маъмурияти ўз фаолиятида АЗ комиссияси билдиригтан фикрни ҳисобга олиши шарт.

**«БЕК НОДИР» МЧЖ**

Тошкент, Шарабоев 1-тор кўчаси, 3-уй  
 Тел. (998) 333-33-33  
 Факс. (998) 333-33-34

«БЕК НОДИР» МЧЖ  
 транспорт цехи слесари  
*П. П. Нуримановга*

03.07.2013 йил

—сон

**Ёзма ариза тақдим этиш тўғрисида  
 ТАЛАБНОМА**

2013 йил 1 июлда Сиз, юк ортувчи электрокарни бошқариб, ўраб-жойлаш цехи ҳудудида тўплаб қўйилган тайёр маҳсулот ғарамига бориб урилгансиз. Мазкур хол бўйича тушунтириш беришингизни сўраймиз. Тушунтиришда Сиз нима учун юк ортувчи электрокарни бошқарганингиз ва бошқа цех ҳудудида нима килганингизни кўрсатишингизни сўраймиз.

Ходим томонидан етказилган зарар

Далилини текшириш бўйича

Комиссия раиси \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*

(имзо)

Мазкур талабномани олдим:

\_\_\_\_\_ (лавозим)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (И.О.Ф.)

\_\_\_\_\_ (сана)

Мазкур талабномани олганлиги тўғрисида имзо қўйишдан *Нуриманов П. П.* бизнинг ҳозирлигимизда бош тортди, буни ўз имзоларимиз билаи тасдиқлаймиз:

Ўраб-жойлаш цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ *П. Н. Степанов*  
 (имзо)

Транспорт цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ *К. С. Ҳожиев*  
 (имзо)

Омбор омборчиси \_\_\_\_\_ *Р. Ю. Курбонов*  
 (имзо)

03.07.2013 йил

«БЕК НОДИР» МЧЖ

Тушунтиришдан бош тортилиши тұғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент ш.

03.07.2013 йил

Мазкур далолатнома күйидагилар тұғрисида түзилди:

1. 2013 йил 1 июля транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* га ходим томонидан зарар етказилиши далилни текширип бўйича комиссия раиси *Степанов П. Н.* томонидан комиссия аъзоси *Хожиев К. С.* ва 2-омбор омборчиси *Курбонов Р. Ю.* хозирлигига *Нуриманов П. П.* томонидан 2013 йил 1 июля юк ортувчи электрокар бошқарилиши ва унинг ўраб-жойлаш цехи худудида тайёр маҳсулот гарамига бориб урилганлиги, бунинг натижасида маҳсулотнинг бир қисми шикастланганлиги далили бўйича тушунтириш берилиши таклиф килинди.

2. *Нуриманов П. П.* тушунтириш беришдан беадаб сўзларни ишлатган ҳолда қўпол шаклда бош тортди.

Далолатномани тузди:

Ходим томонидан зарар  
етказилиши далилни  
текшириш бўйича  
комиссия раиси \_\_\_\_\_

*П. Н. Степанов*

(имзо)

(сана)

Гувоҳларнинг имзолари:

Транспорт цехи бошлиги \_\_\_\_\_ *К. С. Хожиев*  
(имзо)

Омбор омборчиси \_\_\_\_\_ *Р. Ю. Курбонов*  
(имзо)

03.07.2013 йил

**«БЕК НОДИР» МЧЖ**

**Нуриманов П. П. томонидан заарар етказилганигини  
текшириш натижалари тұғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

Тошкент ш.

12-07/15-сон

04.07.2013 ыйл

Тузиш жойи: *Тошкент, Шарабоев 1-тор күчаси, 2-омбор.*

«БЕК НОДИР» МЧЖнинг 02.07.2013 ыйлдаги 153-сон буйруғи асосида тузилган ходим томонидан заарар етказилганиги далилини текшириш бүйича күйидаги таркибдаги комиссия:

комиссия раиси – ўраб-жойлаш цехи бошлиғи *П. Н. Степанов*, комиссия башқа аъзолари – бош бухгалтер *А. И. Икромова*, транспорт цехи бошлиғи *К. С. Ҳожиев* күйидагиларни аниқлади;

1) 2013 ыйл 1 июлда транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* ўзбошимчалик билан юк ортувчи электрокарга минган ва уни ўраб-жойлаш цехи худудида түплас түйилгандың тайёр маҳсулот фарамига бориб урган;

2) *Нуриманов П. П.* юк ортиш-тушириш техникаси билан ишлаш учун рухсатта ва электрокарни бошқариш ҳуқуқини берувчи хужжаттага зәгасы;

3) *Нуриманов П. П.* юк ортувчи электрокарни бошқариш далили бүйича тушунтириш беришдан бош тортди. Комиссия аъзолари томонидан сўраб чиқилган транспорт цехи ходимлари *Емельянов Н. Е.* ва *Хайруллаев М. К.*нинг тушунтиришларича, *Нуриманов П. П.* электрокарни «басма-басга» олган ва бошқаришини улдалай олмаган;

4) бориб урилиш натижасида тўртта кутидаги тайёр маҳсулот жиддий заарланган, яна икки кутидагиси шикастланган. Тўртта кутидаги маҳсулот хисобдан чиқарилиши керак. Иккى кутидагисини, маҳсулот кайтадан ўраб-жойлаштирилганидан кейин, вазифасига кўра ишлатиш мумкин;

5) бухгалтерия хизматининг маълумотларига мувофик зарар ҳажми 153 минг сўмни ташкил килди, шу жумладан: хисобдан чиқариладиган тайёр маҳсулот таннархи – 150 минг сўм; идиш ва маҳсулотни қайтадан ўраб-жойлаш таннархи – 3 минг сўм;

6) Нуриманов П. П.нинг ўртача иш ҳаки – 220 минг сўм.

Комиссия холосаси: Нуриманов П. П. иш берувчининг мол-мулкига гарчи иш вақтида бўлса-да, бироқ ўз иш жойидан ташқарида, ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаган ҳолда зарар етказган. Тегишли таълим олмаган ва юк ортувчи электрокарни бошқариш ҳукуқини берувчи ҳужжатга эга бўлмаган ходим ўз ҳаракатларининг эҳтимол бўлган оқибатларини англатмаслиги мумкин эмас эди.

Комиссия тавсияси: Нуриманов П. П.дан ташкилотга етказилган 153 минг сўм миқдоридаги зарар ундириб олинсин.

Комиссия раиси:

Ўраб-жойлаш цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ П. Н. Степанов  
(имзо)

Комиссия аъзолари:

Транспорт цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ К. С. Ҳожиев  
(имзо)  
Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ А. И. Ихромова  
(имзо) \_\_\_\_\_  
(санаси)

«БЕК НОДИР» МЧЖ

**Нуриманов П. П. томонидан заарар етказилғанлыгини  
текшириш натижалари түрлесида  
ДАЛОЛАТНОМА**

Тошкент ш.

12-07/15-сон

04.07.2013 йил

Тузиш жойи: Тошкент, Шарабоеев 1-тор күчаси, 2-омбор.

«БЕК НОДИР» МЧЖнинг 02.07.2013 йилдаги 153-сон буйруғи асосида тузилған ходим томонидан заарар етказилғанлыги далилини текшириш бўйича куйидаги таркибдаги комиссия:

комиссия раиси – ўраб-жойлаш цехи бошлиғи *П. Н. Степанов*, комиссия бошка аъзолари – бош бухгалтер *А. И. Икромова*, транспорт цехи бошлиғи *К. С. Ҳожиев* куйидагиларни аниқлади:

1) 2013 йил 1 июлда транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* ўзбошимчалик билан юк ортувчи электрокарга минган ва уни ўраб-жойлаш цехи худудида тўплаб кўйилған тайёр маҳсулот ғарамига бориб урган;

2) *Нуриманов П. П.* юк ортиш-тушириш техникаси билан ишлаш учун рухсатга ва электрокарни бошқариш хуқукини берувчи хужжатга эга эмас;

3) *Нуриманов П.П.* юк ортувчи электрокарни бошқариш далили бўйича тушунтириш беришдан бош тортди. Комиссия аъзолари томонидан сўраб чиқилган транспорт цехи ходимлари *Емельянов Н. Е.* ва *Хайруллаев М. К.*нинг тушунтиришларича, *Нуриманов П. П.* электрокарни «басма-басга» олган ва бошқаришни уddyалай олмаган;

4) бориб урилиш натижасида тўртта кутидаги тайёр маҳсулот жиддий заарланган, яна икки кутидагиси шикастланган. Тўртта кутидаги маҳсулот хисобдан чиқарилиши керак. Икки кутидагисини, маҳсулот қайтадан ўраб-жойлаштирилганидан кейин, вазифасига кўра ишлатиш мумкин;

5) бухгалтерия хизматининг маълумотларига мувофиқ зарар ҳажми 153 минг сўмни ташкил қилди, шу жумладан: ҳисобдан чиқариладиган тайёр маҳсулот таннархи – 150 минг сўм; идиш ва маҳсулотни қайтадан ўраб-жойлаш таннархи – 3 минг сўм;

6) Нуриманов П. П.нинг ўртача иш ҳаки – 220 минг сўм.

Комиссия хуносаси: Нуриманов П. П. иш берувчининг мол-мулкига гарчи иш вақтида бўлса-да, бирок ўз иш жойидан ташқарида, ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаган ҳолда зарар етказган. Тегишли таълим олмаган ва юк ортувчи электрокарни бошқариш хукуқини берувчи ҳужжатга эга бўлмаган ходим ўз харакатларининг эҳтимол бўлган оқибатларини англатмаслиги мумкин эмас эди.

Комиссия тавсияси: Нуриманов П. П.га ташкилотга 153 минг сўм микдорида етказилган зарарни ихтиёрий тартибда коплаш таклиф этилсин. Нуриманов П. П. етказилган зарарни қоплашдан бош тортган тақдирда, ташкилот маъмуриятига мажбурий ундириш учун судга мурожаат қилиш тавсия этилсин.

Комиссия раиси:

Ўраб-жойлаш цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ П. Н. Степанов  
(имзо)

Комиссия аъзолари:

Транспорт цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ К. С. Ҳожиев  
(имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ А. И. Икромова  
(имзо) \_\_\_\_\_  
(сана)

«БЕК НОДИР» МЧЖ

**БҮЙРУҚ**

05.07.2013 йил

Тошкент ш.

158-сон

**Ходимдан етказилган зарар суммасини  
ундириш түгрисида**

2013 йил 1 июлда транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* ўзбошимчалик билан юк ортувчи электрокарга минган ва уни тайёр маҳсулот ғарамига бориб урган. Бориб уриш натижасида ташкилотнинг мол-мулки шикастланган. Заарар ҳажми 153 минг сўм миқдорида баҳоланган.

Заарарни қоплаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. *Нуриманов П. П.* зиммасига унинг ҳаракатлари билан ташкилотга етказилган заарарни қоплаш мажбурияти юклансин.

2. Бухгалтерия хизмати *Нуриманов П. П.*нинг иш ҳақидан ташкилотга етказилган заарарни ташкил этувчи 153 минг сўмни ушлаб қоссин.

Асос: ходим томонидан заарар етказилганилиги далилини текшириш тўйича комиссиянинг 04.07.2013 йилдаги 12-07/15-сон далолатномаси.

Бош директор \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*  
(имзо)

Буйрук билан таништирилди:

Транспорт цехи слесари \_\_\_\_\_ *П. П. Нуриманов*  
(имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ *А. И. Икромова*  
(имзо) \_\_\_\_\_  
(сана)

«БЕК НОДИР» МЧЖ

Тошкент, Шарабоев 1-тор кӯчаси, 3-үй  
Тел. (998) 333-33-33  
Факс. (998) 333-33-34

«БЕК НОДИР» МЧЖ  
транспорт цехи слесари  
Нуриманов П. П.га

05.07.2013 йил  
25-сон

**Зарарни ихтиёрий тарзда қоплаш түғрисида  
ТАКЛИФ**

2013 йил 1 июлда юк ортувчи электрокарни бошқариб, уни ўраб-жойлаш цехи худудида түплаб қўйилган тайёр маҳсулот гарамига бориб ургансиз. Бориб уриш натижасида Сиз ташкилотга 153 минг сўм суммасида моддий зарар етказдингиз. Сизга мазкур зарарни ихтиёрий тартибда қоплашни таклиф қиласиз. Акс ҳолда ташкилот зарарни ундириш талаби билан суд органларига мурожаат килишга мажбур бўлади.

Бош директор \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*  
(имзо)

Мазкур талабни олдим:

\_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (шахсий имзо) \_\_\_\_\_ (И.О.Ф.)  
(сана)

Мазкур Таклифни олганлиги түғрисида имзо чекишдан *Нуриманов П. П.* бизнинг ҳозирлигимизда бош тортди, буни ўз имзоларимиз билан тасдиқлаймиз:

Ўраб-жойлаш цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ *П. Н. Степанов*  
(имзо)

Транспорт цехи бошлиғи \_\_\_\_\_ *К. С. Ҳожсиев*  
(имзо)

Омбор омборчиси \_\_\_\_\_ *Р. Ю. Курбонов*  
(имзо)

05.07.2013 йил

**Зарарни ихтиёрий тарзда қоплаш түғрисида  
КЕЛИШУВ**

Тошкент ш.

06.07.2013 йил

Бундан кейин Ходим деб номланадиган транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* билан бундан кейин Иш берувчи деб номланадиган Устав асосида фаолият юритувчи бош директор *Бекбулатов И. И.* тимсолида «БЕК НОДИР» МЧЖ куйидагилар түғрисида мазкур Келишувни туздилар:

2013 йил 1 июля Ходим юк ортувчи электрокарни бошқарыб, уни ўраб-жойлаш цехи худудида түп slab қўйилган тайёр маҳсулот гарамига бориб урган. Бориб уриш натижасида Ходим томонидан иш берувчига моддий зарар етказилган. Ходим қуйидаги шартларда зарарни ихтиёрий тарзда қоплашни амалга оширади:

1. Қопланадиган зарар миқдори 153 минг сўмни ташкил килади.
2. Зарарни қоплаш ходимнинг иш ҳақидан қуйидаги тарзда ушлаб қолиш йўли билан амалга оширилади:
  - 51 минг сўм микдордаги биринчи тўлов ходимнинг 2013 йил июль учун иш ҳақидан ушланади. Ушлаш иш ҳақи берилган кунда амалга оширилади;
  - 51 минг сўм микдоридаги иккинчи тўлов Ходимнинг 2013 йил август учун иш ҳақидан ушланади. Ушлаш иш ҳақи берилган кунда амалга оширилади;
  - 51 минг сўм микдоридаги учинчи тўлов ходимнинг 2013 йил сентябрь учун иш ҳақидан ушланади. Ушлаш иш ҳақи берилган кунда амалга оширилади.
3. Ходим зарар тўлиқ қопланишигача ишдан бўшаган тақдирда ушлаш узил-кесил ҳисоб-китоб суммасидан амалга оширилади.
4. Мазкур Келишув икки нусхада, тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан, тузилган.

Ходим:

*П. П. Нуриманов*

Иш берувчи:  
«БЕК НОДИР» МЧЖ  
бош директори  
*И. И. Бекбулатов.*

«БЕК НОДИР» МЧЖ

**БҮЙРУҚ**

05.07.2013 йил

Тошкент ш.

158-сон

**Ходим томонидан етказилган зарарни ундиришдан  
бош тортиш тұғрисида**

2013 йил 1 июлда транспорт цехи слесари *Нуриманов П. П.* юк ортувчи электрокарни бошқариб, уни тайёр маҳсулот ғарамига бориб урган. Бориб урып натижасыда ташкилотнинг мол-мұлки зарар күрган. Зарар мөкдори 153 минг сүмга баҳоланди.

Бошқарувни *Нуриманов П. П.* гарчи үз ташаббуси билан бұлсада, бирок маҳсулотни темир йўл вагонларига юклаш муддатлари барбод бўлишига йўл кўймаслик хоҳиши билан, ишга чиқмаган *Собиров С. С.*нинг ўрнида ишлаш максадида амалга оширганлиги муносабати билан

**БУЮРАМАН:**

1. Белгилансинки, *Нуриманов П. П.* томонидан ташкилотга етказилган моддий зарар ундирилмайди.
2. Техника хавфсизлігі бўйича мухандис *Махмудов F. F.* транспорт цехининг барча ходимларига бошқариш ҳужжати ёки бошқаришга рухсати бўлмаган ходимларнинг машина ва механизmlарни бошқаришга йўл кўймаслигини тушунтиурсин.
3. Транспорт цехи бошлиғи *Ҳожиев К. С.*га унга ишониб берилган бўлинма ходимлари сменалар бўйича лозим даражада тақсимланмаганлиги ва сменада ўрин босувчи ҳайдовчи – юк ортувчининг йўклиги учун танбәх зълон қилинсин.
4. Ходимларни ўқитиш бўлими бошлиғи *Инъомов Ш. Ш.* транспорт цехи ходимлари жумласидан ҳайдовчи – юк ташувчиларни қўшимча ўқитишга эҳтиёжни баҳоласин ва 2013 йил 20 июлгача ўқитиш режаси ва унга харажатлар сметасини тақдим этсин.

**А с о с :** ходим томонидан зарар етказилғанлиги далилині текшіриш бўйича комиссиянинг 04.07.2013 йилдаги 12-07/15-сон далолатномаси.

Бош директор \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*  
(имзо)

Бўйруқ билан таништирилди:

Транспорт цехи слесари \_\_\_\_\_ *П. П. Нуриманов*  
(имзо)

Транспорт цехи бошлиги \_\_\_\_\_ *К. С. Ҳожиев*  
(имзо)

Техника хавфсизлиги  
бўйича мухандис \_\_\_\_\_ *F. F. Маҳмудов*  
(имзо)

Ходимларни ўқитиш  
бўлими бошлиги \_\_\_\_\_ *Ш. Ш. Инъомов*  
(имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ *А. И. Икромова*  
(имзо)

«БЕК НОДИР» МЧЖ

**БҮЙРУҚ**

05.07.2013 йил

Тошкент ш.

158-сон

**Ходим томонидан етказилган зарарни ундиришдан  
бош тортиш түгрисида**

2013 йил 1 июлда тайёр маҳсулот цехи худудида симнинг кисқа туташуви натижасида ахлатнинг ёниши юз берган. *Нуриманов П. П.* оловни локаллаштириш ва унинг тайёр маҳсулот ғарамига тақалишига йўл қўймаслик максадида юк ортуячи электрокардан фойдаланган. *Нуриманов П. П.* юк ортувчи электрокарни ҳайдаш тажрибасига, шунингдек уни ҳайдаш хуқукини берувчи ҳужжатга эга бўлмаган, натижада у электрокарни тайёр маҳсулот ғарамига бориб урган. Бориб уриш натижасида ташкилот мол-мулки зарарланган. Зарар микдори 153 минг сўм микдорида баҳоланган. Мол-мулкка ўта зарурат оқибатида зарар етказилганлиги муносабати билан

**БУЮРАМАН:**

1. Белгилансинки, ташкилотга *Нуриманов П. П.* томонидан етказилган моддий зарар ундирилмайди.
2. Вазиятта мувофиқ харакат қилганини учун *Нуриманов П. П.*га бир ой учун ўртача иш ҳаки микдорида мукофот тўлансин.
3. Бухгалтерия хизмати *Нуриманов П. П.*га мукофотни навбатда ги иш ҳақини тўлаш билан бир вақтда тўлашни амалга оширсин.
4. Ходимларни ўқитиш бўлими бошлиги *Инъомов Ш. Ш.* транспорт цехи ходимлари жумласидан хайдовчи – юк ташувчиларни кўшимча ўқитишга эҳтиёжни аниқласин ва 2013 йил 20 июлгача ўқитиш режаси ва харажатлар сметасини тақдим этсин.

**А с о с :** ходим томонидан зарар етказилганлиги далилини текшириш бўйича комиссиянинг 04.07.2013 йилдаги 12-07/15-сон далолатномаси.

Бош директор \_\_\_\_\_ *И. И. Бекбулатов*  
(имзо)

Бүйрүк билан таништирилди:

Транспорт цехи слесари \_\_\_\_\_ *П. П. Нуриманов*  
(имзо)

Ходимларни ўқитиш  
бўлими бошлиғи \_\_\_\_\_ *Ш. Ш. Инъомов*  
(имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_ *А. И. Икромова*  
(имзо)

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| <b>МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ДЕГАНИ НИМА ЎЗИ</b>  | 3  |
| Моддий жавобгарликнинг турлари   | 11 |
| <b>ХОДИМЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ</b>  |    |
| <b>ТҮГРИСИДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ</b>   | 19 |
| Мехнат шартномаси  | 19 |
| Тўлиқ моддий жавобгарлик түгрисида шартнома  | 21 |
| Якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик   |    |
| тўгрисидаги шартнома   | 21 |
| Жамоанинг (бригаданинг) моддий жавобгарлиги  |    |
| тўгрисидаги шартнома   | 23 |
| <b>ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ДАЛИЛЛАРИНИ</b>  |    |
| <b>ХУЖЖАТЛАШТИРИШ ХОДИМЛАР МОДДИЙ</b>  |    |
| <b>ЖАВОБГАРЛИГИ ЮЗАГА КЕЛИШИННИНГ АСОСИ СИФАТИДА</b>   | 27 |
| <b>МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН</b>   |    |
| <b>БОЙЛИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ</b>  | 32 |
| Бойликларни қабул қилиб олиш бўйича умумий коидалар  | 32 |
| Товар-моддий бойликларни ишончнома бўйича қабул қилиш  | 33 |
| Товар-моддий бойликларни темир йўл станциясида (пристанда),<br>аэропортда қабул қилиш                    | 36 |
| Товар-моддий бойликларни етказиб берувчининг омборида қабул<br>қилиш                                     | 37 |
| Товар-моддий бойликларни сотиб олувчининг омборида қабул қилиш   | 39 |
| <b>МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ</b>   |    |
| <b>ХУЖЖАТЛИ РАСМИЙЛАШТИРИШ</b>   | 41 |
| Умумий коидалар  | 41 |
| Материаллар келиб тушишини хужжатли расмийлаштириш   | 41 |
| Материаллар чиқарилишини хужжатли расмийлаштириш   | 43 |
| Инвентарь ва хўжалик анжомлари билан операцияларни хужжатли<br>расмийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари | 44 |
| <b>ОМБОРДАГИ ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ҲИСОБИ</b>   |    |
| <b>ВА МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХСЛАРНИНГ ТОВАР-МОДДИЙ</b>   |    |
| <b>БОЙЛИКЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ</b>   | 46 |

|  |     |
|--|-----|
| <b>ТОВАРЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТЛИ</b>   |     |
| <b>РАСМИЙЛАШТИРИШ</b>  | 50  |
| Назорат-касса машиналарини құллаган ҳолда савдо операцияларини амалға оширишда ақоли билан пул хисоб-китобларини ҳужжатли расмийлаштириш | 50  |
| Товарларни кредиттә сотиш бүйічә операцияларни ҳужжат билан расмийлаштириш   | 54  |
| Воситачилик савдосыда савдо операцияларини ҳужжатли расмийлаштириш   | 55  |
| Товар йұқотишиларини ҳужжат билан расмийлаштириш   | 58  |
| <b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҲУЖЖАТ БИЛАН РАСМИЙЛАШТИРИШ</b>  | 62  |
| Асосий воситалар келиб түшганды операцияларни расмийлаштириш   | 63  |
| Асосий воситалар объектига инвентарь раками бериліши   | 64  |
| Асосий воситаларнинг таҳлилдік ҳисоби  | 65  |
| Асосий воситаларнинг чиқиб кетишини расмийлаштириш   | 66  |
| <b>КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ҲУЖЖАТЛИ</b>   |     |
| <b>РАСМИЙЛАШТИРИШ</b>  | 68  |
| <b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР ВА ПУЛ МАБЛАГЛАРИНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯЛАШ</b>  | 74  |
| Ташкилот мол-мұлқинні инвентаризациялашнинг умумий тартиби   | 74  |
| Товар-моддий бойликларни инвентаризациялаш тартиби   | 78  |
| Пул маблаглари, бойликлар ва катъий ҳисобдаги бланкларни инвентаризациялаш   | 79  |
| Асосий воситаларни инвентаризациялаш   | 80  |
| Номоддий активларни инвентаризациялаш  | 82  |
| Молиявий күйилмаларни инвентаризациялаш  | 83  |
| Туталланмаган ишлаб чыкаруш ва келгуси даврлар харажатларини инвентаризациялаш   | 84  |
| Үй ҳайвонлари ва ёш ҳайвонларни инвентаризациялаш  | 86  |
| Хисоб-китобларни инвентаризациялаш   | 87  |
| Инвентаризация натижаларини анықлаш ва инвентаризацияда аникланган тағовутларни тартибга солишиң коңдаси                                 | 87  |
| <b>ТАШКИЛОТГА УНИНГ ҲОДИМИ ЕТКАЗГАН ЗАРАРНИ ҮНДИРИШ ТАРТИБИ</b>  | 91  |
| <i>Намуналар</i>   | 100 |

*3000 сур.*

Н. Л. ГРИШУТИНА, Е. А. ЕРМОХИНА

## ХОДИМЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Тошкент — «NORMA» — 2014

Таржимонлар: *A. Имомназаров, Н. Алимов*

Чиқариш учун масъул *M. Мелибоеев*

Адабий муҳаррир *Z. Раҳимбекова*

Бадиий муҳаррир ва компьютерда саҳифаловчи

*A. Мирзамуҳамедов*

10.05.2011 йилдаги АІ №188 лицензия. 2014 й. 3 январда  
теришига берилди. Оригинал-макетдан 2014 й. 27 январда  
босишига рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108^{1/32}$ .

Гарнитура «Times». Офсет босма. Газета қофози.

Шартли 7,5 б. т. Нашр. ҳисоб. т. ҳ. 12,6 Адади 1500 нусха.  
Буюртма № 1398. Нархи келишув асосида.

«NORMA» МЧЖ, Тошкент ш., Таллимаржон күч., 1/1.

«TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон күч., 1/1.